

Ў.И.Абдуллаев

**ЎРТА ОСИЁДА ҚАДИМГИ БОШҚАРУВ
ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

63.3

A.13

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази

Ў.И. АБДУЛЛАЕВ

**ЎРТА ОСИЁДА ҚАДИМГИ БОШҚАРУВ
ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК
ТАРИХШУНОСЛИГИ**



«Akademiya»

Тошкент — 2009

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори,
профессор А.С.Сагдуллаев


Такризчилар: тарих фанлари доктори,
профессор М.Х.Исомиддинов,
тарих фанлари номзоди
О.Масалиева

Ў.И.Абдуллаев. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. –Т.: «Akademiya» нашриёти, 2009.

Мазкур китобда Ўрта Осиёда қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик тарихи тўғрисида тўпланган маълумотлар, мавжуд илмий ёндашувлар, фикр ва хулосалар, мавзунинг ўрганилиши натижалари тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритилган.

Китобда минтақадаги қадимги бошқарув ва илк давлатчилик масаласига оид манбаларнинг ўрганилиши тарихи, Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ёндашувлар, назариялар, ижтимоий-иқтисодий бошқарувнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши каби мавзулар ўз аксини топган.

Китоб талабалар, ўқитувчилар ва умуман қадимги тарих билан қизиқувчи келгиларнинг қўлбоғини оммасига мўлжалланган.



ISBN 978-9943-300-01-9 © «Akademiya» нашриёти, Тошкент, 2009.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва минтақа халқларининг тарихини янги концептуал-услубий асосларда ўрганиш имкониятлари кенгайиши билан бирга, уни ҳолисона ёритиш ва турли даврларда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига, жумладан илк давлатчилик муаммосининг ўрганилишига ҳаққоний баҳо бериш ниҳоятда муҳим вазифага айланди.

Қадимги даврлардан бошлаб Ўрта Осиё халқларининг аجدодлари ўзаро алоқадорлик асосида ривожланиб, турли қадимги давлатларнинг умумий ҳудудларида биргаликда истиқомат қилганлар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида “Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир”, дея таъкидлаган эди¹.

Жаҳон тарихшунослигида давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши масаласида кўплаб назариялар мавжуд. Бу Ўрта Осиё халқлари тарихига ҳам мансуб бўлиб, мазкур китобнинг асосий мазмуни ушбу муаммонинг ўрганилиш даражаси ҳамда ҳолатини ёритиб беришни кўзда тутади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг қадимги тарихига тегишли илк ёзма манбалар ўрганилиб, таҳлил қилина бошланди ва шу асосда минтақадаги илк давлатчилик масаласини ёритиш борасида дастлабки қадамлар ташланди. Аммо ёзма маълумотларнинг камлиги туфайли ўша даврда (асосан Ғарб тарихшунослигида) мавзунини етарли даражада ўрганишнинг имкони бўлмаган.

XX асрнинг 50-60-йилларига келиб, минтақанинг турли ҳудудларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни ёзма манбалардаги маълумотлар билан таққослаш имконияти юзага келди. Шунга қарамасдан давлатчилик ва ҳуқуқ мавзуси ма-

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 21.

ҳаллий халқларнинг миллий давлатчилиги тарихи сифатида талқин этилмади. Ҳатто, олий ўқув юртларида, унинг тарих факультетларига мўлжалланган Ўрта Осиёда бошқарув тизими ва илк давлатчиликка оид фан ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилмади. Ўзбекистон тарихида бошқарув тизими ва илк давлатчилик муаммоси масалалари илмий-назарий жиҳатдан тарих фанида етарли даражада ўз аксини топмаган. Шунингдек, қадимги жамиятда бошқарув ва илк давлатчилик тарихининг ўрганилиши натижалари Ўрта Осиё тарихшунослигида умумлаштирилмаган, мавжуд ёндашувлар ва асосий назариялар илмий адабиётларда етарли даражада танқидий таҳлил қилинмаган.

Мазкур китобда Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихи тўғрисида тўпланган маълумотлар, мавжуд илмий ёндашувлар, фикр ва хулосалар, мавзунинг ўрганилиши натижалари тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритилади. Мустақиллик йилларида мавзунинг ёритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва давлатчиликнинг келиб чиқишига оид асосий назарияларни чуқур ўрганиш имконияти вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йилдаги суҳбати чоғида ҳамда давлатчилик тарихи муаммоларига бағишланган асариде билдирилган фикрлари мазкур масалани янгича ёндашувлар асосида ёритишга кенг имконият очиб берди². Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 90-йилларида минтақа давлатларида қадимги давлатчилик тарихини қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёни бир-бирларидан мустақил равишда бошланди. Айрим кўшни давлатларда баъзи тарихчилар томонидан ўз халқи давлатчилиги тарихини минтақада энг қадимги қилиб кўрсатиш ғояси кенг ўрин олди. Ўрта Осиё тарихини ҳолис ёритиш мақсадида минтақа қадимги давлатчилиги масаласига оид турли ғояларни, жумладан, ҳаққоний ёки аксинча, сиёсий кўзбўямачилик мақсадларига йўналтирилган бирёқлама, ноҳолис,

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқи – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 3-31.

субъектив илмий назарияларни ўрганиш, уларга илмий баҳо бериш долзарб аҳамиятга эга.

Илмий адабиётларнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши муаммосининг ўрганилиши тарихи алоҳида тадқиқ этилмаган. Минтақадаги қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик муаммоси тарихшунослиги масаласига бағишланган махсус монография ёхуд тадқиқот ҳозирга қадар мавжуд эмас. XX-XXI аср бошларида ушбу мавзу тарихшунослиги турли монографияларнинг кириш қисмида, айрим бобларида, кам сонли мақолаларда қисқача аксини топган, холос.

Шундан келиб чиқиб, маълум тадқиқот ва адабиётларни китобнинг кириш қисмида қисқача шарҳлаб, даврлаштирган ҳолда уларга муносабат билдирилган. Бунда китобнинг асосий қисмида манба ва адабиётлар тарихшунослиги алоҳида муаммолар бўйича ёритилиши боис уларни умумий тарзда даврлаштириб таҳлил этишнинг имконияти йўқлиги инобатга олинди.

Дастлаб, С.П. Толстов ва М.М. Дьяконовлар ўз тадқиқотларида мавжуд маълумотларни таҳлил қилиб, давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва унинг ўрганилиши муаммосини Хоразм ва Бақтрия мисолида илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилдилар³. Муаллифлар Ўрта Осиё ҳудудларидаги илк давлатчилик муаммосига тегишли маълумотларни археологик тадқиқотлар натижалари билан қиёслаб, адабиётларда мавжуд ёндашувларни таҳлил қилганлар.

XX асрнинг 50-йилларига келиб Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихи ўрганилишининг айрим масалалари умумлашма тадқиқотларда қисман ўз аксини топди⁴.

³ Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: МГУ, 1948 – 352 с.; ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации. – М. – Л.: АП СССР, 1948. – 328 с.; Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // Советская археология. – 1954. – Т. XIX. – С. 121-140.

⁴ История народов Узбекистана. С древнейших времен до начала XVI века. – Т.: АН УзССР, 1950. Т. 1. – 474 с.; Гафуров Б.Г. История таджикского народа. – М.: Госполитиздат, 1955. – 596 с.; История Туркменской ССР. – Ашхабад: АН ТуркмССР, 1957. Т. 1. Кн. 1. – 495 с.

В.М. Массон асарининг қадимги давлатлар уюшмалари муаммосига бағишланган бўлимида мавжуд адабиётларда ўз ифодасини топган илмий қарашлар таҳлил қилинган⁵.

В.М. Массон Ўрта Осиёдаги илк давлатлар масаласидаги И. Маркварт, С.П. Толстов ва И.М. Дьяконовларнинг⁶ қарашларини танқидий мушоҳада қилиб, Хоразм подшолигининг ахамонийлар давригача (мил. авв. VI асргача) вужудга келганлигини инкор этади⁷.

Ўтган аср 60-йилларининг бошларида С.П. Толстов тадқиқотчиларнинг Хоразм давлатчилиги тарихига оид ёндашувлари ва хулосаларини таҳлил қилиб, ўз қарашларини илгари суради⁸. Юқорида кўрсатилган тадқиқотлар ва мавзунинг аниқ моҳиятини акс эттирувчи турли маълумотларнинг нашр этилиши масалани ўрганишдаги дастлабки қадам эди.

“Тоҷик халқи тарихи” номли монографияда Ўрта Осиё илк давлатлари тарихининг ўрганилиши ҳамда минтақанинг “Авесто”да тасвирланган қадимги жамияти тўғрисидаги маълумотлар ёритилган⁹.

Шу йилларда В.М. Массон Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий тизими муаммосининг ўрганилиши натижаларини танқидий кўриб чиққан¹⁰. Бу тадқиқотларнинг нати-

⁵ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana // Материалы и исследования по археологии СССР. (Далее МИА). – М., 1959. – № 73. – С. 123-132.

⁶ Marquart I. Wehrot und Arang. – Leiden, 1938. – S. 9-11; Толстов С.П. Древний Хорезм. – М.: МГУ, 1948. – С. 341; Дьяконов И.М. История Мидии. – М. – Л.: АП СССР, 1956. – С. 357-358.

⁷ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana... – С. 125-127.

⁸ Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М.: Изд. вост. лит., 1962. – С. 89-103.

⁹ История таджикского народа. – М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1. – С. 139-150.

¹⁰ Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии // История, археология и этнография Средней Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 93-101.

жалари қадимги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишда археологик маълумотлардан кенг фойдаланиш зарурати муҳимлигини кўрсатиб берди.

М.Д. Жўрақулов ва Н.А. Аванесоваларнинг “Ўрта Осиёнинг бронза даври тарихшунослиги” номли асарида минтақадаги бронза даври ёдгорликларининг тадқиқ этилиши, топиб текширилган маълумотлар асосида ижтимоий-иқтисодий тарих муаммосининг ўрганилиши натижалари кўриб чиқилган¹¹.

XX аср 80-йилларининг охирларида А.С. Сағдуллаев мавзунинг ўрганилиши ва шунга оид назарияларга ўз эътиборини қаратган¹². Тадқиқотчи Ўрта Осиёдаги давлатчилик тараққиётининг уч даври — бронза, темир асрига ўтиш (мил. авв. X — VIII асрлар) ва илк темир даври (мил. авв. VII — VI асрлар) масаласини ўртага қўяди.

Шўро даври тарихшунослигида илк ёзма манбаларда жамият ва бошқарувга оид маълумотларнинг ўрганилиши ёритилган бўлиб, у ёзма манбалар ва археология маълумотлари асосида қиёсий таҳлил этилган¹³.

Бу давр тарихшунослигининг камчиликларидан бири давлатчилик ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисидаги мавжуд қарашларнинг хилма-хиллигини тан олмаслик эди. Тарихий жараёнлар ривожланишининг муҳим хусусиятларини бир ёқлама баҳолашда марксистик дунёқараш асосида шаклланган назарий қарашлар ва тари-

¹¹ Джурақулов М.Д., Аванесова Н.А. Историография эпохи бронзы Средней Азии. — Самарканд: СамГУ, 1983. — 70 с.

¹² Сағдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика).. Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. М., 1989. — 45 с.

¹³ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. — Т.: Фан, 1964. — 441 б.; Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии ... — С. 93-101; Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (общие давные о стране: название и территория). — Душанбе: Дониш, 1982 — С. 3-62; Грантовский Э.А. Бактрия и Ассирия в связи с проблемой древнебактрийского “царства” // Бактрия и Тохаристан на древнем и среднем Востоке. — М.: Наука, 1983 — С. 27-29.

хий материализм концепцияси ажралиб турарди¹⁴. Бу назарияга кўра, давлат — зўравонлик аппарати бўлиб, у бевосита ҳукмрон синфнинг тобе синфларни эзиш воситаси сифатида вужудга келган. Шўро даври тарихшунослигида давлатнинг ташкил топиши мавзусини ўрганиш ва ёритишда иқтисодий омиллар ва синфларнинг ролини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиш таъмоили устунлик қилиб, давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги муқобил назариялар тан олинмаган.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда археология ва қадимги манбашунослик жабҳасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, А.А. Асқаров, Ю.Ф. Буряков, Э.В. Ртвеладзе, Р.Х. Сулаймонов, Т.Ш. Ширинов, А.С. Сағдуллаев, В.Н. Ягодин, М.И. Исҳоқов, М.Х. Исомиддинов, С.С. Қудратов, Б. Матбобоев, Ш. Шайдуллаев каби олимларнинг тадқиқотлари мазкур муаммони ўрганишда муҳим аҳамият касб этади¹⁵.

¹⁴ Каранг: Энгельс Ф. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. - Т.: Ўзбекистон, 1967. - 260 б.

¹⁵ Сағдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация: Тез. докл. международной науч. конф. - Т., 1992. - С. 132-133; Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд: Институт арх. АН РУз. - 1993. - 162 с.; Асқаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1994. - № 6. - Б. 31-35; Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. - Гулистон: 1998. - 48 б.; Сулейманов Р. Появление города на Еркургане и сложение государственности на территории Узбекистана // O'zbekiston tarixi. - 1999. - № 2. - С. 14-22; Ширинов Т. Средняя Азия во II тысячелетии до н.э. и протозороастризм // История материальной культуры Узбекистана. - Самарканд, 2000. - Вып. 3. - С. 35-48; Исомиддинов М. Илк зардуштийлик даври ва Самарканд // O'zbekiston tarixi. - 2001 - № 3. - Б. 42-47; Исҳоқов М. "Авесто"да эгулик ва ёвузлик (мифологик қатламлар таҳлили асосида) // O'zbekiston tarixi. 2001. - № 3. - Б. 22-30; Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O'zbekiston tarixi. - 2002. - № 1. - Б. 3-11; Ягодин В.Н. Генезис и ранние этапы развития древнехорезмийской государственности // Ўрта Осиё археологияси тарихи ва маданияти. - Т.: 2002 - С. 128-129; Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. - Т.: Б.И., 2005. - 288 с.

А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновларнинг монографиясида минтақада давлатчиликнинг вужудга келиши бронза даври билан боғланиб, ушбу масала бўйича мавжуд ёндашувлар таҳлил қилинган¹⁶. Э.В. Ртвеладзе ва А.Х. Саидовлар ўз асарларида қадимги Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, ҳуқуқ ва дипломатия масалаларини таҳлил қилдилар¹⁷. Бу тадқиқотлар илк давлатчилик масаласини ўрганиш тарихида янги босқичнинг юзага келишига, шунингдек, кўп йиллик тадқиқот натижаларининг қайта кўриб чиқишига асос бўлди.

Азамат Зиёнинг монографиясида Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги давлатлар тўғрисидаги маълумотлар ёритилди¹⁸.

Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевларнинг монографиясида “Давлатчилик келиб чиқиши масаласига цивилизациявий ёндашув”, “Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг хилма-хиллиги” каби муҳим масалалар таҳлил қилинган¹⁹. Олдинги йилларда бу масалалар етарлича ўрганилган эмас.

“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари” деб номланган тўпламда²⁰ (муҳаррирлар Д.А. Алимова ва Э.В. Ртвеладзе) давлатчилик масаласида шўро давридаги ёндашувга муносабат билдирилиб, мустақиллик йилларида мавзунинг янги илмий-услубий асосларда ўрганилишининг асосий йўналишлари таҳлил этилган.

¹⁶ Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд: Институт арх. АН РУз. 1993. — 162 с.

¹⁷ Ртвеладзе Э.В. Эволюция художественной культуры и развитие государственности в Узбекистане // Салват. — 1998. — № 1. — С. 8-10; Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Дипломатия стран Центральной Азии в древности // Московский журнал международного права. — 1998. — № 1. — С. 118-137.

¹⁸ Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). — Т.: Шарқ, 2000. — 368 б.

¹⁹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т.: Адолат, 2001. — Б. 10-43.

²⁰ Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. — Т.: Шарқ, 2001. — Б. 3-6.

Умуман, бу давр мавзуга оид билимларнинг босқичли кенгайиши ва мавжуд маълумотларнинг қайта ўрганилиш даври сифатида намоён бўлди.

“Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари” тўпламида Д.А. Алимова ва Ш.И. Асадоваларнинг чоп этилган мақолаларида ҳозирги босқичда тарихшунослик олдида турган устувор йўналишлар таҳлил қилинган²¹.

Мустақиллик йилларида қадимги давр тарихига бағишланган бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинди²². Уларда бронза ва илк темир даври маданияти, шаҳарсозлик — урбанизация ва қадимги давлатчилик тарихи ўрганилишининг айрим масалалари таҳлил қилинган бўлиб, ушбу диссертацияларнинг мазмуни асосан археологик йўналишга эга.

И.В. Пьянковнинг Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихига бағишланган асарларида тарихшунослик ва манбашунослик муаммолари таҳлил этилиб, мавзу юзасидан мавжуд адабиётлар рўяхати келтирилган²³.

Булардан ташқари, О.А. Вайнберг, О.А. Вишневская, Ю.А. Рапопорт, В.Н. Ягодинларнинг Хоразм давлатчи-

²¹ Алимова Д.А. О некоторых современных проблемах в изучении истории Узбекистана // *Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари*. — Т., 2006. I қисм. — Б. 6-13; Уша асар. Асадова Ш.И. *Ўзбекистонда тарихшунослик тадқиқотлари ҳолати (1991-2000 йй.)*. — Т., 2006. I қисм. — Б. 76-84.

²² Широков Т. *Раннегородская культура эпохи бронзы юга Средней Азии*: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. — М., 1993. — 49 с.; Лушпенко О.Н. *Раннежелезный век Южного Согда*: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. — Самарканд, 1998. — 25 с.; Сулейманов Р.Х. *Древняя культура Южного Согда (VII в. до н.э. — VII в. п.э.)*: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. — Самарканд, 1998. — 36 с.; Эшов В. *История и культура Согдианы VII—IV вв. до н.э.*: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. — Т., 1999. — 24 с.; Исомиддишов М.Х. *Генезис культуры Самаркандского Согда*: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. — Самарканд, 2000. — 42 с.

²³ Пьянков И.В. *Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Древнейшая и древняя история*. — Душанбе: Бл., 1998. Т. 1. — С. 238-249, 625-635.

лиги тарихи ва тарихшунослигига доир тадқиқотларига ҳам эътибор қаратиш лозим²⁴.

Қадимги Хоразм давлатчилиги тарихининг ўрганилиши масалалари Ф. Ходжаниязовнинг монографиясида ҳам қисқача ёритилган²⁵. Ушбу мавзуга оид маълумотлар янги нашр қилинган мақолаларда ҳам ўз аксини топган²⁶.

А.А. Асқаровнинг 2007 йилда чоп этилган ўқув қўлланмасида Хоразмда давлатчиликнинг вужудга келиши муаммоси, “Хоразм” атамасининг тарихий илдишлари масаласи таҳлил қилинган²⁷.

Шундай қилиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида гарб олимлари Ўрта Осиёда қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш муаммосини Бақтрия мисолида кўрсатиб бердилар²⁸, лекин мавзунинг тарихшунослик таҳлили юзасидан дастлабки уринишлар XX асрнинг 30-40-йиллари охирларидан бошланган, деб айтиш мумкин. 50-60-йилларда тадқиқотчилар Бақтрия ва Марғиёнанинг сиёсий бирлашуви мил. авв. VII — VI асрларда рўй бер-

²⁴ Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. М.: Наука, 1999. — С. 15-25; Вишневецкая О.А., Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. — М.: Наука, 1998. — С. 150-173; Ягодин В. Генезис и ранние этапы развития древнехорезмийской государственности // Ўрта Осиё археологияси, тарихи ва маданияти. — Т., 2002. — С. 128-129; Ўша муаллиф. Древнейшая государственность и проблема «Большого Хорезма» (1. 2-цикл) // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. — 2007. — № 1-2. — С. 75-79; 70-78.

Ходжаниязов Ф. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. — Т.: Ўзбекистон, 2007. — Б. 58-60.

²⁵ Асқаров А. Новые подходы к изучению истории Древнего Хорезма / / O'zbekiston tarixi. — 2007. — № 4. — С. 11-21; Сагдуллаев А., Абдуллаев У. История Хорезма в свете исследований С.П.Толстова (эпоха поздней бронзы и раннего железа) // O'zbekiston tarixi. — 2007. — № 4. — С. 4-11; Баратов С. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма // O'zbekiston tarixi. — 2007. — № 4. — С. 22-34.

Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: Университет, 2007. — Б. 106 — 114.

²⁶ Duncker M. Geschichte des Alterthums. — Bd. IV. Leipzig, 1867. — S. 15-18.

ган деган қарашни олдинга сурдилар. Шу йиллардан бошлаб Ўрта Осиёнинг катта қисмини бирлаштирган Хоразм подшолигининг вужудга келиши тўғрисидаги баҳс кенг ёйилди. Илк давлатчиликнинг Хоразмда пайдо бўлганлиги В.В. Бартольд томонидан эътироф этилди²⁹. Ёзма манбаларни ўрганиш асосида юзага келган бу қарашни И. Маркварт³⁰ ривожлантирди ва кейинчалик ("Катта Хоразм" тўғрисида таълимот) В.Б. Хеннинг³¹, И. Гершевич³² томонидан ишлаб чиқилди. С.П. Толстов эса қадимги Хоразм подшолиги қабилаларнинг ҳарбий-сиёсий бирлашмаси сифатида юзага келган бўлиб, босқичма-босқич давлат бирлашмасига айланган, деган қарашни билдирган эди³³.

XX асрнинг 70-80-йиллари, кейинчалик 90-йилларда археологик маълумотларнинг кенгайиши ва уларнинг ёзма манбалар билан таққосланиши натижасида Ўрта Осиёдаги илк давлатларнинг хронологияси ва типологияси тўғрисидаги хулосалар қайта кўриб чиқилди. Бироқ, аслида ҳокимиятнинг пайдо бўлиши ва минтақадаги илк давлатларда бошқарув тизими таҳлилига оид тадқиқотлар яратилмаган эди.

Хуллас, муаммонинг ўрганилганлик даражасининг таҳлили шунни кўрсатадики, Ўрта Осиёда қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик муаммоси тарихшунослик нуқтаи назаридан ҳозирга қадар яхлит тарзда жамлаб таҳлил этилмаган ва тарихшунослик фанида ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради.

²⁹ Бартольд В.В. Иран. – Ташкент, 1926. – С. 17.

³⁰ Marquart I. Wehrot und Arang... – S. 9-11.

³¹ Henning W.B. Zoroaster: politician or witch-doctor? Oxford, 1951. – P. 40-42.

³² Gershevitch I. The Avestan hymn to Mitra. – Cambridge, 1959. – 356 p.

³³ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 341.

І БОБ. МИНТАҚАДАГИ ҚАДИМГИ БОШҚАРУВ ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК МАСАЛАСИГА ОИД МАНБАЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

1.1. Илк ёзма манбалардаги жамият ва бошқарувга оид маълумотларнинг ўрганилиши

Қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихини ўрганишда этнография, археологик ашёлар ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан асосий манбалар сифатида фойдаланилади.

XX асрда этнографик ва археологик тадқиқотлар туфайли, ибтидоий жамиятдаги ижтимоий бошқарув тизими тарихий илдизлари тўғрисида кенг билимлар тўпланди. Жамиятнинг илк давлатчилик даражасига кўтарилиши, сиёсий ҳокимиятнинг шаклланиши ва ривожланиши, унинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши босқичларини тадқиқ этишда ёзма манбаларнинг аҳамияти жуда катта.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг қадимги жамияти тарихи тўғрисида маълумотлар ёзма манбалар — “Авесто”, Аҳамонийлар даври қадимги форс ёзма ёдгорликлари ва қадимги юнон тарихчиларининг асарларида қайд қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ҳаққоний тарихни асл манбаларга таянган ҳолда яратиш заруриятини таъкидлаб¹, “Авесто”нинг аҳамияти тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирган: “Бу подир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдир-ми, уни ҳеч ким инкор этолмайди”².

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 6-жилд. - Б. 127.

Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 7-жилд. - Б. 137-138.

Илк ёзма манбаларни ўрганишга кўндан-кўп тадқиқотлар бағишланган. XX асрнинг турли йилларида муаммога оид манбаларнинг ўрганилиши натижалари танқидий ва қиёсий таҳлил қилинди. Чош эгилган мазкур адабиётларда бошқарув тизими ва илк давлатчиликка оид маълумотларга ҳолисона муносабат билдириш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Маълумки, “Авесто” дастлаб, 1771 йилда француз олими Анкетил Дюперрон томонидан таржима қилинган. Фарбий Европада “Авесто”ни ўрганишга Ф. Альтхейм, В.Б. Хеннинг, Е. Херцфельд, И. Гершевич, М. Бойс, Р. Фрай ва бошқалар муҳим ҳисса қўшганлар³. XIX асрнинг иккинчи ярмида манбанинг рус тилидаги нашрлари пайдо бўлди. “Авесто” тўғрисида мавжуд адабиётларнинг рўйхати XX аср мобайнида Е.Э. Бертельс, М.М. Дьяконов, В.И. Абаев, И.С. Брагинский, В.А. Лившиц, И.М. Оранский ва бошқа олимларнинг асарларида келтириб ўтилган⁴. Сўнгги йилларда ушбу рўйхат И.В. Рака ва И.В. Пьянковлар томонидан тўлдирилган⁵.

³ Altheim F. Awestische Textgeschichte. – Halle (Saale), 1949. – 32 s.; Herzfeld E. Zoroaster and his world. Vol. I-II. – Princeton, 1947. – 411 p.; Henning W.B. Zoroaster: politician or witch – doctor? – Oxford, 1951. – P. 40-54; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. – Cambridge, 1959. – 356 p.; Фрай Р. Последние Ирана / Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймаль. – М.: Наука, 1972. – 468 с.; Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского. – М.: Наука, 1987. – 302 с.

⁴ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. Избранные труды. – М.: Изд. вост. лит., 1969. Т.1 – 556 с.; Дьяконов М.М. Очерки истории древнего Ирана. – М.: Изд. вост. лит., 1961. – 444 с.; Абаев В.И. Миф и история в Гатах Зороастра // Историко-филологические исследования. – М.: Наука, 1974. – С. 310-321; История таджикского народа. – М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1. – 596 с.; Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: Изд. вост. лит., 1956. – 496 с.; Лившиц В.А. Общество Авесты // История таджикского народа. – М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1. – С. 143-148; Оранский И.М. Иранские языки в историческом освещении. – М.: Наука, 1979. – 238 с.

⁵ Авеста в русских переводах (1861–1996) / Сост., общ. ред., примеч.

Ўзбек адабиётшунослигида “Авесто”га оид маълумотлар дастлаб Н. Маллаев ва А. Қаюмовларнинг ишларида ўз аксини топган⁶.

XIX асрнинг 60-йилларидан XX аср 30-йилларига қадар бир қатор Фарбий Европа олимлари (В. Гейгер, И. Маркварт ва б.) ўз тадқиқотларида Ўрта Осиёда давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ёзма манбалар асосида ҳал қилишга ҳаракат қилганлар⁷. Аммо ёзма маълумотларнинг камлиги бу масалани тўлиқ ҳал қилиш имконини бермасди, шунинг учун ҳам мавзу кам даражада ўрганилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Фарб олимларининг асарларида қадимги Ўрта Осиё, “Шарқий Эрон” тушунчаси сифатида қадимги форслар ва мидияликлар тарихи билан боғланган ҳолда кўриб чиқилган эди. Бунга ёрқин мисол, В. Гейгернинг 1882 йилда чоп этилган “Қадимда Шарқий Эрон маданияти” номли асари⁸ ёки Ю. Прашекнинг 1906 йилда нашр қилинган “Македонлар истилоларига қадар Мидия ва Форс тарихи” номли асарлари ёрқин мисол бўла олади⁹.

Шуни таъкидлаш жоизки, XIX асрдан бошлаб олимларнинг тадқиқотларида “Авесто”нинг яратилиш вақти ва ўрни билан боғлиқ долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Кейинчалик “Авесто” тилининг (асосан, XX асрнинг 40-70-йилларида) ва шу билан бир қаторда жамият бошқаруви тизими тўғрисидаги маълумотларини ақс эттирувчи қисмларининг ўрганилиши манба матнини талқин этишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, “Авесто”нинг энг қадимги қисмлари (“Яшт” ва “Гатлар”, тахминан мил. авв. IX-VIII асрлар) ёзувсиз замонларга оид та-

И.В. Рака. – СПб., 1998; Пьянков И.В. Авеста // История таджикского народа. – Душанбе, 1998. Т. 1. – С. 216-238.

⁶ Маллаев П. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1964. – 496 б.; Қаюмов А. Беруний ва адабий ижод. – Т., 1973. – 142 б.

⁷ Geiger W. Ostiranische Kultur in Altertum. – Erlangen, 1882; Markwart I. Wehrot und Arang. – Leiden, 1938.

⁸ Geiger W. Ostiranische Kultur in Altertum ... – 520 S.

⁹ Prašek J. Geschichte der Meder und Perser ... – 282 S.

алоқалари каби масалаларни кўриб чиқдилар¹³. “Авесто”да ўз аксини топган географик, худудий номлар, манбада келтирилган вилоятлар рўйхати асосида “Авесто” халқлари ва уларнинг худудий жойлашуви чегаралари тўғрисидаги муаммо таҳлил қилинган¹⁴.


XX асрнинг 40-йиллари охирларидан бошлаб, Ўрта Осиё халқлари тарихига бағишланган асарлар (тожик халқи тарихи, қирғиз халқи тарихи, Ўзбекистон халқлари тарихи, Туркменистон тарихи, Қозоғистон халқлари тарихи) қайта-қайта чоп қилинган. 1950-70 йилларда айрим собиқ Иттифоқ республикалар тарихи, 1972 йилда “Тожиклар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи” китоби нашр этилган¹⁵. Аммо, ушбу нашрларда илк ёзма манбалардаги қадимги жамият ва бошқарувга оид маълумотларнинг ўрганилиши етарли даражада ёритилмаган.

XX асрнинг 50-60-йилларида Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий-иқтисодий тузумини ўрганиш долзарб вазифага айланди. Бир қатор олимлар, жумладан, И.М. Дьяконов, В.А. Лившиц, С.Н. Соколов, В.М. Массон ва бошқалар ўз асарларида “Авесто” маълумотларига қайта эътибор қаратдилар. Уларнинг таъкидлашича, “Авесто”да тасвирланган жамият ва ижтимоий жараёнлар кўп вазиятларда, мил. авв. VIII-VII асрларда Ўрта Осиё-

¹³ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии ... - С. 121-140; Дьяконов И.М. История Мидии ... - С. 180.

¹⁴ Дьяконов И.М. История Мидии ... - С. 188-189.

¹⁵ Гафуров Б.Г. История таджикского народа в кратком изложении. - М.: Госполитиздат, 1949. Т. 1. Ушбу китобнинг иккинчи ва учинчи нашрлари: - М., 1952, 1955. - 544 с.; История народов Узбекистана. С древнейших времен до начала XVI века. - Т.: АН УзССР, 1950. Т.1. - 474 с.; История Узбекской ССР. Книга первая. - Т.: АН УзССР, 1955. Т. 1. - 543 с.; История Туркменской ССР. - Ашхабад: АН ТуркмССР, 1957. Т. 1. Кн.1. - 495 с.; История таджикского народа. - М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1. - 596 с.; Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга первая. - М.: Наука, 1982. Иккинчи нашр: Душанбе: Ирфон, 1989. - 384 с.



да содир бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан ўхшашликка эга¹⁶.

“Авесто”да қадимги жамоа пойдеворини оила — “нмана”, “дмана” ташкил этган. Шарқшунос И.М. Дьяконов биринчилар қаторида “нмана” атамасини “уй-жой”, “уй-қўрғон” тушунчалари билан боғлаган¹⁷.

Бир неча қўшни уй-жойлар (оилалар) патриархал уруғ (“вис”) жамоасига бирлашган бўлиб, ушбу жамоа аъзолари яйловлар, ҳосилдор ерлар, кичик суғориш иншоотларига биргаликда эгалик қилганлар. Бу масалага тегишли адабиётларни кўриб чиққан И.В. Пьянков, “Авесто”да Спитама, Наутара ва бошқа уруғлардан келиб чиққан шахслар ва йўлбошчиларнинг мавжудлигига ўз эътиборини қаратган¹⁸.

“Авесто”да уруғ оқсоқоли — “уруғ эгаси”, “виспати” деб аталган. У қишлоқ оқсоқоли сифатида иқтисодий масалалардан ташқари суд, ҳуқуқ ва диний муаммолар билан ҳам шуғулланган. Ушбу тадқиқотлар натижасида ижтимоий тузилмаларнинг ташкил топиши, қадимги бошқарув тизими, ҳукмдорларнинг унвонлари ўрганилди ва аҳолининг ҳудудий жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, сиёсий тарих каби масалалар ҳам кўриб чиқилди. Бу даврга келиб мазкур масала юзасидан тўпланган билимлар сезиларли даражада кенгайган эди.

XX асрнинг 70-80-йилларидаги тадқиқотларда “Авесто” жамаиятининг таркиби, жамоадаги ўзаро алоқалар ва аҳолининг ҳудудий жойлашиши масалаларини ёритишга асосий эътибор қаратилади¹⁹. Адабиётларда ўз

¹⁶ Дьяконов И.М. История Мидии... — С. 178; История таджикского народа. Т. 1. ... — С. 139-150; Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии // История, археология и этнография Средней Азии. — М.: Наука, 1968. — С. 93.

¹⁷ Дьяконов И.М. История Мидии... — С. 180.

¹⁸ Пьянков И.В. Авеста ... — С. 220.

¹⁹ Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Издание второе. — Душанбе: Ирфон, 1989. Кн. 1. — С. 66-71.

аксини тошган маълумотларга кўра, қадимги уруғ аъзолари истиқомат қилган қишлоқлар ҳудудий жамоа бирлашмалари — “варзана”ларни, яъни “қўшни жамоалар” манзилгоҳларини ташкил қилган. Сув манбалари, ҳосилдор ерлар, ўсимлик ва боғларни қамраб олган қишлоқ хўжалиги ҳудуди “шойтра” деб аталган. Шойтра - дехқончилик мақсадида шудгор қилинган даладар ва чорва боқиш учун фойдаланилган яйловлардан иборат бўлган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида чорвачилик катта аҳамиятга эга бўлиб, чорва жамоаларнинг асосий бойлигига айланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, шўро даври адабиётларида Фарб шарқшунослари ва манбашунослари асарларига кўндан-кўн иқтибослар берилган. (Мисол учун: Ф. Альтхейм “Авесто” матни тарихи” (Халле (Саале) 1949), Х.С. Нюберг “Қадимги Эрон дини” (Лейпциг, 1938), Е. Херцфелд “Зороастр ва унинг таълимоти” (Принстон, 1947), В.Б. Хеннинг “Зороастр: сиёсатчи ё қоҳинми?” (Оксфорд, 1951), И. Гершевич “Авестонинг Митра мадҳияси” (Кембриж, 1959), шу каби ва бошқа асарлар)²⁰. “Авесто” жуда мураккаб манба бўлганлиги сабабли, уни ўрганишда турли тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш ва уларни бир-бири билан солиштиришни талаб қилади. XX асрда авестошунослик умумжаҳон тарихшунослигида алоҳида илмий йўналишга айланган бўлиб, айнан шу асрнинг иккинчи ярмида “Авесто”ни ўрганишда олимлар муваффақиятларга эришган. Ушбу даврда яратилган асарлар ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ва янги илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб “Авесто” маълумотларидан халқ оғзаки ижоди (қўшиқлар, афсоналар,

²⁰ Altheim F. Awestische Textgeschichte ... - 32 S.; Nyberg H.S. Die Religionen des alten Iran ... - 304 S.; Herzfeld E. Zoroaster and his world. ... - 410 p.; Henning W.B. Zoroaster: politician or witch ...; Gershevitch J. The Avestan hymn to Mithra ... 356 p.

достонлар), яъни фольклорни ўрганишда ҳам фойдаланилган²¹.

1991-2001-йиллар мобайнида қадимги ёзма манбалар, жумладан “Авесто”нинг турли боблари ўзбек тилига таржима қилинди²² ва долзарб тарихий муаммоларни ўрганишга хизмат қилди²³.

²¹ Брагинский И.С. Из истории таджикской народной поэзии. – М. Изд.вост.лит, 1956. – 496 с.; Мустақиллик йилларида ушбу мавзуга тегишли, қараг: Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди. // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 30-37; Абдуллаев Х. “Авесто” ва Хоразм воҳаси фольклори // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 38-42.

²² “Авесто” // *Саябат*. – 1991. – № 5. – Б. 20-23; – № 6. – Б. 24-28; – № 7. – Б. 20-24; – № 8. – Б. 26-29; – № 9. – Б. 22-26; – № 10. – Б. 20-24; – № 11. – Б. 21-25; – № 12. – Б. 26-29; Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 16-29; “Авесто” / А. Сомёв таржимаси // *Гулистон*. – 1999. – № 1. – Б. 48-51; – № 2. – Б. 24-29; – № 3. – Б. 48-53; – № 4. – Б. 33-38; – № 5. – Б. 48-53; Исҳоқов М. Ҳақиқат энг олий неъмат. “Авесто”нинг Хўрмузд Япиг алқовидан парча // *Фан ва турмуш*. – 1993. – № 3 – Б. 22-23; Ўша муаллиф. Авесто. Ардвиг Сура алқови // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – 1999. – № 3. – С. 65-72; – № 4. – С. 67-72; Ўша муаллиф. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. – Т.: 2001. – Б. 7-22; Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Т.: Шарқ, 2000. – 63 б.; Қайюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – Б. 4-32; Ртвелдзе О.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001. – Б. 240-408.

²³ “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. Илмий-амалий семинар материаллари. – Т.: 2000. – 87 б.; “Авесто” ва унинг ишоният тараққиётидаги ўрни. – Тошкент-Урганч: Фан, 2001. – 45 б.; Сағдуллаев А. “Авесто”нинг илк диний маросимларини ўрганишда археологик маълумотлар // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 3-9; Сулайманов Р., Хасанов М., Раимкулов А., Омельченко А. Эпоха Заратуштри и начало урбанизации древнего Нахшаба. // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 9-17; Буряков Ю. Состояние металлургического производства в период возникновения Авесты // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – С. 17-22; Исҳоқов М. “Авесто”да эзгулик ва ёвузлик (мифологик қатламлар таҳлили асосида) // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 22-30; Мирзаев Т., Жўраев М. “Авесто” мифологияси ва ўзбек халқ оғзаки ижоди. // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 30-38; Абдуллаев Х. “Авесто” ва Хоразм воҳаси фольклори // *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 38-42; Исомиддинов М. Илк зардуштийлик даври ва Самарқанд / *O'zbekiston tarixi*. – 2001. – № 3. – Б. 42-48.

Мустақиллик йилларида тарихимизни янги услубий асосларда, ҳолис, ҳаққоний тадқиқ этиш зарурати туфайли. “Авесто”га қизиқишлар, жумладан, талабалар, ўқитувчилар, кенг китобхонлар орасида уйғонди. Бундай ёндашув “Авесто”нинг янги таржималарини, ўқув қўлланмалар ва илмий-оммабоп китобларни яратишни талаб қилди.

Бу борада М. Исоҳоқовнинг нашрларига эътибор қаратиш лозим²⁴. Тадқиқотчи “Авесто”даги айрим атамаларнинг мазмун-моҳияти, тарихий географияга доир масалалар, фалсафий қарашлар каби муаммоларни таҳлил қилган. Янги ўқув адабиётларидан А. Сағдуллаевнинг қўлланмасида қуйидаги мавзулар ёритилди: “Авесто” ва зардуштийлар, “Географик, ҳудудий номлар”, “Ижтимоий-иқтисодий маълумотлар”, “Сиёсий тарих”, “Диний фалсафа ва турли маълумотлар”, “Дафн этиш маросимлари”²⁵. Ушбу масалаларни ёритишда олдинги йилларда чоп этилган маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Ўзбекистонда “Авесто”нинг 2700 йиллиги юбилейи ўтказилиши муносабати билан XX асрнинг 90-йиллари охирида “Авесто”га бағишланган бир қатор янги тадқиқотлар нашр қилинган бўлиб, манбашунослик, тарих ва адабиёт соҳаларини қамраб олган²⁶.

Айрим олимларнинг фикрига кўра, “Авесто” ва умуман илк ёзма манбалардан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Уларни доимий равишда танқидий кўриб чиқиш зарур, чунки баъзи бир маълумотлар афсона-

²⁴ Исоҳоқов М. Ҳақиқат энг олий неъмат. “Авесто”нинг Хўрмузд Яшт алқовидап нарча // Фан ва турмуш. – 1993. – № 3. – Б. 18-22; Ўша муаллиф. Хазорасп. “Минг от”ми... ё? // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1997. – № 1. – Б. 72-75; Ўша муаллиф. Авесто. Ардвн Сура алқови // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1999. – № 3. – С. 65-72; – № 4. – С. 67-72; Ўша муаллиф. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. – Т., 2001. – Б. 7-22.

²⁵ Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда ... – Б. 16-29.

²⁶ Сулаймонов Р., Исоҳоқов М. Зардуштраги ватани ва яшаган даврига оид мулоҳазалар // O'zbekiston tarixi. – 1999. – № 1. – Б. 45-53; Сағдуллаев А. “Авесто” тарихий географияни ўрганиш манбаси сифатида // “Авесто” китоби тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи: Илмий амалий семинар материаллари. Т., – 2000. – Б. 35-39.

ларга асосланган²⁷. Шунга қарамасдан, илк ёзма манбалар жаҳон тарихида биринчи бўлиб, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум тўғрисидаги энг қадимги маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, уларни Урганиш муҳим аҳамият касб этади.

И.В. Пьянков тарихшуносликда мавжуд бўлган маълумотларга таянган ҳолда, “Авесто” бўйича қадимги жамият тизимини кенг таҳлил қилган. Манбашунос олимнинг фикрига кўра, “Авесто”нинг илк қисмларида қадимги уруф жамоаси жамиятнинг асосий иқтисодий пойдевори бўлиб, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қабилаларнинг ҳарбий ташкилотлари принциплари ҳам уруф мавжудлигига асосланган. Уруф бошлиғи — “виспати” суд ва диний функцияларни амалга ошириб, қишлоқ оқсоқоли вазифасини бажарган. И.В. Пьянков қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчиликка тегишли атама ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилган. Жумладан, “зантума” (диний бошқарув), “ханжамана”, “въяха” (жамоа, “халқ” йиғилиши), “дахиюсасти” (вилоятлар уюшмаси), “хшатра” (барча вилоятлар бирлашмаси).²⁸

Тадқиқотчи Р. Абдукомилонинг фикрига кўра, “Авесто”даги уй, оила — “нмана”, “дмана”, қишлоқ жамоаси — “вис”, қабила, туман — “занту”, вилоят — “дахию” атамалари, ягона давлат “Арянам Хшатрам”нинг таркибий қисмларини англатади²⁹. И.В. Пьянков, аксинча, “арянам” атамасини “эроний” маъносида таржима қилиб, “хшатра” атамаси турли тушунчалар (жумладан “ҳокимият”, “мулк”)ни англатиб, сиёсий бирлик — “подшолик, давлат” тушунчалари билан боғлиқ эмас, деб қайд қилган³⁰.

Янги китобининг ўнинчи бобида оила бошлиғи (уй эгаси), уруф оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат

²⁷ Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон ... - Б. 16.

²⁸ Пьянков И.В. Авеста ... - С. 219-224.

²⁹ Абдукамилов Р. Авестийские тексты о государственности и праве: вопросы генезиса и эволюции структуры // O'zbekiston tarixi. - 2000. - № 3. - С. 17.

³⁰ Пьянков И.В. Авеста. ... - С. 223, примеч. 140.

сардори каби тушунчалар учрайди³¹. Оила, уруф ва қабила бошлиғини англатиш учун “пати” атамаси ишлатилган (“нманопати”, “виспати”, “зантупати”). Мамлакатни идора қилган шахс — “кави”, қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси — “састар” деб аталган³².

Манбашуносларнинг таъкидлашича, “Авесто” маълумотларига кўра жамият пойдеворини алоҳида оила ташкил этган. Оилалар уруф жамоасига бирлашиб, қишлоқларда истиқомат қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, алоҳида қишлоқлар ҳудудий қўшничилик жамоаларини ташкил этган (“варзана”). “Авесто”нинг илк қисмларида жамият тўрт тоифага ажратилади: коҳинлар, жангчилар, чорвадорлар ва ҳунармандлар.

И.М. Дьяконов “Авесто”да “шаҳар” ва “шаҳар жамоаси” тушунчалари учрамайди, - деб ёзган³³. Айрим замонавий тадқиқотларда ва “Авесто” бобларининг ўзбек тилига таржималарида “шаҳар” сўзи келтирилади, мисол учун, А. Каюмовнинг “Яшт” бобларининг таржималарида: “Мен Ахурамазда ўз кудратим билан Анахитани яратдим, уй ва қишлоқ, шаҳар ва мамлакатни...”³⁴. Д. Қодированинг таъкидлашича, “Авесто” китобида “шаҳар” деган “соф урбанистик тушунча йўқ”, лекин манбада тилга олинган “вара”, яъни “қалъа” шаҳарнинг номига кўчган, деб хулоса чиқарилган³⁵.

Хулоса қилиб айтганда, манбашуносларнинг тадқиқотлари натижасида “Авесто”да қадимги жамият тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжудлиги аниқланди: оила ва унинг таркиби, уруф ва ҳудудий қўшничилик жамоаси, қабила ва қабилалар бирлашмаси. Бошқарув тартиби тизимида оила бошлиғи, уруф (қишлоқ) оқсо-

³¹ Яшты. Гл. X. / Пер. С.П. Виноградовой / Хрестоматия по истории Древнего Востока. - М.: Высшая школа, 1980. Ч. 2. - С. 66.

³² Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон ... - Б. 23.

³³ Дьяконов И.М. История Мидии ... - С. 7.

³⁴ Каюмов А., Исҳоқов М. ва бошқ. Қадимги ёзма ... - Б. 14.

³⁵ Қодирова Д. Зардуштийликнинг илк босқичлари ҳақида мулоҳазалар // “Авесто” китоби - тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. - Т., 2000. - Б. 66.

қоли, оқсоқоллар кенгаши (“ханжамана”) ва халқ (аҳоли) йиғилиши (“въяха”) муҳим аҳамиятга эга бўлган. Турли давр тадқиқотчилари ушбу маълумотлардан қадимги тарихий жараёнларни ўрганишда фойдаланганлар³⁶.

Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олган ҳолда, “Авесто” жамияти таркибини ва бошқарув тартибини қуйидаги жадвалда тасвирлаш мумкин:

1.1.1- жадвал

“Авесто”даги қадимги жамият таркиби ва бошқарув тартиби

“Авесто” тушунчалари	Бошқарув тартиби
“дмана”, “нмана” - уй, оила	уй эгаси, оила бошлиғи
“вис” - уруф, қишлоқ	қишлоқ оқсоқоли
“варзана” - қўшни қишлоқ	оқсоқоллар кенгаши
“зәнту” - қабила, туман	туман ҳокими
“дахю” - вилоят	вилоят ҳокими
“дахюсасти” - мамлакат	мамлакат ҳокими

Р. Абдукомилловнинг фикрига кўра³⁷, “Авесто” бўйича бошқарув тартиби қуйидагича тасвирланиши лозим:

“Авесто” тушунчалари	Бошқарув тартиби (Р. Абдукомилловнинг русча муқобили)	Бошқарув тартиби (ўзбекча)
“ханжамана”, “састар”	Верховный совет, лидер государства	Олий кенгаш, давлат сардори
“дахюпати”	глава области	вилоят бошлиғи
“зәнтупати”	руководитель района	туман раҳбари
“виспати”	глава деревни	қишлоқ бошлиғи
“дманопати”, “нманопати”	хозяин дома, глава семьи	уй эгаси, оила бошлиғи

Бизнинг фикримизча, “Верховный совет”, “лидер государства”, “руководитель района” ва ҳ.к. тушунчалари сиёсий жиҳатдан замонавийлаштирилган бўлиб, қадимги тарихий жараёнларни таҳлил қилишга мос келмайди. Бундан ташқари, тадқиқотчи “Ўзбекистон” номининг келиб чиқишини “Авесто” тушунчалари билан “Uzbagastan” шаклида боғлаб, Ватанимиз номланиши қадимда “Арянам Вайжа”, “Арешайана”, “Арянам Хшатрам” атамалари билан алоқадор, дея таъкидлайди³⁸. Бундай ёндашув ўта бахсли бўлиб, тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқаришга хизмат қилмайди. Илмий фараз сифатида ушбу хулосани жиддий асослаб бериш лозим.

Юқорида келтирилган атамалар И.М. Дьяконов томонидан “орийларнинг сайхон ерлари”, “орийлар мамлакати” ёки “Авесто халқи” маъносида таржима қилинган³⁹. Илмий адабиётларда Арешайана, Арёнам Вайжа (Арёнам Вайчах) — бу “Авесто”да ўз аксини топган давлат уюшмасининг номлари сифатида фараз қилинади, аммо ушбу давлат уюшмаси нафақат Ўзбекистон вилоятларини, балки минтақанинг кенг ҳудудларини ҳам қамраб олган⁴⁰. Ушбу фикрларга тўлиқ қўшилиш мум-

³⁸ Дьяконов И.М. История Мидии ... — С. 180-189; История таджикского народа ... Т. 1. — С. 139-150; Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии ... — С. 93-95; Аскарлов А.А. Сапалитена. — Т.: Фан, 1973. — С. 139; Ўша муаллиф. Древневземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. — Т.: Фан, 1977. — С. 143; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. — Т.: Фан, 1987. — С. 71; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии: Автореф. дисс... докт. истор. наук. — М.: Институт археологии РАН, 1993. — 49 с.; Шайдуллаев Ш. “Авесто” ва моддий маданият // O‘zbekiston tarixi. — 2004. — № 3. — Б. 3-12.

³⁹ Абдукамилов Р. Авестийские тексты ... — С. 18.

⁴⁰ Абдукамилов Р. Авестийские тексты ... — С. 9, 17.

⁴¹ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира ... — С. 131-132.

⁴² Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира ... — С. 137; Шьянков И.В. Река Ох и Арьяна Вайджа // Бактрия — Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. — М.: Наука, 1983. — С. 66-67; Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. — Т.: Академия, 2000. — Б. 22.

кин, чунки ҳозирги давлатларнинг ҳудудлари қадимги давлатларнинг ҳудудий чегараларига мос келмаган.

“Авесто”даги ҳарбий саркардалар, жангчи аскарлар, ҳарбий тўқнашувлар, подшолар (шоҳлар) — “кавийлар” (“кайёнийлар”) сулоалари давлатчилик ва сиёсий бошқарувнинг ривожланиши ҳақида турли маълумотлар беради. В.И. Абаев ва С.П. Виноградоваларнинг рус тилидаги таржималарига кўра, “Яшт” китобида қуйидагича хабарлар мавжуд: “У мамлакатнинг жасур сардорлари кўпдан-кўп ҳарбий юришлар қилади...”. “Гата”ларнинг бобларига кўра, қабилалар ўртасидаги босқинлар шароитида: “Улар хонадонларга, қишлоқ, вилоят ва мамлакатга қашшоқлик ва вайроналик келтирадилар” зардуштийлик динининг асосчиси Заратуштра (Зардушт) марказлашган сиёсий уюшма яратишга даъват қилади: “Марҳаматли ҳукмдор шодлик кезган қишлоқлар учун тинчлик ўрнатади”, — дейди Заратуштра⁴¹.

XIX асрдан бошлаб, сиёсий тарихни ўрганишда “Авесто” маълумотларидан кенг фойдаланилган. Юқорида таъкидланганидек, “Авесто”да “кавийлар” — подшолар сулоласи (“Шохнома”да “кайёнийлар”) ҳақида хабарлар мавжуд, аммо уларнинг тарихи ва фаолияти манбада кенг ёритилмаган. Ушбу подшоларнинг рўйхатини Р. Фрай, В.А. Лившиц, И.В. Пьянков ва бошқа олимлар қуйидагича тасвирлаганлар: Хаошъёнх ёки Хаушьянха (“Шохнома”да Хушанг), Йима Хшайта (Жамшид), Съеваршан (Сиёвуш), Кави Усан (Кай-Ковус), Кави Хаусрав (Кай-Хисрав), Кави Кават (Кай-Қубот), Кави Пишин (Кай-Пишин), Кави Аршан (Кай Ареш), Кави Виштасп (Гуштасп)⁴². “Фарра” ёки “хварно” атамалари “Авес-

⁴¹ Яшт. Гл. X. / Пер. В.И. Абаева // Хрестоматия по истории Древнего Востока. Ч. 2. — М.: Высшая школа, 1980. — С. 62, 65; Ўзбек тилига таржима қаранг: Сағдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. — Т.: Университет, 2004. — Б. 57.

⁴² Фрай Р. Наследие Ирана... — С. 62-63; Лившиц В.А. Общество Авесты // История таджикского народа. — М.: Изд. вост. лит., 1963. Т. 1. — С. 143-148; Пьянков И.В. Авеста... — С. 236; Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон... — Б. 24.

то”даги муҳим тушунчалардан бири бўлиб, ҳокимият рамзи сифатида “тахтга лойиқ ворисга эга бўлган” деган маънони билдиради. “Хварно” нафақат олий ҳокимиятнинг рамзини билдирган, ушбу тушунча подшонинг шон-шуҳрати ва улғуворлиги билан ҳам боғланган.

“Авесто” фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланганлиги туфайли, бундай ёндашуе “ҳокимият” тавсифига ҳам тегишли бўлиб, Э.В. Ртвеладзенинг таъкидлашича, у “эзгу ҳокимият” ва душманлар ҳукмдорларига нисбатан “аҳмоқ ҳокимият”га ажратилиб тасвирланган⁴³. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, тахминан мил. авв. IX-VIII асрларда ўтроқ деҳқончилик ҳамда чорвадор аҳоли ўртасида қарама-қаршиликлар юқори даражага кўтарилган. Кавийлар (кайёнийлар) сулоласи вакиллари “тур” чорвадор қабилалари билан кураш олиб борганлар.

Кави Хусрав “тур”ларнинг йўлбошчиси Франграсён (“Шохнома”да Афросиёб) билан қаттиқ жанг қилиб, уни Чайчаст кўли атрофида мағлубиятга учратган. Заратуштра (Зардушт)нинг таълимотини қабул қилган подшо Кави Виштасп туроний қабилаларнинг сардорлари-Аштарвант, Аржатасп ва бошқалар билан курашган⁴⁴.

Кавийлар ҳақида ҳикоялар — ҳақиқий тарихми ё афсонами, деган савол ханузгача баҳсли масаладир, чунки “Авесто” ёзувсиз даврларга мансуб тасаввурларни ифодалаб, турли қабилаларнинг оғзаки ижоди — афсоналар ва дostonларни ҳам ўз ичига қамраб олган⁴⁵. Ушбу мавзу бўйича сўнги тадқиқотларга кўра, кавийлар тарихи ҳақиқий маълумотлар сифатида тан олинган⁴⁶. “Авесто”да кучли марказлашган давлат ва бошқа-

⁴³ Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон ... - Б. 223.

⁴⁴ Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон ... - Б. 25.

⁴⁵ Сагдуллаев А., Эшов Б. Заратуштра - ҳақиқатми ё афсона? // Фаи ва турмуш. - 1995. - № 4. - Б. 8-9.

⁴⁶ Пьянков В.И. Древнейшие государственные образования ... - С. 241; Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии ... - С. 60; Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. - М.: В.и., 1992. - 362 с.

рувни, кудратли сиёсий бирлашмани яратишга даъват шу давр талабларидан келиб чиққанлиги маълум. Чунки тарқоқ холда ташқи душманларнинг босқинларидан химояланиш ўта мураккаб бўлган. Айнан ҳарбий омилар кучли ҳокимият ғоясига асос солган.

Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевларнинг 2001 йилда чоп этилган монографиясида “Авесто”даги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ёритилган⁴⁷. Шунингдек, мазкур асарда “Авесто”нинг “Видевдат” китоби ўзбек тилига таржима қилинган⁴⁸.

“Авесто”нинг мазмун-моҳияти, Ўрта Осиё қадимги аҳолиси ҳақида аҳамонийлар даври қоятош битиклари ва юнон муаллифларининг маълумотлари А.А. Асқаровнинг янги ўқув қўлланмасида таҳлил қилинган⁴⁹.

Фикримизча, “Авесто” маълумотларини турли авлод тадқиқотчилари томонидан тарихий жиҳатдан ҳақиқат сифатида тан олинганлигини инкор этиб бўлмайди. Маълумки, “Авесто” тарихий-географик тушунчалар, ҳудудий, этник номлар, ижтимоий-иқтисодий тузум тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган. XX аср тарихшунослигида мавжуд баҳслар манбада ўз аксини топган тарихий воқеаларни даврлаштириш ва уларни тарихий вилоятлар ҳудудлари билан боғлаш заруриятдан келиб чиққан.

Ўрта Осиё тарихига тегишли Бехистун ва Накши Рустам қоятошларида, Суза, Персеполис ва Ҳамадон шаҳарларида топиб текширилган қадимги форс ёзувларининг маълумотлари (мил. авв. VI-IV асрлар) ҳам кенг маълум⁵⁰. Ўрта Осиёнинг қадимги жамияти тўғри-


⁴⁷ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, – 2001. – Б. 222-239.

⁴⁸ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси... Б. 240-384.

⁴⁹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: Университет, 2007. – Б. 122-152.

⁵⁰ Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов // Изв. АН СССР. –

Илмий адабиётларда “Авесто”даги сиёсий маълумотлар



сида айрим илк маълумотлар юнон тарихчилари Гекатей, Геродот ва Ктесий асарларида қайд қилиниб, тарихшуносликда чуқур таҳлил қилинган бўлиб⁵¹, бу маълумотлар Бақтрия подшолиғи (XIX асрнинг 60-йиллари), “Қатта Хоразм” давлат бирлашмаси (XX асрнинг 30-50-йиллари) масалаларининг вужудга келишига ва ўрганилишига асос бўлиб хизмат қилган.

“Авесто”га нисбатан, қадимги юнон тарихчилари асарларида, Ахамонийлар давригача Ўрта Осиёдаги

1946. – № 3. – С. 231-250; Ўша муаллиф. Восставие в Маргиане при Дарии I // Материалы Южно-Туркменистанской археологической комплексной экспедиции. – М., 1949. Вып. 1. – С. 9-34; Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 77-82; Дьяконов М.М. Очерки истории Древнего Ирана. – М.: Изд. вост. лит., 1961. – 444 с.; Дандаматов М.А. Политическая история ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – 319 с.
⁵¹ Геродот. История. В девяти книгах / Пер. Г.А. Стратановского. – Л.: Наука, 1972. – 600 с.; Шьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе. Дониш, 1975. – 191 с.

қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихига тегишли маълумотлар етарли даражада ўз аксини топмаган. Мавзуга тегишли айрим маълумотлар Кичик Осиёдаги Книд шаҳридан бўлган юнон тарихчиси Ктесийнинг (мил. авв. V-IV асрлар) “Персика” асарида сақланган. Ушбу ёзма манбани И.В. Пьянков ўз тадқиқотларида махсус таҳлил қилган⁵². Ктесий Оссурия ва Бактрия подшолари урушлари тўғрисида ҳикоя қилиб, Бактриядаги кўп сонли аҳоли, истехкомлари ва шаҳарлари ҳақида хабар беради.

Геродот (мил. авв. 484-431/425 (?) й.) Бактрияни айнан қудратли давлат сифатида қайд қилмаган. Аммо, шу билан бирга, Аҳамонийлар подшоси Кир II нинг ҳарбий режалари тўғрисидаги Геродотнинг ҳикоясига кўра, Кирнинг ҳарбий юришларига “Бобил, Бактрия халқи, саклар ва мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар”⁵³. Геродотнинг маълумотлари турли тадқиқотларда ўз аксини топган⁵⁴.

С.П. Толстов Кир II ва Тўмарис кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанг тўғрисидаги Геродотнинг ҳикоясидан келиб чиқиб, аҳамонийлар давридан олдин массагет қабилалари Ўрта Осиёда йирик сиёсий ҳарбий бирлашмага асос солганликлари ҳақида таъкидлаб ўтган⁵⁵. Бундай бирлашма тўғрисидаги маълумотлар қадимги форс подшоларининг битикларида ҳам ўз аксини топиб, Бехистун ёзувларидаги подшо Доро I нинг сакларга қарши юриши тўғрисидаги хабарларида келтириб ўтилган⁵⁶.

XX асрнинг 80-йилларида И.Н. Хлопин Ғарб ва шўро тарихшунослигида умумлаштирилган маълумотлар асосида

⁵² Пьянков И.М. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана / Вестник древней истории. – 1961. – № 4. – С. 98-103; Ўша муаллиф. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. – С. 3-191.

⁵³ Геродот. История. Кн. I. 153.

⁵⁴ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – 352 с.; Дандомаев М.А. Политическая история ... – С. 27.

⁵⁵ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 244; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации ... – С. 103-104.

⁵⁶ Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов ... – С. 231-250; Абаев В.И. Пятый столбец Бехистунской надписи Дария I и антидевовская надпись Ксеркса // Вестник древней истории. – 1963. – № 3. – С. 113-118.

“Ўрта Осиё жанубий вилоятларининг тарихий географияси” номли монографияни chop этган⁵⁷. Тадқиқотчи айрим баҳсли илмий масалаларга ўз эътиборини қаратган. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, Геродотнинг Акес дарёси сувларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларига асосланиб, бир гуруҳ Фарб олимлари (И. Маркварт, Ф. Альтгейм, В.Б. Хеннинг, И. Гершевич) аҳамонийлар давридан олдин Ўрта Осиёнинг жанубида “Катта Хоразм” давлати ташкил топган, деган назарияни илгари сурган эдилар⁵⁸.

Геродот бундай хабар қилади: “Осиёда бир водий бор. Унинг барча томони тоғ билан ўралган, тоғни эса бешта дара кесиб ўтади. Бир вақтлар бу водий хоразмликларга қарашли бўлиб, хоразмликлар парфияликлар, саранглар ва таманейларнинг чегарадош ерларида жойлашган. Форсларнинг ҳукмронлиги бошлангач, водий форс подшоши ҳукмронлигига ўтган. Водийни ўраб олган тоғдан Акес номли йирик дарё бошланади. Бешта ўзанларга бўлинган бу дарё санаб ўтилган халқларнинг ерларини даралар орқали сув билан таъминлаган”⁵⁹. Ушбу хабардан келиб чиққан ҳолда Акес дарёсининг худудий жойлашишини аниқлаш ўта мураккаб масала ҳисобланади. Э.В. Ртвеладзе, А.С. Сагдуллаев ва И.В. Пьянковларнинг таъкидлашича, И.Н. Хлопин томонидан Акес дарёсининг замонавий харидаларда жойлаштиришга уринишлари нотўғри ёндашув бўлиб, Ўрта Осиёнинг қадимги тарихий географиясини ҳаққоний ўрганишга хизмат қилмайди⁶⁰.

⁵⁷ Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). – Ашхабад: Ёлым, 1982. – С. 52-55.

⁵⁸ Marquart I. Wehrot und Arang. Untersuchungen zur mithischen... – S. 91; Altheim F. Awestische Textgeschichte... – S. 10-14; Hemming W.B. Zoroaster: politician or witch... – P. 42; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra... – P. 14-21.

⁵⁹ Геродот. История. Кн. III. 117; Ўзбек тилига таржима, қаранг: Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон... – В. 37.

⁶⁰ Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Рецензия: И.Н. Хлопин. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). – Ашхабад: Ёлым, 1982. – С. 212. ил. // Вестник древней истории. – 1988. – № 2. – С. 212-216; Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования... – С. 239, примеч. 220.

Илк ёзма манбалар юзасидан XX аср тарихшунослигида билдирилган асосий хулоса шундан иборатки, мазкур ёзма манбалар минтақадаги қадимги жамият ва сиёсий тузум тўғрисида айрим маълумотларни ўз ичига олади. Аммо улар тўлиқ бўлмаганлиги туфайли илк давлатчилик ва бошқарув муаммоларини ҳамда умуман, турли сиёсий жараёнларни ўрганиш учун ёзма ва археологик маълумотларни бир-бирига солиштириш усулини амалга ошириш талаб қилинган⁶¹.

Манбашуносларнинг фикрларига кўра, хронологик жиҳатдан илк ёзма манбалар Ўрта Осиё қадимги тарихининг айрим даврларини қамраб олади (энг қадимги маълумотлар мил. авв. IX-VIII асрларга оид бўлиши мумкин). Манбаларга таянган ҳолда минтақадаги илк давлатлар тўғрисидаги муаммо таҳлил қилинган. Ушбу давлатлар ўгроқ зироатчи аҳоли ва кўчманчи қабилаларнинг тарихи билан боғланган. Бироқ, "Авесто" ва илк юнон тарихчилари асарларига нисбатан қадимий ёзма маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли, Ўрта Осиёда дастлабки давлатларга ўтиш босқичларининг санасини аниқлаш, давлат турлари ва бошқарув шаклларини ўрганиш жараёнида турли баҳсли масалалар пайдо бўлган.

Ўрта Осиё қадимги тарихининг хусусияти ёзма манбаларнинг камлиги билан изоҳланади. Юқорида қайд қилинган маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

— мавзуга тегишли ёзма манбалардаги маълумотларнинг ўрганилиши XIX асрнинг 60-70-йилларида бошланиб, XX аср 30-йилларига қадар мазкур мавзу етарли даражада ўрганилмаган. Мавжуд адабиётларда асосан Бақтрия, Марғиёна ва Хоразм тарихига оид айрим масалалар таҳлил қилинган;

— XX асрнинг 30-40-йилларида "Авесто"га асосланган ҳолда қадимги Хоразм жамияти тарихига тегишли бир қатор мақолалар ва монографиялар нашр қилинган;

⁶¹ Литвинский Б.А. Проблемы истории и истории культуры древней Средней Азии в свете новейших работ советских ученых (1967-1977) // Вестник древней истории. - 1997. № 4. - С. 74-92.

— XX асрнинг 50-60-йилларида “Авесто”даги географик, ҳудудий номлар, манбада келтирилган вилоятларда элатларнинг жойлашиши, ҳудудий чегаралари тўғрисидаги муаммолар ҳамда юнон тарихчилари Гекатей, Геродот, Ктесий асарларидаги маълумотлар таҳлил қилинган;

— XX асрнинг 70-80-йилларидаги тадқиқотларда илк ёзма манбаларда ўз аксини топган ижтимоий-иқтисодий масалалар ва бошқарув тизим муаммолари атрофида ўрганилган;


— мустақиллик йилларида ёзма манбаларнинг ўрганилиши янги услубий асосларда бошланди, лекин ушбу манбалар бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассисларнинг етишмаслигини қайд қилиш лозим.

1.2. Ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили натижалари

XX аср 40-йиллари охиридан бошлаб илк давлатчилик муаммосини ўрганиш учун ёзма манбалар билан бирга археологик тадқиқотлар натижаларининг кенг жалб қилиниши бошланган. Уларнинг таҳлили даставвал С.П. Толстовнинг “Қадимги Хоразм”, “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”, М.М. Дьяконовнинг “Шимоллий Бақтрияда синфий жамиятнинг шаклланиши”, Я.Ф. Фуломовнинг “Хоразмнинг суғорилиши тарихи”, В.М. Массоннинг “Маргиёнанинг қадимги зироатчилик маданияти” асарларида ўз аксини топган⁶⁹.

Бу пайтда тадқиқотчилар илк темир даврига оид топиб текширилган археологик материалларга ўз эътиборини қаратганлар. Туркменистоннинг жануби-ғарбида ва Хоразм ҳудудида XX аср 40-йилларининг охири ва 50-йиллар ўрталарида 50-60 км узунликдаги

⁶⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм...; Ўша муаллиф. По следам древне-хорезмийской цивилизации...; Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Срединной Бактрии...; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы...; Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. — Тошкент: ЎзССР ФА, 1959. — 324 б.



қадимги суғориш каналларининг излари аниқланган. Айрим жанубий деҳқончилик воҳаларда сарой-қароргоҳлари қолдиқлари топиб текширилган. Олимларнинг таъкидлашича, темирчиликнинг кашф этилиши, темирдан ишланган қуролларнинг кенг тарқалиши ва йирик суғориш иншоотларининг вужудга келиши ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланганлигидан далолат бериб, сарой-қароргоҳларнинг мавжудлиги жамиятдаги ижтимоий табақаланиш ва бошқарув тизимида ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади⁶³.

Аммо илк давлатчилик масаласини фақат археология маълумотларига таянган ҳолда ўрганиш мураккаб бўлиб, археология ва ёзма манбалардаги маълумотларни қиёслаш долзарб вазифага айланган.

С.П. Толстов XX аср 40-йиллари охирларида, ёзма манбаларнинг маълумотларига таянган ҳолда, ахамонийлар давридан олдин Хоразмда ҳарбий демократия конфедерацияси вужудга келиб, босқичма-босқич давлат бирлашмаси пайдо бўлган, деб таъкидлаб, “Авесто”да тилга олинган қалъа — “вара”ни мудофаа деворлари билан ўралган Кўзалиқир шаҳар харобаси билан таққослаган⁶⁴. М.М. Дьяконов 1954 йилда нашр этилган мақоласида, мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Осиёда йирик шаҳар марказлари, ирригация - сунъий суғориш иншоотлари ва хунармандчилик ишлаб чиқаришининг мавжудлиги тўғрисида тўхталиб, у пайтда Ўрта Осиёда йирик давлатлар мавжуд бўлмаган, уларнинг ҳудудий чегаралари ирригация тизими ва суғориладиган ерлар билан чегараланган, деб таъкидлаган⁶⁵.

В.М. Массон 1954-1956 йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотларга асосланиб, Ўрта Осиёда давлатчиликнинг белгиларидан бири — йирик сунъий су-

⁶³ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... - С. 127-132.

⁶⁴ Толстов С.П. Древний Хорезм ... - С. 341; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации... С. 93.

⁶⁵ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии... - С. 138.

қориш тизимининг барпо этилиши ҳамда кўрғонлар — хукмдорлар қароргоҳларининг вужудга келганлигини қайд этиб, мил. авв. VIII-VII асрларда Марғиёнада айрим кичик мулклар — “дахию”лар ташкил топган, деб ёзган⁶⁶. Бактрия ва Марғиёнадан топиб текширилган археологик материаллар, юнон тарихчиси Ктесийнинг Қадимги Бактрия давлати тўғрисидаги хабарини махсус таҳлил қилишга асос бўлган.

В.М. Массон Ктесийнинг Бактрияда кўп сонли шаҳарларнинг мавжудлиги, давлат пойтахти (Бақтра шаҳри) қалин муҳофаа деворлари билан ўралиб подшо кўрғонидан иборат бўлганлиги, Бактриянинг чегараларида тоғлар ва тор дараларнинг мавжудлиги каби маълумотларига ўз эътиборини қаратган⁶⁷. Олимнинг фикрига кўра, Ктесийнинг ҳикояларида ҳақиқий тарихий воқеалар ўз аксини топиб, Бактриянинг тарихий географияси ва Бақтра шаҳрининг тавсифи юнон тарихчисининг асарида тўғри тасвирланган⁶⁸. Қадимги Бактрия давлати тўғрисидаги масала Фарб тарихшунослигида В. Гейгернинг “Қадимги даврда Шарқий Эрон цивилизацияси”, Е. Райшнинг “Бактрия” ҳамда Ю. Прашекнинг “Македонлар итилоларига қадар Мидия ва Форс тарихи” номли асарларида ёритилган эди⁶⁹. Ушбу муаммони ўрганишда Ктесийнинг маълумотлари асос бўлиб, шўро даври тарихшунослигида ҳам муҳим аҳамият касб этган⁷⁰.

Бактрия ва Оссуриянинг сиёсий муносабатлари ҳақида, И.М. Дьяконов томонидан таржима қилинган ва 1951 йил

⁶⁶ Массон В.М. Древнесемледельческая культура Маргианы... С. 130.

⁶⁷ Массон В.М. Ўша асар. — С. 131-132.

⁶⁸ Ўша асар. С. 132.

⁶⁹ Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. — London, 1885. — P. 46; Reisch E. Baktrianoi / Paulys Real Encyclopadie. — 1896. T. II — P. 2806-2807; Prašek J. Geschichte der Meder und Perser bis zur makedonische Eroberung... S. 50-54.

⁷⁰ Толстов С.И. Основные вопросы древней истории Средней Азии. // Вопросы древней истории. — 1938. — № 1. — С. 183; Очерки истории СССР. Первобытно-общинный строй и древнейшие государства. — М.: АН СССР, 1956. — С. 244-245.

да чоп этилган, оссуриялик жосуснинг хабарларидан лавҳа ҳам далолат бериши мумкин, у куйидагича: “Подшоҳ сўраган лаъл борасида: Менга лаъл келтиринг, деган эканлар. Мен, жаноби олийлари, тоққа чиқиб, лаълни кўлга киритганимда мамлакат аҳли менга қарши кўзгалганини билмайдилар. Подшоҳ изн берсалар, жаноби олийлари, фақат мен улар билан нону қатикни баҳам кўрмайман, улар ёнида юрмайман, сенинг чопаринг ёнида бўлмайман, подшоҳ саломатлиги хусусида ҳам сўрамайман. Шоҳим буни гуноҳга йўймасалар бас...”⁷¹.

Маълумки, Бактрия тоғларида (Бадахшонда) жойлашган лаъл (ложувард) конлари Шарқ мамлакатларида қадимдан машҳур бўлган. М.А. Бобоҳўжаевнинг ёзишича, Афғонистоннинг ташқи савдосида ложувард ҳатто XIX асрда ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Лаълни тоғ конларидан қазиб олиш ва уни бозорларга етказиш жараёни махсус мансабдорлар томонидан назорат қилинган⁷².

Геродотнинг маълумотларини инобатга олиб, И. Маркварт бир неча вилоятлар ва элатларни бирлаштирган, Ўрта Осиёнинг кенг ҳудудларини қамраб олган Хоразм давлати ҳақидаги масалани рўёбга чиқарган⁷³. Бир қатор тадқиқотчилар ушбу муаммони ривожлантирганлар⁷⁴, мазкур масала янги асосларда ҳам кўриб чиқилган⁷⁵.

⁷¹ Дьяконов И.М. Ассиро-вавилонские источники по истории Урарту // Вестник древней истории. - 1951. - № 2. - С. 335-336; Ўзбек тилига хужжатнинг таржимаси, қаранг: Сағдуллаев А.С., Костецкий В.А., Норқулов Н.К. Ўзбекистон тарихи. 6 синф дарслиги. - Т.: Шарқ, 1999. - Б. 123.

⁷² Бабаходжаев М.А. Очерки социально-экономической и политической истории Афганистана. - Т.: Фан, 1975. - С. 163.

⁷³ Markwart I. Wehrot und Arang. - Leiden, 1938. - S. 10-11.

⁷⁴ Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации... - С. 103-105; Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. - М. - Л., 1962. - №118. - С. 91-94.

⁷⁵ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира... - С. 122-154; Массон В.М. Афганистан в древности // История Афганистана - М.: Мысль, 1982. - С. 6-59; Сағдуллаев А.С. Маргиана и Бактрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху // Древний Мерв (Тр. ЮТА-КЭ). - Ашхабад: Ё.Ў.Ы.М., 1989. - С. 11-20; Ширинов Т. Қадимги Бактрия подшоҳлиги “Қатта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Т.: Шарқ, 2001. - Б. 8-13

XX асрнинг 60-80-йилларида “Авесто” маълумотлари бронза ва илк темир даврига оид ёдгорликларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари билан солиштирилган. Жанубий Ўзбекистондаги бронза даврига мансуб Сополлитепа манзилгоҳи, А.А. Асқаров томонидан “Авесто”да тилга олинган тўртбурчакли қалъа — “вара” билан таққосланган⁷⁶. А.А. Асқаровнинг фикрига кўра, Сополлитепада саккизта катта патриархал оилаларнинг аъзолари истиқомат қилиб, улар бир умумий уруф “вис” вакиллари ташкил этган (турли даврларда қишлоқ аҳолиси 150-235-305 кишидан иборат бўлганлиги фараз қилинган)⁷⁷. В.А. Лившицнинг таъкидлашича, “Авесто” анъанасига кўра, уруф таркибини 15 та ва ундан зиёд кичик оила аъзолари ташкил этган⁷⁸ (15 та кичик оила, ўртача-75-90 киши). А.А. Асқаров, Сополлитепада кичик оила 5-6 кишидан иборат бўлиб, турли даврда Сополлитепада 30-61-47 та оила аъзолари истиқомат қилган, деб ёзган⁷⁹. Унда максимал даражадаги кичик оиланинг таркиби — 6 кишидан келиб чиққан ҳолда, Сополлитепанинг аҳолиси турли даврларда 180-366-282 кишидан ёки бир неча қўшничилик уруф жамоаларидан (“Авесто”да — “варзана”) иборат бўлиши мумкин эди.

В.М. Массон, Жанубий Туркменистондаги бронза даврига оид Олтинтепа ёдгорлигининг ўрганилиши натижасида қўлга киритилган археология маълумотларидан қадимги жамиятнинг ривожланиши хусусиятларини ўрганишда кенг фойдаланган. Таҳлил жараёнида археология маълумотлари Шумернинг айрим ёзма манбалари билан солиштирилган⁸⁰. Улар ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этган.

⁷⁶ Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана... — С. 143.

⁷⁷ Ўша жойда. — Б. 147.

⁷⁸ Лившиц В.А. Общество Авесты... — С. 143.

⁷⁹ Асқаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана... — С. 143-144.

⁸⁰ Массон В.М. Алтын-Депе. — Д.: Наука, 1981. — С. 121.

И.В. Пьянков Марғиёнада топиб текширилган, майдони 1-1,5 гектардан иборат бўлган манзилгоҳларни, “Авесто”да тилга олинган уруғ жамоалари қишлоқлари билан таққослаган. Шу билан бирга, тадқиқотчи “Авесто”даги “вара” атамасини “ибодатхона” тушунчаси билан боғланишига ўз эътиборини қаратган⁸¹.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Сурхондарёдаги Миршоди воҳасида жойлашган мил. авв. VII-IV асрларга оид дехқончилик уй-қўрғонлари ўрганилди (Қизилча ёдгорлиги)⁸². Топиб текширилган маълумотлар қадимги жамият ва бошқарув масаласини таҳлил қилишга асос бўлиб, муаммони умумлаштириш учун “Авесто” маълумотлари, қадимги ёзма манба сифатида, кенг жалб этилган.

“Уй” ёки “уй-қўрғон” атамаси турли қадимги ёзма манбалардан маълум бўлиб, “оила” тушунчаси билан боғланган⁸³. И.М. Дьяконовнинг таъкидлашича, “Авесто”нинг “имана” атамаси “оила” ва бошпана сифатида “уй” тушунчаларини билдиради⁸⁴.

А.С. Сагдуллаев, археология ва “Авесто” маълумотларини қуйидагича таққослаган: уй-қўрғон (Қизилча ёдгорлиги) — тўртта кичик оиладан иборат катта оила жамоаси — “имана”, алоҳида жойлашган 3-4 уй-қўрғонлари — уруғ жамоаси — “вис”, бир-неча гуруҳ уй-қўрғонлари — худудий қўшничилик қишлоқ жамоалари — “варзана”⁸⁵. Уларнинг барчаси қадимги дехқончилик воҳасида (Миршоди воҳасида) жойлашган бўлиб, алоҳида дехқончилик туманини ташкил қилган.

Замонавий тадқиқотларда ҳам Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий таркибини Авесто жамияти билан тақ-

⁸¹ Пьянков И.В. Тоголок-21 и пути его исторической интерпретации / Вестник древней истории. - 1989. № 1. - С. 180-181.

⁸² Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии... - 110 с.

⁸³ Ўша жойда. - С. 71.

⁸⁴ Дьяконов И.М. Рабовладельческие имена персидских вельмож // Вестник древней истории. - 1959. - № 4. - С. 180.

⁸⁵ Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... - С. 75.

қослаш муҳим аҳамият касб этди⁸⁶. Олимларнинг фикрларига кўра, маълум археологик белгилар жамиятнинг турли гуруҳларга ва тоифаларга бўлинганлигидан далолат беради. Йирик шаҳар марказлари, қароргоҳ - қўрғонлар, алоҳида уй-қўрғонлар ва деҳқончилик қишлоқлари шулар жумласидандир.

Ижтимоий тизим масаласи олдинги йиллар тадқиқотларида муҳим ўрин топган⁸⁷, шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бошқарувнинг шаклланиши (дастлаб ибтидоий-ижтимоий бошқарув), унинг тамойиллари ва вазифалари муаммоси махсус мавзу сифатида, йирик тадқиқотларда кенг даражада таҳлил қилинмаган. Сўнгги йилларда ҳам айрим ўқув қўлланмаларида қадимги бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функцияларига қисман изоҳ берилди⁸⁸.

Хулоса қилиб айтганда, илк ёзма манбаларда келтириладиган қадимги жамият тўғрисидаги маълумотларни қадимшунос олимлар Ўрта Осиё илк давлатчилиги тарихи билан боғлаганлар. Аммо ушбу манбалар тўлиқ бўлмаганлиги туфайли, минтақа жамиятининг ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда турли баҳсли муаммолар мавжуд.

⁸⁶ Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... - С. 3-45; Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии... - С. 334; Ўша муаллиф. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторической реконструкции // Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докл. конф. - М., 2003. - С. 132-135; Собиров Қ., Абдиримов Р. Авесто жамиятида Хоразм воҳаси: шаҳарсозлик ва давлатчилик негизлари // "Авесто" китоби-тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи. - Т., 2000. - Б. 54-57; Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O'zbekiston tarixi. - 2002. - №3. - Б. 3-10; Ўша муаллиф. "Авесто" ва моддий маданият // O'zbekiston tarixi. - Т.: 2004. - №3. - Б. 3-12.

⁸⁷ Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии... С. 93-101.

⁸⁸ Сагдуллаев А.С. Менежмент асосларининг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари // Инновацион менежмент. - Т.: Akademiya, 2005. - Б. 4-9; Сагдуллаев А., Мавлонов Ғ. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. - Т.: Akademiya, 2006. - Б. 27-28.

Қадимшунос Ш. Шайдуллаев, илк давлатлар ва уларнинг археологик белгилари масаласини муҳокамага қўйган⁸⁹. Шу ўринда тадқиқотчининг таъкидлашича, бундай ёндашув тарихшуносликда махсус мавзу сифатида биринчи мартаба муҳокамага қўйилган. Ш. Шайдуллаевнинг мақоласи юзасидан ўз фикрларини билдирган археолог олим А. Анорбоев “Ш. Шайдуллаев кўрсатган белгиларнинг кўпчилиги давлат вужудга келмасдан аввал неолит даврида ҳам мавжуд бўлган”, деб хулоса чиқаради⁹⁰. Давлатчиликнинг археологик белгиларини, жумладан, давлат функцияларини амалга оширган бошқарув тизимини ҳам илмий, амалий жихатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Қадимги давлатчилик мавзусига бағишланган турли мақолаларда бошқарув масаласи етарли даражада таҳлил қилинмаган ёки қисқача ёритилган. Аммо давлатчилик ва сиёсий-маъмурий бошқарув бир-бири билан бевосита боғланган тушунчалардир. Давлат номаълум бўлган даврларда, яъни ибтидоий жамиyatда уруғ жамоаларининг умумий манфаатларини амалга ошириш зарурияти билан боғланган ва сиёсий ҳокимият даражасига кўтарилмаган ижтимоий бошқарув ривож топган. Ўрта Осиёнинг энг қадимги тарихидаги ижтимоий бошқарувнинг хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш долзарб вазифа бўлиб, ушбу муаммо етарли даражада ўрганилмаган.

Манбаларнинг ўрганилиш натижалари, ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили турли даврларда яратилган тадқиқотларнинг муҳимлигидан далолат беради. Тарихшуносликда “Авесто” маълумотларининг санаси ва изоҳини археологик материаллар асосида ўрганиш масаласи вужудга келди. Бу масала тўлиқ ечимини топмаган бўлса-да, ёндашувларнинг ўзи Ўрта Осиёнинг қадимий тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

⁸⁹ Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари... – Б. 6-8.

⁹⁰ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихида баъзи бир муаммолар // *O'zbekiston tarixi* – 2004. – № 4. – Б. 6.

Умуман олганда, ушбу бобда ёритилган масалаларга хулоса сифатида қуйидаги фикрларни қайд қилиш мумкин:

— XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёнинг қадимги тарихига тегишли илк ёзма манбалар таҳлил этилиб, минтақанинг илк давлатчилик масаласини ёритишга пойдевор бўлган;

— XX аср 40-йилларининг охирларида ва кейинги йиллар мобайнида минтақанинг турли ҳудудларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларни ёзма манбалар билан таққослаш имконияти пайдо бўлди;

— 70-80-йилларда, манбашунос ва қадимшунос олимлар қадимги жамият, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий мавзуларга доир турли масалаларни аниқлашга эришиб, айрим монографияларнинг бобларида ҳамда мақолаларда мазкур мавзулар юзасидан билдирилган илмий қарашлар ва ёндашувлар таҳлил қилинган;

— айрим умумлаштирувчи йирик илмий монографияларда қадимги бошқарув масаласи ва унинг ўрганилиши тарихи умуман тилга олинмаган. Бунга 1985 йилда чоп этилган “Кавказ ва Ўрта Осиёнинг энг қадимги давлатлари” номли китоб ёрқин мисолдир⁹¹. Ушбу монографиянинг Ўрта Осиёга бағишланган қисмида асосан археология муаммолари ўз таҳлилини топган;

— Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида қадимшунослар ўртасида баҳслар мавжуд бўлиб, давлатчиликнинг вужудга келиши омиллари, хусусиятлари ва тарихий тараққиёт қонуниятлари тарихшунослик нуқтаи назаридан етарли даражада ўрганилмаган;

— турли мақолалар ва монографияларда илк давлатчилик ва қадимги бошқарув ўртасида ўзаро муносабат билан боғлиқ саволлар деярли очик қолган, тари-

⁹¹ Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. М.: Наука, 1985. — С. 178-202.

хий жиҳатдан давлат ва сиёсий бошқарувнинг ривожланиб бориши, ўзаро бир-бирига боғлиқлиги масаласи етарлича ёритилмаган;

— Ўрта Осиё ҳудудларида сиёсий институтлар ва ҳокимият вужудга келишидан аввалги ибтидоий даврларда ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган жамоалардаги бошқарув хусусиятларини ўрганиш махсус умумлаштирувчи тадқиқотга айланмаган;

— мустақиллик йилларида илк ёзма манбалар ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улардан бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, давлат бошқаруви тарихшунослиги каби муаммоларни ўрганишда фойдаланилди.

II БОБ. ЎРТА ОСИЁДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ЁНДАШУВЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

2.1. Шўро даври тарихшунослигида муаммога ёндашув

Жаҳон тарихшунослигида давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тўғрисида кўплаб назариялар мавжуд. Ушбу масала дастлаб юнон — рим ва Шарқ муаллифлари асарларида ёритилди. Сўнгги йиллар адабиётларида қуйидаги назариялар тарихи — теология (илохийлик) назарияси, патриархал, куч ишлатиш, психология ҳамда синфий назариялар ўз шарҳини топди¹.

Маълумки, турли минтақаларда давлатчилик ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли тарихий даврларда шаклланган. Илгариги адабиётларда давлат келиб чиқишининг осийча ишлаб чиқаришга асосланган “Шарқ йўли” ва мулкий табақаланишга асосланган “Европа йўли” тўғрисидаги фикрлар кенг ривожлантирилган².

Шўро даврида давлатчилик тарихининг ёритилишида формацияли ёндашув (ижтимоий-иқтисодий формациялар ва ишлаб чиқариш усулларининг босқичма-босқич алмашиши) устунлик қилиб, илк давлатларнинг шаклланишини жамиятнинг бир-бирига душман синфларга бўлиниши, улар ўртасида синфий курашнинг кескинлашиши билан боғлаб тушунтирилар эди. Уша давр худосаларига кўра, илк давлат синфий жамиятнинг маҳсули бўлиб, унинг синфий моҳияти асосий кўрсаткич сифатида белгиланган³.

¹ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... — Б. 31-43.

² Мавзу юзасидан изоҳ қаранг: Ртвеладзе Э.В. ва б. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... — Б. 27-28.

³ Ушбу масалага тегишли маълумотлар, қаранг: Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи ... — Б. 17.

Мазкур бобда минтақада давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги асосий назариялар ва ёндашувлар таҳлил қилинади.

XX асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиё ҳудудларида археология ёдгорликларининг кенг ўрганилиши жараёни бошланиб, топиб текширилган археология манбаларидан қадимги жамият тарихи, маданияти ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ўрганишда фойдаланилган.

40-йилларнинг охири ва 50-йиллар давомида ибтидоий жамият ва илк давлатчилик тизимига оид ёдгорликлар Ўзбекистон, Жанубий Туркменистон ва Тожикистонда тадқиқ қилинган. Ушбу ишларни С.П. Толстов, А.П. Окладников, Б.А. Куфтин, М.Е. Массон, Я.Ф. Фуломов, А.Н. Бернштам, В.М. Массон, Ю.А. Заднепровскийлар раҳбарлигидаги экспедициялар амалга оширган⁴.

60-70-йилларда А. Асқаров, А. Муҳаммаджонов, Ў. Исомов, В.И. Сарияниди, О.К. Бердиев, А.В. Виноградов, М.А. Итина, Э.В. Ртвеладзе, Р.Х. Сулаймонов ва бошқа олимлар томонидан археология ёдгорликларида кенг тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу ишларнинг натижалари таҳлил қилинган⁵ ва тарихий асарларда умумлаштирилган⁶.

⁴ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. — 1952. — № 26. — 342 с.; Куфтин Б.А. Работы ЮТАКЭ в 1952 г. по изучению "культур Анау" // Известия АН ТуркмССР. — 1954. — № 1. — С. 22-29; Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении. До первой послевоенной пятилетки // Тр. САГУ. — 1956. — Вып. 81. — С. 5-40; Окладников А.П. Древнейшее прошлое Туркменистана // Тр. Института истории археологии и этнографии АН ТуркмССР. — 1956. Т. 1. — С. 181-221; Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг сугорилиши тарихи. — Тошкент: УзССР ФА, 1959. — 324 б.; Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. — Т.: Фан, 1964. — 441 б.

⁵ Литвинский Б.А. Археологические открытия в Таджикистане за годы Советской власти и некоторые проблемы древней истории Средней Азии // Вестник древней истории. — 1967. — № 4. — С. 118-137; Асқаров А. Развитие археологической науки в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. — 1972. — № 11-12. — С. 97-109.

⁶ История таджикского народа. — М., 1963. Т. 1. — 596 с.; Джуракулов М.Д., Аванесова Н.А. Историография эпохи бронзы Средней Азии. — Самарканд: СамГУ, 1983. — 70 с.; Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. — М.: Наука, 1985. — С. 178-202.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қадимшуносларнинг тадқиқотларида махсус археология мавзуларини ёритиш (ёдгорликларнинг ва топилмаларнинг тавсифи, хронология ва даврлаштириш, хўжалик, маданият ва б.) муҳим аҳамият касб этган.

Шўро даври илмий адабиётларида жамият, бошқарув ва давлатчилик тарихига ёндашишда шу давр мафкураси талабига кўра, марксча ғоялар доирасида ишлаб чиқилган синфий назариядан фойдаланилган. Олимларнинг тадқиқотлари ушбу ғоялар доирасида чегараланиб, назарий ва амалий жиҳатдан уларни амалга оширишга мажбур эди.

Ушбу мавзуга бағишланган адабиётларда ибтидоий тузумнинг емирилиши ва синфий жамиятнинг вужудга келиши сабаблари қуйидагича қайд қилинган:

- кўшимча (ортиқча) маҳсулотнинг пайдо бўлиши;
- айирбошланишнинг ривожланиши;
- ижтимоий меҳнат тақсимоти;
- она уруғи (матриархат)дан ота уруғи (патриархат)га ўтилиши;
- кўшни ҳудудий уруғ жамоаларнинг вужудга келиши;
- мулкый тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш;
- эксплуатация (бошқа кишилар меҳнати билан яратилган маҳсулотни ўзлаштириш)нинг илк шакллари¹.

Ушбу ижтимоий-иқтисодий белгилар давлат вужудга келишининг асосий омиллари сифатида барча ҳудудлардаги қабила ва элатлар тарихи билан боғланган бўлиб, илмий, ўқув адабиётлар ҳамда дарсликларда асосий назария сифатида қабул қилинган эди².

¹Голдстов С.П. К вопросу о периодизации первобытной истории // Советская этнография. - 1946. - № 1. - С. 25-30; Семенов Ю.И. О периодизации первобытной истории // Советская этнография. - 1965. - № 5. С. 74-93; Першиц А.И., Монгайт А.Д., Алексеев В.П. История первобытного общества. - М.: Высшая школа, 1968. - 206 с.; Хазанов А.М. Разложение первобытно-общинного строя и возникновение классового общества // Первобытное общество. - М.: Наука, 1975 - С. 88-139.

²Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй Древнего Двуречья. Шумер. - М.: Изд. вост. лит., 1959. - 300 с.; Массон В.М. Сред-

Маълумки, ибтидоий жамият дастлаб ўзлаштирувчи хўжаликлар (термачилик, овчилик, балиқчилик) ва неолит — янги тош давридан бошлаб ишлаб чиқарувчи хўжаликлар (деҳқончилик ва чорвачилик)га асосланиб ривожланган. Турли этнография ва археология маълумотларига кўра, ибтидоий жамоаларнинг ҳудудий алоқалари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлари уруғчилик тузуми хусусиятлари билан белгиланган. Ўрта Осиёнинг қадимги тарихига тегишли ушбу маълумотлар турли адабиётларда ўз аксини топган.

Инсоният тарихида ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг пайдо бўлиши жамиятнинг ривожланишида туб ўзгаришларга пойдевор бўлган. Археологик манбаларга кўра, айнан шу даврдан бошлаб, қўшимча маҳсулотнинг тўпланиши туфайли айирбошлаш ривожланган. Босқичма-босқич ҳудудий кўшничилик жамоаси вужудга келиб, аҳолининг аралаш (бир ҳудудда турли уруғ намояндаларининг) жойлашуви жараёни бошланган⁹. Археолог олимлар неолит, энеолит ва бронза даврларида қадимги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида катта ўзгаришлар содир бўлганлигини турли далиллар асосида кенг ёритганлар. Ўрта Осиё ибтидоий жамият тарихини ўрганишда С.П. Толстов, Я.Ф. Фуломов, В.М. Массон, А.А. Аскарлов, Ў.И. Исломов, В.И. Сарияниди ва бошқа қадимшуносларнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга¹⁰.

няя Азия и Древний Восток. — М. — Л.: Наука, 1964. — 467 с.; Першиц А.И. Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества...; Хазанов А.М. "Военная демократия" и эпоха классообразования // Вопросы истории. — 1968. — № 12. — С. 87-98 ва б.

⁹ Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. — Т.: Университет, 2004. — Б. 59.

¹⁰ Толстов С.П. Древний Хорезм ...; Ўша муаллиф. Қадимги Хоразм маданиятини излаб ...; Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг сугорилиши тарихи ...; Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма // МХАЭЭ. — М.: Наука, 1962. Вып. 8. — 180 с.; Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток ...; Гулямов Я.Г., Исломов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. — Т.: Фан, 1966. — 266 с.; Исломов У.И. Пещера Мачай. — Т.: Фан, 1975. — 136 с.; Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. — М. — Л.: Наука, 1969; Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. — Т.: Ўқитувчи, 1990. — 160 б. ва бошқ.

Ушбу тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёда ибтидоий жамиятнинг емирилиши сабаблари ва шароитлари аниқланган. Илмий адабиётларда келтирилган хулосаларга кўра, мил. ав. III-II минг йилликларда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг кенг суратда ривожланиши ва металлчиликнинг кашф этилиши ишлаб чиқариш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тараққиётига таъсир қилди. Бронза даври тарихий жараёнида содир бўлган ўзгаришлар тарихшуносликда қуйидагича қайд қилинган:

— аҳоли сонининг ошиб бориши натижасида қадимги қабилалар томонидан янги ерларни ўзлаштирилиши, сув манбалари ва хом ашё конларини қидириш натижасида кенг ҳудудларда жойлашиши;

— бронза даврида махсус ҳунармандчилик ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши;

— ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мол айирбошлаш мақсадида фойдаланиш;

— аҳолининг ижтимоий табақаланиши;

— айрим катта оилалар ва патриархал уруғ жамоаларнинг рамзлари — тамғалар ва муҳрларнинг пайдо бўлиши;

— қадимги қабрлардан топиб текширилган буюмларнинг сон-сифатига кўра (металл идишлар ва яроғлар, сопол идишлар, қиммат тошлардан ясалган маржон ва металл тамғалар) бой жамоа вакилларининг мавжудлиги¹¹.

Юқорида қайд этилган жараёнларнинг таҳлили шўро даврида чоп этилган турли илмий адабиётларда ўз аксини топган. Лекин хусусий мулкчилик ва ижтимоий табақаланишнинг қай даражада ривожланганлиги етарли даражада ёритилмаган.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидаги қадимги аҳоли бир хилда тараққий топган эмас. Айниқса, бронза даврида иқтисодий ва маданий жиҳатдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган қабилалар бир-биридан

¹¹ Бу масалага тегишли маълумотлар, қаранг: Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии ... — С. 93-101.

ажралиб турган. Уларнинг жамияти ва бошқарув тизимида ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида минтақанинг жанубий вилоятларидаги ўтроқ қишлоқларда катта патриархал оила жамоаларига тегишли бўлган кўп хонали уй-жойлар топиб текширилган¹², қуйи Зарафшон воҳасида йирик кулба қолдиқлари (Замонбобо)¹³, Хоразмда шу давр уй-жойлари ярим ертўлалардан иборат бўлганлиги аниқланди¹⁴. Бу борадаги археологик маълумотлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёт даражасининг турлича бўлганини кўрсатади. Демак, ижтимоий бошқарув тизими ҳам бир-биридан фарқ қилган.

В.М. Массоннинг таъкидлашича, деҳқончилик неолит даври “инқилоби” сифатида ўтроқ ҳаёт ва янги иқтисодий муносабатларга асос солиб, уруғчилик жамиятининг ташкилий функцияларини аввалги даврларга nisbatan анча мураккаблаштирган. Меҳнат жараёнларини (айниқса зироатчиликдаги ерга ишлов бериш, ўсимликларни экиш, ҳосилини йиғиб олиш) режалаштириш, ташкиллаштириш пайтида уруғ оқсоқолларининг ўрни ва обрў-эътиборини кучайтирган, аммо дастлабки мулкий тенгсизлик паст даражада бўлиб, ижтимоий муносабатларда муҳим аҳамият касб этмаган¹⁵.

Бронза металлургиясининг вужудга келиши ва кўптармоқли ҳунармандчиликнинг ривожланиши жараёнлари ижтимоий табақаланишни кучайтирган. Лекин, фақат археология материаллари орқали қадимги ижтимоий тарихни тадқиқ этиш ўта мураккаб вазифа

¹² Массон В.М. Средняя Азия и Древний Восток ...; Аскарлов А. Сақал-литера ...; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба // Советская археология. – 1979. – № 1. – С. 111-131.

¹³ Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. – Т.: Фап, 1966.

¹⁴ Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. – М.: Наука, 1977. – 238 с.

¹⁵ Массон В.М. Поселение Джейтун // МИА – М., 1971. – № 180. – С. 156. – 266 с.

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий тизимини ўрганишда Олд Осиё зироатчилик жамияти тарихи билан таққослаш қўлланилган¹⁶, чунки ушбу тарих ёзма манбалар асосида кенг ёритилган¹⁷.

Ўрта Осиёдаги илк давлатлар “синфий жамият”, “қулдорлик давлатлар” сифатида изоҳланган¹⁸. С.П. Толстовнинг фикрига кўра, ушбу давлатлар шаклланишининг асосий сабабларидан бири — йирик суғориш тизимининг барпо этилиши бўлиб, ирригация ишларини амалга ошириш мақсадида қулларнинг меҳнатидан фойдаланилган¹⁹. Қиёслаш учун ўтган асрнинг 70-80-йилларида Жанубий Ўзбекистоннинг тоғ олди воҳаларида 3-5 км узунликдаги қадимий каналларнинг излари топиб текширилган²⁰. Бундай кичик каналларни қишлоқ жамоаларининг озод вакиллари ҳам қазиб ўтказиши мумкинлигини фараз қилиш мумкин.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёда давлатчилик шаклланишининг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш муҳим масалага айланиб, минтақадаги илк давлатлар қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий характерда бўлган, деган савол юзага келган. Аммо тарихий манбалар камлиги туфайли бу саволга жавоб бериш у пайтларда анча мушкул бўлган.

Қадимги Шарқ давлатларида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик мураккаб суғориш иншоотларини амалга оширишни талаб қилганлигини инобатга олиб, олимлар Ўрта Осиёда ҳам шунга яқин жараёнлар содир бўлган ва минтақада кўпчилик аҳоли мажбурий равишда давлат томонидан ирригация каналларининг

¹⁶ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. — Л.: Наука, 1976. — С. 186-187.

¹⁷ Дьяконов И.М. Проблемы экономики. О структуре общества Ближнего Востока // Вестник древней истории. — 1968. — № 4. — С. 3-26.

¹⁸ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии ... — С. 120.

¹⁹ Толстов С.П. По древним дельтам ... — С. 75.

²⁰ Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа ... — С. 27.

қурилишига жалб этилган, деб хулосалар чиқарганлар. Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлаб бу фикрни С.П. Толстов ривожлантирган, кейинчалик М.М. Дьяконов худди шу сабабларни давлатчиликнинг шаклланишидаги асосий омил сифатида кўрсатиб ўтган²¹.

Ўрта Осиёнинг қадимги тарихига тегишли “илк синфий жамият”, “қулдорлик тузуми”, “қулдорлик давлатлари” каби тушунчалар кенг ишлатила бошланди. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб, “Ўрта Осиёдаги қулдорлик формация” назарияси баҳс-мунозараларга айланган. Айрим тарихчилар Қадимги Шарқ, Юнонистон ва Рим тарихи таъсири остида яратилган ушбу концепцияга қарши чиққан. Тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг қадимги ижтимоий муносабатларига хос хусусиятларини инобатга олиб, маҳаллий қуллар уй чўриси ва хизматкорлардан иборат бўлганлигини ҳамда қадимги жамият таркиби етарли даражада ўрганилмаганлигини уқтирганлар²².

XX асрнинг 30-50-йилларида Ўрта Осиёнинг турли худудларида қадимги деҳқончилик маданияти кенг ўрганилмаган эди (Қашқадарё, Сурхон воҳалари, жанубий Тожикистон, қуйи Мурғоб). Дарҳақиқат, минтақа худудларида ўтроқ аҳолининг жойлашуви ва сунъий суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланилиш даражаси номаълум бўлган.

Шўро даврида мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш мавзусини ўрганиш, жумладан, ушбу воқеалар қайси бири бирламчи бўлиб вужудга келган, деган савол ҳам долзарб муаммога айланган эди. В.М. Массон ва И.М. Дьяконовлар мулкий тенгсизликни бирламчи омил сифатида талқин қилганлар²³. Этнография ада-

²¹ Дьяконов М.М. Сложение классового общества ... - С. 121.

²² Беленицкий А.М. О “рабовладельческой формации” в истории Средней Азии // Проблемы археологии Средней Азии: Тез. докл. и сообщений научн. совещания. - Л., 1968. - С. 37-38; Ўша муаллиф. О “рабовладельческой формации” в истории Средней Азии // Краткие сообщения Института археологии. - М., - 1970. Вып. 122. - С. 71-76.

²³ Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // Вестник древней истории. - 1963. - № 1. - С. 28; Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке // Вопросы истории. - 1967. - № 5. - С. 85.

биётларида “синфий жамият” пайдо бўлишига ижтимоий табақаланиш жараёни асос бўлган деб хулосалар чиқарилган²⁴. Айрим шахслар томонидан ижтимоий мансабларни эгаллаш жамоадаги ортиқча маҳсулот ва хусусий мулкни эгаллашга интилишлари билан боғланган. Шўро даври тарихчи ва этнографларининг фикрларига кўра, ижтимоий меҳнат тақсимооти вужудга келиши билан ташкилий-бошқарув фаолияти ишлаб чиқариш фаолиятдан ажралиб чиқади ва ижтимоий мансабларни эгаллаган шахслар учун жамоадаги ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўзлаштиришга кенг имкониятлар яратилади, шу асосда эксплуатациянинг илк шакллари вужудга келган²⁵. Демак, шу давр назарияларига биноан, ибтидоий жамиятнинг емирилиши ва илк давлатларнинг шаклланиши қуйидагича ривож топган: мулкий тенгсизлик — ижтимоий табақаланиш — эксплуатациянинг илк шакллари ва қулчилик — меросхўр уруғ — қабила оқсуяк зодагонларининг пайдо бўлиши — урушлар ва ҳарбий юришлар натижасида уруғ йўлбошчиларининг моддий бойликларни кўпайтиришга интилиши — ижтимоий синфларнинг вужудга келиши — ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати — ижтимоий бошқарувнинг сиёсий ҳокимиятга айланиши. Марксча назарияга кўра, эзувчилар ва эзилувчилар синфларга ажралиши натижасида, улар ўртасида курашлар кескинлашган ва ушбу қарама-қаршилик оқибатида тарихий сахнада зўравонлик, эзувчи аппарат — давлат пайдо бўлган. Бундай ёндашув Ўрта Осиё тарихшунослигида ҳам асосий назария сифатида қабул қилинган эди.

Фикримизча, давлат ўзаро низолар ва курашларга асосланган синфий жамият маҳсули деган гоё кўпданкўп саволларга жавоб бермаган, жумладан, Ўрта Осиёнинг қадимги тарихида илк давлатларнинг ишлаб чиқа-

²⁴ Развитие родового строя и формирование классового общества. М.: Наука, 1968. — С. 227.

²⁵ Первобытное общество. Основные проблемы развития. — М.: Наука, 1975. — С. 111.

риш фаолиятида қуллар ва озод жамоа аъзоларининг меҳнати қандай ўрин тутган, деган савол ҳам ўз ечимини топмаган.

“Авесто” маълумотларига кўра, Ўрта Осиё қадимги жамиятидаги қулчилик шаклларида бири “уй қулчилиги” бўлиб, қуллар тоифаси манбада “вайса” деб аталади. “Вайса” атамасининг мазмун-моҳияти турли адабиётларда кўриб чиқилган бўлиб²⁶, мил. авв. VIII-VI асрларда Ўрта Осиёнинг ўтроқ зироатчилик вилоятларида “уй қулчилиги” кенг тарқалган деб фараз қилинган²⁷.

Жамиятнинг эркин аҳолисидан келиб чиққан хонавайрон ва қашшоқ жамоа аъзолари турли тарихий даврларда маълум бўлган. Аммо қадимги Ўрта Осиёда уларнинг сони, иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва ахамияти (мисол учун, хунармандчилик, бинокорлик ва қишлоқ хўжалик ишларида), бу жараёнлар тўғрисида илк ёзма манбаларда аниқ маълумотлар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам ушбу саволга аниқ жавоб топиш жуда мураккаб бўлиб, мазкур масала тарихшуносликда деярли ўрганилмаган.

А.С. Сагдуллаев ёзма манбалар ва археология маълумотларини солиштириб, Бақтриядаги илк темир даври уй қўрғонларида 4-5 кишидан иборат “уй қуллари”нинг мавжудлигини ва уларнинг катта оила жамоаси эркин аъзолари билан умумий уйда яшаганликларини фараз қилган. “Уй қуллари”нинг меҳнат фаолияти қишлоқ хўжалик ишлари вазифалари билан боғланган, аммо уларнинг сони жамоанинг эркин аъзоларига нисбатан анча кам бўлган²⁸.

Ўрта Осиё қадимги ижтимоий муносабатларини ўрганишда ёзма ва археологик манбаларнинг мавқеи муҳим бўлса ҳам, минтақада Қадимги Шарқ ва Юнонистондаги сингари қулларни хусусий мулкка айлантириш, қул-

²⁶ Дьяконов И.М. История Мидии ... — С. 180; История таджикского народа ... — С. 139.

²⁷ Массон В.М. К вопросу об общественном строе древней Средней Азии... — С. 94.

²⁸ Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии... — С. 82.

ларни мулк сифатида сотиш, сотиб олиш, қул меҳнатидан ишлаб чиқариш жараёнида кенг фойдаланилганлик тўғрисида маълумотлар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда ижтимоий муносабатлар қадимги дунё классик кулдорлик жамиятларидаги тарихий вазиятдан анча фарқ қилганлигига шўро даври тарихий адабиётларида етарли даражада эътибор берилмаган.

Шу давр тадқиқотларида қадимги шаҳарларнинг шаклланиши мавзуси долзарб аҳамиятга эга бўлган. Маълумки, шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши — бу бир-бири билан узвий боғлиқ жараён²⁹. Олимлар шаҳарларни юзага келтирган омилларга изоҳ бердилар. Илк шаҳарларнинг шаклланишида — деҳқончилик хўжалигининг ривожини, металлнинг кашф этилиши, хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши муҳим омиллар ҳисобланади³⁰. Йирик манзилгоҳлар ва илк шаҳарлар хунармандчилик, савдо-сотиқ марказлари ва бошқарув тизимлари жойлашган пунктлар, маъмурий-худудий марказлар сифатида талқин қилинган.

Шўро даври тарихшунослигида Ўрта Осиё худудида илк давлатлар вужудга келишининг тарихий санаси ва даврлаштириши масаласи кескин баҳсларга сабаб бўлган. Баъзи олимлар Ўрта Осиёда аҳамонийлар босқинига қадар йирик давлатлар ривожланмаган³¹, минтақада давлатчилик тизими аҳамонийлар даврида пайдо бўлган, деб таъкидлаганлар³². Лекин қадимшунос олимларнинг кўпчилиги бундай хулосани инкор этиб, Ўрта Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши аҳамонийлардан анча олдин, қадимий даврларга бориб тақалади деган фикрни билдиришган. Асосий баҳслар “Авесто”да тилга олинган “Арешайа-

²⁹ Массон В.М. Алтын-Депе... — С. 122.

³⁰ Аскарлов А.А., Ширянов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. — Самарканд, 1993. — 162 с.

³¹ Дандаматов М.А. Политическая история Ахеменидской державы... — С. 50.

³² Хлопик И.П. Юго-западная Туркмения в эпоху поздней бронзы. — Л.: Наука, 1983. — 242 с.; Зеймаль Е.В. К периодизации древней истории Средней Азии // Новые памятники письменности и искусства. М., 1986. — С. 154.

на” сиёсий бирлашмаси, “Катта Хоразм” ва Қадимги Бақтрия давлатлари масаласи билан боғланган эди.

Баъзи Ғарб тадқиқотчилари (Ф. Альтхайм, В.Б. Хеннинг, И. Гершевич) “Катта Хоразм” давлатини Копетдоғ ёнбағирларида ёки Марв ва Хирот атрофида жойлаштирганлар (ушбу ҳудудлар хорасмийларнинг илк ватани сифатида тахмин қилинган)³³. И.В. Пьянков Ўрта Осиёнинг жанубидаги “Катта Хоразм”нинг ҳудудий чегараларини анча кенгайтириб, ушбу давлат Эроннинг Машхад ва Нишопур воҳаларини ҳам ўз ичига олган, деб таъкидлаган³⁴. М.Г. Воробьева бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар жанубий Туркменистон ерларидан Қуйи Амударёга кўчиб келмаганлар, Хоразм давлатининг чегаралари анча кенг бўлиб, Ўрта Амударёдан бошлаб, Орол денгизигача ҳудудларни ўз ичига олган, деб ёзган³⁵. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаш мумкин, худди шу маҳаллий аҳоли амирободликлар Хоразм воҳасининг марказида хўжалик юритиб, кейинчалик “хорасмийлар” номини олган.

“Катта Хоразм” давлати вужудга келиши даври хусусида ҳам турли фикрлар мавжуд. Жумладан, М.А. Итина бу давлатнинг мил. авв. VI аср бошларида вужудга келганлигини таъкидласа; О.А. Вишневская ва Ю.А. Рапопортлар мил. авв. VII — VI асрлар чегарасида вужудга келган деб фикр юритганлар³⁶.

Дастлаб, Бақтрия давлати ҳақидаги масала ҳам баҳсли эди. XX асрнинг 70-80-йилларида археологлар Қадимги Бақтрия ҳудудларида илк темир даврига оид кўп сонли

³³ Altheim F. Awestische Textgeschichte. — Halle (Saale), 1949; Henning W.B. Zoroaster: politician or witch — doctor? — Oxford, 1951; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. — Cambridge, 1959.

³⁴ Пьянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского // Вестник древней истории. — 1972. — № 2. — С. 17.

³⁵ Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” и археология ... — С. 38-42.

³⁶ Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Труды ХАЭЭ. — М., 1997. Т. X. — С. 237; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. — М., 1998. — С. 30.

уй-кўрғонлар, қалъалар ва шаҳарлар қолдиқларини топиб текширдилар. Натигада, Қадимги Бақтрия давлати тарихи янги маълумотлар асосида ўрганилди³⁷.

Шўро даврида чорвадор-кўчманчи қабилаларнинг тарихини ўрганишга ҳам кенг эътибор қаратилган³⁸. Бронза давридан бошлаб чорвадор қабилалар минтақанинг тоғ олди ҳудудларида ва даштларида кенг тарқалган. Уларда ўзига хос иқтисодий ва ижтимоий тузум ривожланган. Олимлар кўчманчилардаги бошқарув ва сиёсий тизим жараёнларини ўрганишда даставвал ёзма манбаларга эътибор берганлар. Кўчманчиларнинг сиёсий бирлашмаларга уюшганликлари тўғрисида юнон тарихчиси Ктесийнинг сақлар маликаси Зарина Ўрта Осиёнинг жанубида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун Мидия қўшинлари билан жанг қилганлиги тўғрисидаги хабарлари далолат беради³⁹. Аҳамонийлар подшоси Ғир II га массагетлар маликаси Тўмарис қарши чиққан. "Авесто"да Ўрта Осиёнинг кўчманчи қабилалари "тур" ва "дану" деб аталади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, улар кўчманчилар орасида ҳарбий-сиёсий қабила уюшмалари вужудга келган даврларда яшаганлар. Дастлабки кўчманчиларнинг ижтимоий ва сиёсий тарихини ўрганишда Қуйи Сирдарёдаги мил. авв. IX-VIII асрларга оид Тагискен мақбараларида топиб текширилган маълумотлар муҳим аҳамият касб этди. Тагискен қабрларида кўчманчиларнинг сардорлари ва оқсоқоллари дафн этилган⁴⁰.

³⁷ Сағдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа... - С. 32.

³⁸ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА - № 26. - М. 1952. - 342 с.; Мандельштам А.М. Памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане // МИА - №145. - М., 1968. - 184 с.; Аскарлов А. Памятники андроновской культуры в низовьях Зеравшана // ИМКУ. - Т.: Фаи, 1962. Вып. 3. - С. 28-41; Аскарлов А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. - Т.: Фаи, 1973. - 24 б.

³⁹ Пьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. - Душанбе: Дониш, 1975. - С. 70.

⁴⁰ Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // Советская археология. - 1966. - № 2. - С. 151-175;

“Авесто” кўчманчи “тур”, “хъяона” қабилаларини доимий равишда сиёсий жихатдан Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолисига қарши бўлган ҳарбий куч сифатида ёритади. Кўчманчиларнинг йўлбошчилари — Аржатасп, Ашгарвант, Вандарманиш ва Даршин Бақтрия подшоши Кави Виштаспнинг асосий душманлари сифатида тасвирланган. Чоп этилган маълумотларга кўра, кўчманчи чорвадорлар ва ўтроқ дехқончилик қабилаларнинг муносабатлари турлича бўлиб, сиёсий қарама-қаршиликлар, ҳарбий юришлар ва жанглар ҳам тез-тез юз берган⁴¹.

Шўро даври адабиётларида қадимги кўчманчиларнинг тарихи С.П. Толстов, А.Н. Бернштам, М.П. Грязнов, Б.А. Литвинский, А.М. Мандельштам, М.А. Итина ва бошқалар нашрларида кенг ёритилган⁴². Ўша даврдаги асарларда чорвадор қабилаларнинг Ўрта Осиёда ҳудудий жойлашиши ва ижтимоий тузуми тўғрисида турли маълумотлар мавжуд⁴³.

XX асрда, мустақиллик йилларига қадар, илк давлатчилик масаласи асосан Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ва Хоразм ҳудудлари тарихи билан боғлаб ўрганилган. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Қашқадарё, Зарафшон ва Фарғона воҳаларидаги кенг археологик тадқиқотлар натижасида, қадимги тарихга тегишли янги

Грязнов М.П. Восточное Приаралье // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. — М. — Л.: Наука, 1966. — С. 234.

⁴¹ Итина М.А. Взаимодействие земледельческих цивилизаций Средней Азии с их “варварской” периферией в эпоху бронзы // Древние цивилизации Востока. — Т.: Фан, 1986. — С. 129.

⁴² Бернштам А.Н. Саки Памира // Вестник древней истории. — 1956. — № 1. — С. 121-134; Грязнов М.П. Восточное Приаралье ... — С. 233-239; Литвинский Б.А. Оружие населения Памира и Ферганы в сакское время // Материальная культура Таджикистана. — Душанбе: Дошиш, 1968. Вып.1. — С. 69-115; Мандельштам А.М. Кочевники на пути в Индию // МИА — № 136. — М., 1966. — С. 250; Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // Советская археология. — 1966. — № 2. — С. 151-175.


⁴³ Кузьмина Е.Е. О южных пределах распространения степных культур эпохи бронзы в Средней Азии // Памятники каменного и бронзового века Евразии. — М.: Наука, 1964. — С. 121-140.

маълумотлар қўлга киритилган. Улардан давлатчилик мавзусини ёритишда фойдаланиш учун имкониятлар пайдо бўлди.

XX асрнинг 70-йилларида В.М. Массон ижтимоий мавзуларни ўрганишда археология манбаларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий жиҳатлари масаласини кўриб чиққан. У шарқшунос И.М. Дьяконовнинг тадқиқотларига асосланиб⁴⁴, давлатчиликнинг келиб чиқиши жараёнини қуйидаги жадвалда тасвирлаган:⁴⁵

II.1.1-жадвал

Давлатчиликнинг келиб чиқиши жараёни



Ушбу жадвалда қўшимча маҳсулот ва бойликларни орттириш, тўқ жамоа вакиллариининг обрў-эътибори ва ижтимоий ўрнининг баланд бўлиши, бой-бадавлат ки-

⁴⁴ Дьяконов И.М. Проблемы экономики. О структуре общества Ближнего Востока ... - С. 3.

⁴⁵ Массон В.М. Экономика и социальный строй ... - С. 185, рис. 22.

шиларнинг ажралиб чиқиши, жамиятда қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлиши натижасида давлатчиликнинг вужудга келиши масаласи ёритилган.

Ибтидоий жамиятнинг емирилиши ва илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганишда шўро даври этнографлари ва қадимшуносларининг тадқиқотларига Ф. Энгельснинг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асари назарий пойдевор бўлган. Ф. Энгельс ўз навбатида XIX асрда ибтидоий жамият тарихини тадқиқ қилган америкалик этнограф Льюис Генри Морган тадқиқотлари натижаларига, айниқса, унинг 1877 йилда чоп этилган “Қадимги жамият” деб номланган асарига асосланган эди. Замонавий тарихшуносликда мавжуд хулосага кўра: “Ф. Энгельснинг асосий хатоси шундаки, юнонлар ва римликларда давлатчилик пайдо бўлишининг ноёб жараёнига — уруғчилик тузумининг парчаланиши ва қулдорликнинг пайдо бўлишига — универсал аҳамият берган эди ва қулдорлик давлат ялпи тусга эга бўлган давлатнинг биринчи шакли деб эътироф этган эди”⁴⁶.

Шўро тарихшунослигида Ф. Энгельснинг хулосалари “ибтидоий жамият тўғрисидаги янги таълимот” сифатида баҳоланган. “Энгельс ибтидоий жамият формациясининг илк ва сўнгги босқичларини аниқлаб, унинг хусусиятлари ва ривожланиши қонуниятларини очиб берган”, деб таъкидланган⁴⁷.

Марксча ёндашув ва назария доирасидан чиқиб, эркин фикрлаш, хулосалар чиқариш ва давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллигига асосланиб, тадқиқотлар олиб бориш шўро даврида мушкул бўлган. Шунинг учун ҳам давлат халқдан ажралган ҳолда синфий эзувчи орган сифатида изоҳланган. Эксплуатациянинг илк шакллари ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги уч асосий илк эксплуатация шаклларига эътибор қаратилган: 1) қулчилик; 2) жамоадаги ички эксплуатация; 3) ўлпон йиғиб олиш ва ижтимоий-иқтисодий қарамлик⁴⁸.

⁴⁶ Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... Б. 28.

⁴⁷ Першиц А.И. и др. История первобытного общества ... - С. 18-19.


⁴⁸ Хазанов А.М. Разложение первобытно-общинного строя ... - С. 113.

XX аср археологик адабиётларида “йўлбошчилар, сардорлар жамияти” деган тушунча қўлланилган. Археологик белгиларига кўра, “йўлбошчилар жамияти” тўғрисида махсус дафн маросими, буюмларга бой қабрлар, сардорларнинг шахсий рамзлари — тамга-муҳрлар ва яроғ-аслаҳалари далолат беради.

Шўро даврида устунлик қилган назарияга кўра, Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши сабаблари ва омиллари қуйидагича тасвирланган:

III.2-жадвал

Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши сабаблари ва омиллари



Ушбу жадвал шўро даври тарихшунослигида устувор бўлган синфий назария мазмунини тўла намоён қилади.

Хулоса қилиб, қуйидаги якуний фикрларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

— шўро даври тарихшунослигида қадимги бошқарув ва давлатчилик тарихи ёритилишида синфий назария устуңлик қилиб, илк давлатчиликнинг синфий моҳияти асосий кўрсаткич сифатида белгиланган;

— Ўрта Осиёнинг қадимги тарихига тегишли “илк синфий жамият”, “қулдорлик тузум”, “қулдорлик давлатлар” каби тушунчалар кенг ишлатилган, шу билан бирга, Қадимги Шарқ ва Юнонистон ижтимоий тизими-га нисбатан минтақадаги қадимги ижтимоий муносабатларга хос хусусиятларнинг мавжудлиги таъкидланган;

— ёзма ва археология маълумотларини қиёслаш натижасида кўплаб илмий ишлар ёритилган. Аммо асосий мунозаралар Ўрта Осиёдаги дастлабки сиёсий уюшмалар ва давлатларнинг пайдо бўлиши тарихий санасини аниқлаш, уларнинг ҳудудий чегараларини белгилаб бериш каби муаммолар билан боғланган;

— ибтидоий-ижтимоий бошқарувдан сиёсий ҳокимиятга ўтиш босқичлари, омиллари, хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларининг Ўрта Осиё мисолида ўрганилиши етарли даражада таҳлил қилинмаган ва махсус умумлашма мавзуга айланмаган;

— шўро даври тарихчи олимлари тарихий жараёнларни ўрганиш пайтида шу давр ҳукмрон мафкураси талабларини амалга оширишга мажбур бўлган, аммо, шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир қатор қадимшунослар ҳаракатлари ва тадқиқотлари туфайли, Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида (Хоразм, Жанубий Туркمانистон, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Жанубий Тожикистон) илк давлатчилик даврига оид (бронза ва илк темир даври) кўндан-кўн археологик ёдгорликлар топиб текширилган бўлиб, улар асосида вужудга келган илмий маълумотлар фанга жо-

рий этилган. Шунингдек, илк давлатчилик тарихига оид фарб ва шўро тадқиқотчиларининг ёндашувлари ва хулосалари таҳлил қилинган.

2.2. Мустақиллик даврида мавзунинг ёритилиши

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё мамлакатларида илк давлатчилик тарихи муаммоларини ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб вазифага айланди. Минтақанинг бир қатор республикаларида ўтмиш воқеаларнинг янгича концептуал баёни Марказий Осиёнинг қадимги тарихини кенг кўламда қайта кўриб чиқиш, ҳолис ва ҳаққоний ёритишга айланиб кетди. Тарихчиларда минтақа халқларининг ҳаққоний тарихини яратиш учун чинакам тадқиқотлар олиб бориш ҳамда янги аниқ тарихий умумлашма тадқиқотларга мўлжал олиш имкониятлари пайдо бўлди.

Аммо XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб баъзи тарихчилар ва тарихий мавзуларга мурожаат эта бошлаган бошқа гуманитар соҳа вакиллари илгариги услубиятдан воз кечишни ҳеч қандай илмий ёндашувни тан олмасликдир, деб тушундилар, мураккаб тарихий масалалар тадқиқотчи қандай хоҳласа, шундай ёзилади, деган ақидага амал қилдилар⁴⁹. Марказий Осиё доирасида тарихчи олимлар ўртасидаги алоқалар аҳён-аҳёнда кўзга ташланадиган бўлиб қолди ҳамда қадимги тарихга мурожаат қилиш кенг қулоч ёйди ва бу кўпинча соф илмий муаммоларни ўрганиш доирасидан четга чиқа бошлади⁵⁰.

⁴⁹ Ушбу мавзуга тегишли, қаранг: Сағдуллаев А. Ўзбекистон тарихининг айрим муаммолари // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Т.: Академия, 2001. – Б. 130.

⁵⁰ Муаммо турли мақолаларда ўз таҳлилинги топган, қаранг: Алимова Д., Буряков Ю., Филанович М. Объективность в истории – ответственность за будущее // Учитель Узбекистана. 2003, 16 мая; Ртвеладзе Э. Историческая наука и псевдоистория Средней Азии // Учитель Узбекистана. 2003, 25 июля; Сағдуллаев А. Обращаясь к урокам прошлого // Учитель Узбекистана. 2003, 13 июня; Ўша муаллиф. Тарихий-маданий мерос чегара билмайди // Маърифат. 2003, 25-июнь; Ртвеладзе Э. Позитивные и негативные аспекты новейших иссле-

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қадимги бошқарув ва илк давлатчилик масаласини ўрганишда янги-ча концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги тўғрисида, бу борада шўро даври назариялари турли нашрларда ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги табиий эди. Шунинг учун ҳам илк давлатчиликка мансуб хусусиятлар анъанавий изоҳ топди (жамият икки қарама-қарши синф — эзувчи қулдорлар ва эзилувчи қуллар синфига бўлинган, қул бир ёки бир неча хўжайиннинг шахсий мулки ҳисобланган, қул ишлаб чиқариш воситасига эга бўлмаган), шунингдек, Бақтрия, Сўғд, Хоразм “йирик қулдорлик давлатлар” сифатида ёритилди⁵¹.

XX аср 90-йилларининг бошларида чоп этилган айрим рисолаларда қуйидаги хулосалар мавжуд: “Эрамиздан олдинги II-I минг йилликларда, бронза даврига қадам қўйган Хоразмда янги шаҳарлар изчил пайдо бўла бошлади. Эрамиздан олдинги VIII асрга келиб, Хоразм давлати ўзининг сиёсий ва иқтисодий ривожланишида юқори даражага кўтарилди. Кўпгина қўшни минтақалар қабилалари, чунончи, фарфирлар, сўғдиёнлар, арслар (Хирот), эронлар унинг ҳимоясида паноҳ топа бошладилар. Шундай қилиб, катта-кичик қабила ва элатларнинг эркин қўшиливи натижасида Хоразм ҳудудлари тез кенгая борди”⁵². Аммо на археология маълумотлари, на ёзма манбалар ушбу хулосаларни тасдиқламайди.

Албатта, бирорта муаллифга изланишлар олиб бориш, ўз фикрини билдириш, фаразларни ўртага таш-

дований истории Центральной Азии // Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы: Материалы международной региональной конф. — Т.: Akademiya, 2004. — С. 127-132; Сагдуллаев А. Некоторые особенности современной интерпретации древней истории Центральной Азии // Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы: Материалы международной региональной конф. — Т.: Akademiya, 2004. — С. 39-47.

⁵¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти. — Т.: Ўқитувчи, 1992. — Б. 20-21.

⁵² Жуманиёзов Р. Қадимий Хоразм тарихи. — Урганч: 1993. — Б. 9, 17.

лаш ва турли муаммоларни таҳлил қилиш ман этилмайди, аммо Хоразм мисолида мил. авв. II минг йилликдан бошлаб ушбу ҳудудда шаҳарларнинг ва давлатларнинг ривожланиши археологик жиҳатдан ўз исботини топмаган. Юқорида келтирилган хулосалар илмий жиҳатдан баҳсли масаладир.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун яратилган қўлланмаларда Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш сабаблари қуйидагича ёритилган: “Жамоа ихтиёрида ортиқча мулкнинг ҳосил бўлиши ва жамоалараро маҳсулот айирбошлашнинг вужудга келиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Уруғ жамоалари ўртасида ўзаро жанжал, тўқнашув ва ҳатто урушлар даражасига бориб етарди. Бу тўқнашувлар оқибатида енгилган оила ва уруғ жамоанинг бойликлари голиблар қўлига ўтарди”. Ушбу хулоса муаллифларининг фикрларига кўра, енгилган кишиларни асир ва кулга айлантирар эдилар, аста-секинлик билан хусусий мулк ривожланиб, шу тариқа “жамиятда мулкдорлар, хўжайинлар-қулдорлар, тобелар, мазлумлар-қуллар ва зўрликка таянувчи қуролланган куч, яъни ибтидоий давлат кўриниши элементлари вужудга келади”⁵³. Демак, муаллифларнинг таъкидлашича, давлат қарама-қарши синфларнинг қурашига асосланган, эзувчи синфларнинг манфаатларини ҳимоялаш мақсадида, зўравонлик сиёсий аппарат сифатида пайдо бўлган.

Қадимшунос олим А.А. Асқаровнинг таъкидлашича, қадимги Ўрта Осиёда қулчилик муносабатлари классик шаклда ривож топмаган, минтақада ушбу муносабатлар “патриархал қулчилик характерга” эга бўлган⁵⁴. А.А. Асқаров ва Т.Ш. Ширинов илк шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги алоқаларни қайд этиб, илк шаҳар-

⁵³ Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи (биринчи китоб). – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 30-31.

⁵⁴ Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 197; Ўша муаллиф. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // Ўзбекистонда ижтимоий фаоллар. – 1994. – № 6. – Б. 35.

ларнинг археологик белгиларини кўрсатиб бердилар⁵⁵. А.А. Асқаров томонидан қадимги тарихнинг асосий хусусиятлари ва давлатчиликнинг вужудга келиши масаласи таҳлил қилинган⁵⁶.

Ушбу масалага муружаат этган С.С. Қудратов муаммога янгича ёндашишга ҳаракат қилиб: “Совет даври тарих фанида давлат синфий жамятнинг маҳсули деб таъкидланарди ҳамда бу жараённинг ибтидоий даврда бошланиши мумкинлиги инкор этиларди” деган хулоса чиқарди⁵⁷. Аммо қадимшунос олимнинг рисоласида ўз аксини топган кейинги фикр-мулоҳазалари шўро даврида қўлланган синфий назарияни тўлиқ такрорлаган. Бундай ёндашув табиий бир ҳол бўлган, чунки XX асрнинг 90-йилларида илк давлатчилик тарихини яратишнинг аниқ илмий-услубий йўналишлари ҳали ишлаб чиқилмаган эди.

Биз таҳлил қилаётган С.С. Қудратовнинг рисоласидаги “Марказий Осиё илк давлатлари пайдо бўлишининг шарт-шароитлари ва омиллари” деб номланган бобида қуйидагича хулосалар мавжуд:

— қўшимча маҳсулот бир киши томонидан ишлаб чиқилиб, бошқа киши томонидан ўзлаштирилади, яъни эксплуатация муносабатлари юзага келади;

— қўшимча маҳсулотнинг юзага келиши билан хусусий мулк шакллана бошлайди;

— ўзлаштирилган хусусий мулк пайдо бўлиши билан эксплуатация муносабатларига йўл очилади;

— қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пойдевори бўлиши билан жамятда ижтимоий ва мулккий тенгсизлик юзага кела бошлайди;

⁵⁵ Асқаров А.А., Ширинов Г.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... – С. 98-113.

⁵⁶ Асқаров А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг... – Б. 31-35; Ўша муаллиф. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки в Узбекистане. – 1997. – № 3-4. – С. 65-76.

⁵⁷ Қудратов С.С. Марказий Осиё худудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон: 1998. – Б. 5.

— ижтимоий-мулкий тенгсизликнинг чуқурлашуви ижтимоий синфларнинг пайдо бўлишига олиб келади⁵⁸.

Натижада, С.С. Қудратов қуйидаги якуний хулосани чиқарган: “Ижтимоий синфларнинг пайдо бўлиши ибтидоий даврни синфий даврдан ажратувчи чегара ҳисобланади. Ижтимоий ва мулкий тенгсизлик жамиятда қарама-қаршилик ва низоларни келтириб чиқаради. Жамиятнинг юқори тоифа кишилари ўз имтиёзлари ва бойликларини жамиятнинг оддий аъзолари таҳдидидан химоялашга зарурат сезади. Ижтимоий ишлаб чиқаришга ва уни тақсимлашга бўлган ҳуқуқ уруғ ва қабила бошлиқларига ўз атрофларига шахсий қўриқчилар, маслаҳатчилар ва шу қабиларни тўплаш имконини беради, яъни давлатнинг ибтидоий кўринишлари шакллана бошлайди”⁵⁹.

Ушбу хулосалар С.С. Қудратовнинг бошқа мақоаларида ҳам ўз аксини топган⁶⁰. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, қадимшунос олим қисқа бўлса ҳам қатор муҳим муаммоларни таҳлил қилишга ҳаракат қилди. Шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши, подшоликларнинг вужудга келиши, илк давлатларнинг шакли ва бошқарув тизими каби саволлар, шулар жумласидандир⁶¹.

Тадқиқотчи Ш. Шайдуллаев илк давлатларнинг археологик белгиларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилиб, шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини қуйидаги даврларга бўлган:

— шаҳар — давлатлар (“ном” типидagi давлатлар маркази);

— шаҳар — ҳудудий давлат маркази;

— шаҳар — марказлашган давлатлар, империялар даврида⁶².

⁵⁸ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... — Б. 6-8.

⁵⁹ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... — Б. 8.

⁶⁰ Қудратов С.С. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // *Ўзбекистон тарихи*. — 1999. — № 2. — Б. 9-14.

⁶¹ Қудратов С.С. Марказий Осиё ... — Б. 19-43.

⁶² Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари // *Ўзбекистон тарихи*. — 2002. — № 3. — Б. 5.

Ушбу хулосаларга И.М. Дьяконов ва В.А. Якобсоннинг назариялари маълум даражада таъсир қилган⁶³. Машҳур шарқшунос олимларнинг ғояларидан илк давлатлар типологиясини таҳлил қилиш жараёнида С.С. Қудратов ҳам фойдаланган⁶⁴.

Шу ўринда Ш. Шайдуллаевнинг қуйидаги фикрига эътибор қаратиш лозим: “Археология фанида илк синфий муносабатлар, илк шаҳарларнинг археологик белгилари ёки цивилизациялар масаласи кенг ёритилган бўлса-да, илк давлатлар ва уларнинг археологик белгилари биринчи мартаба муҳокамага қўйилмоқда”⁶⁵. Аммо аввалги йилларда, яъни В.М. Массоннинг 1976 йилда чоп этилган “Қадимги жамиятларнинг иқтисодиёти ва ижтимоий тузуми” монографиясининг 185-бетида келтирилган 23-жадвал “Илк синфий жамият шаклланишининг археологик схемаси” деб номланган эди. Унда Ш. Шайдуллаевнинг илк давлатларнинг археологик белгилари жадвали сингари ўхшашликлар мавжуд. Мисол учун, ёдгорликлар (манзилгоҳлар) сонининг ошиши, ҳашаматли (бой) ва оддий уйлар, манзилгоҳларнинг иерархияси, сунъий суғориш (каналларнинг қолдиқлари) ва экинлар турларининг қолдиқлари, ҳарбий истеҳкомлар, бой ва оддий қабрлар, ёзув ва ҳ.к.⁶⁶

В.М. Массоннинг жадвалидан Ш. Шайдуллаев хабардор бўлмаган бўлиши мумкин ва бу борада биз олимни танқид қилиш мақсадида эмасмиз. Лекин мустақиллик йилларида Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда нашр этилган айрим мақола ва рисоаларда ҳам олдинги даврларда амалга оширилган илмий тадқиқотларга иқтибослар бериш зарурати айрим ҳолатларда унутилмоқда. Тарихшуносликка, таққослаш ва қиёслашларга

⁶³ Дьяконов И.М., Якобсон В.А. “Номовые государства”, “территориальные царства”, “полисы” и “империи”. Проблемы типологии // Вестник древней истории. – 1982. – № 2. – С. 3-16.

⁶⁴ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... – В. 32-33.

⁶⁵ Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари ... – В. 5.

⁶⁶ Қаранг: Массон В.М. Экономика и социальный строй ... рис. 23 ва Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари ... – В. 6-8.

асосланиш ёндашуви четлаб ўтилмоқда. Бундай ёндашув турли муаммоларни таҳлил қилишга ва ёритишга хизмат қилмайди.

Қадимшунос олим А. Анорбоев Ш. Шайдуллаевнинг мақоласини танқидий таҳлил қилиб, бир қатор таклифлар ва мулоҳазалар ичида Қадимги Бақтрия ва Хоразм давлатларининг географик жойлашуви, пойтахт шаҳарлари тўғрисида Ш. Шайдуллаев “бирон-бир сўз айтмаган”, — деб мазкур мақоланинг муаллифи “бу давлатларнинг хронологик даври, географик жойлашуви ҳақидаги кейинги маълумотлардан тўлиқ хабардор эмас” — деган хулоса чиқарган⁶⁷. Бу борада Ўрта Осиёда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши, жумладан, Қадимги Бақтрия ва Хоразм давлатлари тўғрисида, тарихий адабиётларда турли янги маълумотлар ўз аксини топган⁶⁸. Улардан фойдаланиш ва танқидий кўриб чиқиш янги фикр-мулоҳазаларга асос бўлиши мумкин.

А. Анорбоев қадимги Фарғонада илк давлатчилик масаласига бағишланган Б.Х. Матбобоевнинг мақоласига⁶⁹ ҳам ўз муносабатини билдириб, қадимги Фарғонада давлатчиликнинг пайдо бўлишини суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, кўшимча маҳсулотнинг ортиши, ўзаро келишмовчиликлар ва урушлар натижасида асирларни кўлга олиниши, уларни мажбурий ишларга тортилиши, синфий табақаланишнинг кучайиши каби омиллар билан боғлади⁷⁰. Ушбу ғоялар турли кўринишда шўро даври тарихшунослигида ҳам устунлик қилган.

⁶⁷ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // *Ўзбекистон тарихи*. - 2004. - № 4. - Б. 6.

⁶⁸ Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги “Катта Хоразм” (эраизгача бўлган VII-VI асрлар) // *Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари*. - Т.: Шарқ, 2001. - Б. 8-14; Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии (опыт исторической реконструкции) // *Древние цивилизации Евразии. История и культура*. - М.: Наука, 2001. - С. 334-347.

⁶⁹ Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // *Ўзбекистон тарихи*. - Т.: 2002. - № 1. - Б. 3-11.

⁷⁰ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ... - Б. 10.

1998 йилга қадар Ўзбекистонда давлатчилик тарихи бўйича олимлар томонидан кенг таҳлил қилинган яқиний ягона концепция ишлаб чиқилмаган эди. Кейинчалик концепция лойихаси ишлаб чиқилиб чоп этилди⁷¹. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчилар билан 1998 йилдаги мулоқоти чоғида ҳамда тарих ва давлатчилик муаммоларига бағишланган асариди⁷² билдирилган фикрлари мазкур масаланинг янгича қарашлар ва ёндашувлар асосида ёритиш имконини яратди.

Сўнги йилларда чоп этилган бир қатор адабиётларда қадимги тарих “цивилизациявий ёндашув” тушунчасида талқин қилиниб, дастлаб илк давлат ва қадимги ҳуқуқ ўзаро бир-бирига боғлиқ жараёнлар сифатида ўрганила бошланди⁷³. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида бошланган тадқиқотларнинг натижалари XXI аср бошларида чоп этилган наشرларда ўз аксини топди.

Қадимшунос олим Э.В. Ртвеладзенинг бир қатор мақола ва асарларида Ўрта Осиёда қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, давлатларнинг турлари, ҳукмдорларнинг унвонлари ва харбий маъмурий мансаблари тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топган⁷⁴. Бу қарашни комплекс ёндашув деб баҳолаш мумкин, чунки у давлатчилик ва бошқарув тизимини ўрганишнинг кўп жиҳатларини қамраб олган.

Қадимшуносларнинг фикрларига кўра, Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши мил. ав. II мингинчи йилликка оид бўлиб, дастлабки давлатлар “ном” турида (яъни мудофаа деворлари билан ўралган

⁷¹ Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи концепцияси. Лойиха // O'zbekiston tarixi. - 1999. № 1. - Б. 31-34.

⁷² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998. - Б. 3-31.

⁷³ Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси... - Б. 17.

⁷⁴ Ртвеладзе Э.В. Титулы правителей государств и владений Средней Азии в начале I тыс. до н.э. - III - IV вв. н.э. // Общественные науки в Узбекистане. - 2006. - № 5-6. - С. 46-57; Ўша муаллиф. Цивилизация, государства, культуры Центральной Азии. - Т.: Би., 2005. - С. 50-51.

шаҳар ва унинг қишлоқ ҳўжалик атрофи) “шаҳар-давлатлар” ёки “воҳа-давлатлар”дан иборат бўлган⁷⁵.

Т.Ш. Шириновнинг таъкидлашича, Ўзбек давлатчилиги тарихи мил. авв. II минг йилликда бошланиб, узлуксиз тадрижий таракқиёт ҳозирги кунга қадар етиб келган⁷⁶. Азамат Зиё асарида ҳам шундай ёндашув мавжуд⁷⁷. Бошқа муаллифлар қадимги давлатчилик даврини “ўзбек халқи аجدодларининг илк давлатчилиги тарихи” сифатида ёритадилар⁷⁸. Э.В. Ртвеладзе минтақада илк цивилизацияларнинг ривожда маҳаллий аҳоли ва халқлар миграцияси (кўчиб келиши) натижасида маданий ва этник синтези (қўшилиши) хусусиятларига эътиборни қаратган⁷⁹. А.С. Сагдуллаев қадимги даврлардан бошлаб, этник миграциялар ва ташқи босқинлар туфайли минтақада турли янги давлатларнинг пайдо бўлишини қайд қилиб, бундай вазиятда маҳаллий давлатчилик ривожланишининг йўналишларида узилишлар бўлиб турганлигини таъкидлади⁸⁰.

XX аср 90-йилларининг бошларида А.С. Сагдуллаев Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлатларнинг шакллари ва хронологияси муаммосини кўриб чиқишга ҳаракат қилган⁸¹. Қадимшунос олимнинг нашрларида маъмурий бошқарув масаласи муҳим ўрин тошган⁸².

⁷⁵ Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С. 121; Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги “Катта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 13; Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари ... – Б. 5.

⁷⁶ Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги... – Б. 12-13.

⁷⁷ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). – Т.: Шарқ, 2000. – 368 б.

⁷⁸ Сагдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ... – Б. 16.

⁷⁹ Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства ... – С. 25-26.

⁸⁰ Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. – Т.: Узбекистан, 2006. – С. 43, 48.

⁸¹ Сагдуллаев А.С. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. – Т., – 1992. – С. 132-133.

А.С. Сагдуллаев қадимги жамиятда бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши масаласини таҳлил қилиб, қадимги бошқарув тизимидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функцияларнинг мазмун-моҳиятини очиб берган⁸³. Натижада қуйидаги хулоса чиқарилган: “Қадимги Шарқнинг илк давлатлари тарихи дастлаб жамиятнинг қуллар ва қулдорларга бўлинишидан бошланмаган. Ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири мулкӣ табақаланиш бўлмасдан, синфий қарама-қаршиликка алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлинишидир. Бу ҳол, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган”⁸⁴.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, давлатчиликнинг асослари сиёсий институтлар шакллангандан сўнг, кейинги босқичлар чуқур ижтимоий табақаланиш жараёнларининг бошланиши билан характерланади. Қадимги Миср, Иккидарё оралиғи, Оссурия тарихи мисолида “доимий ҳарбий тўқнашувлар ва урушлар туфайли саноқсиз асирлар ва хонавайрон бўлган жамоа аъзолари қулликка маҳкум бўлганлар. Уларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариш мақсадларида кенг фойдаланилган”⁸⁵.

Илк давлатчиликнинг шаклланишига бундай ёндашув “синфий” назарияга зид бўлиб, илгариги илмий адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда илк давлатларнинг шаклланишида мулкӣ тенгсизлик,

⁸³ Сагдуллаев А.С. Тарих, тараққиёт ва давлатчилик // Жамият ва бошқарув. – 2000. – № 1. – Б. 19-20; Ўша муаллиф. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари // Жамият ва бошқарув. – 2004. – № 1. – Б. 9-10; Ўша муаллиф. Ташкилий ва бошқарув соҳаларига янгиликларни жорий этиш тарихидан // Жамият ва бошқарув. – 2004. – № 4. – Б. 15-17.

⁸⁴ Сагдуллаев А., Қадимги Ўрта Осиё тарихи ... – Б. 61; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Т.: Akademiya, 2006. – Б. 27-29.

⁸⁴ Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи... – Б. 28-29.

⁸⁵ Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи... – Б. 29.

ижтимоий тенгсизлик, эксплуатация шакллари, жамиятнинг бир-бирига душман синфларга бўлиниши каби омиллар асосий сабаб бўлган деган ғоядан воз кечишга хизмат қилади. Ҳақиқатдан ҳам, турли тарихий маълумотлар илк давлатчиликка ўтишда “синфий” назариядан фарқли равишда бошқача тарихий вазиятни кўрсатмоқда. Демак, илк давлат уюшмаларининг ишлаб чиқариш жараёнида дастлаб озод жамоа вакиллари-нинг меҳнати муҳим ўрин тутганлиги тўғрисидаги назарияни тан олишга тўғри келади.

Адабиётларда мавжуд яна бир хулоса шундан иборатки, Қадимги Шарқда фақат давлатчилик ҳокимияти ва сиёсий институтлар шакллангандан сўнг, турли иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра, “қўшимча маҳсулот ва бойликлар орттирилади”, “айрим тўқ оилаларнинг обрў-эътибори, ижтимоий ўрни баланд бўлиб, бой-бадавлат кишиларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлади”⁸⁶. Шу билан бирга, жамиятда қашшоқ ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлади, босқинчилик урушлари натижасида асирлар ва қулларнинг миқдори ўсиб боради. Бу жараёнлар туфайли қулдорлик амал қилаётган давлатлар жадал ривожланади. Аммо турли минтақаларнинг илк давлатларига турлича хусусиятлар ва тарихий қонуниятлар хос бўлганлигини инобатга олиш лозим. Ўрта Осиёнинг қадимги жамиятида синфлар пайдо бўлиб, давлатларнинг вужудга келишига асос бўлган, деган назария (яъни давлат ўзаро низоларга асосланган синфий жамият маҳсули ғояси) аниқ исботини топиши керак. Турли маълумотларга кўра, ибтидоий жамиятнинг емирилиши пайтида хусусий мулкчилик, ижтимоий ва мулкий тенгсизлик оммавий равишда жадал ривожланмаган.

Ушбу масалани фақат археология маълумотларига таянган ҳолда ўрганиш ўта мушкул бўлиб, Ўрта Осиё тарихига тегишли илк ёзма манбалар, давлат тизимига ўтиш босқичида ва илк давлатлар даври иқтисодий ҳаёти-

⁸⁶ Сагдуллаев А., Аминов Б. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ... – Б. 7.

да эркин жамоатчиларнинг ёхуд қулларнинг меҳнати ишлаб чиқаришни ривожлантираётган асосий куч бўлган, деган саволга жавоб топиш мураккаб вазифадир.

И.В. Пьянков “Авесто”да қолтирилган “вир”, “вайса” ва “парийтар” атамаларини “қул” маъноси билан боғлайди. Олимнинг фикрига кўра, “вир”лар уруғ жамоалари қуллари, “вайса”лар — уй-оила қуллари бўлган⁸⁷. Адабиётларда мавжуд маълумотлар бўйича “уй қули” — “вайса”лар оила жамоаси эркин аъзолари билан “умумий том остида” (уй-жойда) яшаганлар ва жамоанинг “кичик” вакилларига айланганлар⁸⁸.

А. Сағдуллаевнинг таъкидлашича, уй қулларининг меҳнат фаолияти деҳқончилик, уй чорвачилиги, уй-рўзгор ишлари билан боғланган бўлиб, уй қуллари жамоанинг эркин аъзоларига нисбатан анча кам бўлган⁸⁹.

XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошлари илмий адабиётларида илгаригидек, Ўрта Осиёда аҳамонийларгача бўлган даврларда қуйидаги учта давлат уюшмалари ривожланганлиги тўғрисида сўз юритилди: Арёшайана (Арёнам Вайчах) — “Авесто”да вилоятларнинг сиёсий уюшмаси (“дахиюсасти”), Арёнам Вайжо — бу ҳам “дахиюсасти” ёки унинг маркази Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида бўлган “Қатта Хоразм” ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразм давлати, ниҳоят, Қадимги Бақтрия давлати⁹⁰.

Сўнги йилларда бу масалани И.В. Пьянков махсус таҳлил қилиб Арёшайана уюшмасини “кавийлар” (кайёнийлар) сулоласи билан боғлади⁹¹. Тадқиқотчи Арёшайананинг ҳудудий марказини Бақтрия ташкил қил-

⁸⁷ Пьянков И.В. Авеста ... — С. 218-219.

⁸⁸ Дьяконов И.М. История Мидии ... — С. 183.

⁸⁹ Сағдуллаев А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ... — Б. 29; Аввалги йиллар асарларида, қараи: Сағдуллаев А.С. Усадыбы древней Бактрии ... — С. 82-83.

⁹⁰ Ўзбекистон тарихи. — Т.: Университет, 1997. — Б. 45.

⁹¹ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Древнейшая и древняя история. — Душанбе, 1998. — Т. 1. — С. 334-347.

ган, деб хулоса чиқарган⁹². Бу хулоса баҳсли бўлиб, уни фараз сифатида қабул қилиш мумкин, холос.

Т. Шириновнинг таъкидлашича, Бақтрия ва “Қатта Хоразм”, “осиёча ишлаб чиқаришга” асосланган давлатлар бўлиб, уларнинг пойдеворига бронза даврининг “илк синфий жамияти” асос солган⁹³.

Мустақиллик йилларида ҳам илк давлатчиликка бағишланган кўндан-кўп мавзулар Ғарб тарихшунослигида ва шўро даври адабиётларида ёритилган муаммолар билан боғланди. XIX асрнинг охирларидан бошлаб тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш санасини аҳамонийларгача бўлган даврлар, яъни мил. авв. IX-VII асрлар билан белгилаганлар.

Лекин, шўро даври тадқиқотларига нисбатан мустақиллик йилларида илк давлатларнинг вужудга келиши санаси ва давлатларнинг турлари тўғрисидаги қарашлар янги асосларда ривожлантирилиб, анча ўзгарди. Иккинчидан, тадқиқотчилар давлатнинг пайдо бўлиши жараёнини, энг аввало, аҳолининг умумий манфаатларини амалга ошириш зарурияти билан боғлаб, давлатнинг вужудга келиши “мутлақо иқтисодий омиллар билан чекланиб қолмайди”, деб таъкидладилар⁹⁴.

Д.А. Алимова ва Э.В. Ртвеладзе Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганишнинг қуйидаги асосий қоидаларини қайд қилганлар:

1. Ўзбекистон давлатчилиги автохтон этно-маданий негизга таянувчи қадимги цивилизациянинг илгари қараб ривожланиши асосида мустақил равишда пайдо бўлганлиги.

2. Ўзбекистон давлатчилигининг анъанавийлиги ва унинг бир босқичдан иккинчи босқичга қадам-бақадам ривожланиши.

Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... – С. 247.

Ширинов Т. Қадимги Бақтрия подшолиги “Қатта Хоразм” (эрамизгача бўлган VII-VI асрлар) // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарк, 2001. – Б. 12.

Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... – Б. 30.

3. Ўзбекистон давлатчилиги тарихий шакллариини хилма-хиллиги.

4. Ўзбекистон давлатчилиги шакллариининг цивилизация тараққиёти билан ягона бир жараёндаги тадрижий такомили⁹⁵.

Умуман олганда, Ўрта Осиёда илк давлатчилик ва бошқарув масалаларини ўрганишга комплекс ёндашиш, яъни барча ҳудудлар тарихини узвий боғлиқликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан Сўғд ва Фарғона ҳудудларидаги қадимги давр ёдгорликларини чуқур ва қиёсий ўрганиш ҳозирги кунда жуда долзарб масалалардан биридир.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларида Р.Х. Сулаймонов, М.Х. Исомиддинов, О.Н. Лушпенко, А. Раимқулов, М.Х. Ҳасанов ҳамда Франция олимлари П. Бернар, Ф. Грене, К. Рапенлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қадимги Сўғд тарихига оид маълумотлар анча кенгайди. Мазкур қадимшуносларнинг нашрларида айрим муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ёритилди⁹⁶.

Мустақилликдан сўнг Хоразмда кечган давлатчилик жараёнларини ўрганишга катта эътибор берилди. Мазкур масала юзасидан шўро даврида ҳам тадқиқотлар олиб борган Ю.А. Рапопорт, М.Г. Вайнберглар маълумотлари диққатга сазовордир⁹⁷. Улар “Катта Хоразм”

⁹⁵ Алимова Д.А., Ртвеладзе Э.В. Кириш // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 5-6.

⁹⁶ Бернар П., Грене Ф., Исамиддинов М. Основные результаты раскопок узбекско-французской экспедиции на Афрасиабе в 1990–92 гг. // Общественные науки в Узбекистане. – 1994. – № 3-4. – С. 34-42; Исамиддинов М. О дате основания Самарканда // Общественные науки в Узбекистане. – 1997. – № 5. – С. 62-67; Исамиддинов М., Рапен К. Стратиграфия Коктепа // ИМКУ. Вып. 30. – Самарканд, 1999. – С. 63-79; Сулейманов Р.Х. Древний Пахшаб. – Т.: Фан, 2000. – 342 с.; Сулейманов Р., Ҳасанов М., Раимқулов А., Омельченко А. Эпоха Заратуштры и начало урбанизации древнего Нахшаба // O'zbekiston tarixi. – 2001. – № 3. – Б. 9-17.

⁹⁷ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998. – 31 с.; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: Вост. лит. РАН, 1999. – 287 с.

ва умуман, давлатчилик муаммосини янгича асосда талқин қилганлар. Тадқиқотчи Л.Т. Яблонский кўчманчи-лар конфедерацияси ва саклар билан боғлиқ миграцион ҳаракатлар ҳамда уларнинг Хоразмдаги давлатчилик жараёнларига таъсирини тадқиқ қилган⁹⁸. Бу муаммога тадқиқотчи В.Н. Ягодин ҳам ўз мақолаларида катта эътибор қаратиб, Хоразм давлатчилиги вужудга келишининг маркази Сарикамиш кўли бўйлари ҳамда жанубий Хоразм ҳудудларига тўғри келиб, уларнинг ҳам асосий маркази Кўзалиқир ва Хазорасп шаҳарлари бўлган, деган фикрни илгари суради⁹⁹. Кейинги даврларда, аynиқса, Хумбузтепа, Тошқирмон воҳаси ва жанубий Хоразмда С.В. Болелов, С. Баратов, Ш. Матрасулов, В.Н. Ягодин, Ғ.Х. Ходжаниязовлар томонидан олиб борилган археологик тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга¹⁰⁰.

Ўрта Осиё халқлари тарихига тегишли умумий мавзулар ва илмий муаммоларнинг мавжудлиги маълум. Илк давлатчилик тарихи, шулар жумласидандир. Мустақиллик йилларида янги тарихнинг ёритилиши, этник ва давлатчилик тарихини қайта кўриб чиқиш, баҳолаш жараёни минтақа республикаларида бир-бирларидан мустақил равишда бошланди. XX асрнинг 90-йилларида оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий-сиёсий

⁹⁸ Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Изд. вост. лит., 1991. – 328 с.

⁹⁹ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (1-2 цикл) // Вестник ККО АН РУз. – 2007. – № 1. – С. 75-79; – № 2. – С. 70-78.

¹⁰⁰ Болелов С.В. Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепе // Общественные науки в Узбекистане. – 1999, – № 9-10 – С. 85-90; Баратов С., Матрасулов Ш., Мадаминов М.Р. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане. – 2002 год. – Т.: Халқ мероси, – 2003. Вып. 3. – С. 38-45; Баратов С.Р. Археологические исследования на юге Хорезма в 2004-2005 гг. // Археологические исследования в Узбекистане. – 2004-2005 годы. – Т.: Фан, 2006. Вып. 5. – С. 47-55; Бетте А.В., Ягодин В.Н., Ходжаниязов Ғ.Х. Археологические изыскания в древнем Ташкырманском оазисе // Археологические исследования в Узбекистане 2004-2005 гг. – Т.: Фан, 2006. Вып. 5. – С. 55-64.

ва илмий нашрларда минтақа тарихининг турли масалалари ноҳолис ёритилиши ва талқин қилиниши жараёни деярли эътиборсиз қолган.

Ўзбекистонда ушбу масала юзасидан дастлаб Д.А. Алимова, Ю.Ф. Буряков, М.И. Филанович, Э.В. Ртвеладзе ва А.С. Сагдуллаевлар 2003 йилда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолаларида ўз фикрларини билдиришди¹⁰¹. Шу йили Тошкентда ўтказилган халқаро илмий конференцияда минтақа халқларининг тарихига замонавий ёндашувлар масалалари кўриб чиқилди¹⁰².

2004 йилда “Марказий Осиёнинг янги тарихи. Тарихни қайта кўриб чиқиш, замонавий муаммолар ва ёндашувлар” мавзусидаги халқаро илмий конференцияда бир қатор олимлар М. Абусеитова, Д. Алимова, Э. Ртвеладзе, Х. Пирумшоев, Т. Бакчиев, А. Сагдуллаев ва бошқалар минтақа халқларининг умумий тарихи ва маданий меросига муносабат масаласини кўтариб, қуйидаги муаммоларнинг мавжудлигига ўз эътиборини қаратдилар:

— ўтмиш воқеаларини сохталаштириш, ўз халқининг давлатчилик тарихи минтақада энг қадимги воқеа сифатидаги гоёни кенг тарғиб қилиш;

— этник танланганлик, айрим халқнинг улуғворлиги, “феномени” ҳақидаги қарашлар¹⁰³.

Марказий Осиё тарихини холис ва ҳаққоний ёритиш мақсадида Э.В. Ртвеладзе ва А.С. Сагдуллаев “Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии” номли рисоласини чоп этдилар¹⁰⁴. Шунингдек, А.С. Сагдуллаев томонидан “Псевдоистория Цент-

¹⁰¹ Қарапг: Учитель Узбекистана. 2003, 16 май; 13 июль; 25 июль; Матрифат. 2003, 25 июнь.

¹⁰² История, проблемы объективности и нравственности // Материалы международной научно-теоретической конференции. – Т., 2003. – 275 с.

¹⁰³ Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы // Материалы международной научной региональной конференции. – Т., 2004. – 146 с.

¹⁰⁴ Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. – Т.: Узбекистан, 2006. – 50 с.; Ушбу рисоланинг иккинчи нашри: – Т.: Чулпан, 2007. – 56 с.

ральной Азии — барьер на пути интеграции” номли мақола чоп этилди¹⁶⁵.

Мазкур рисола ва мақолада минтақа давлатчилиқ тарихини бўяб кўрсатиш ва ундан сиёсий кўзбўямачилиқ мақсадларида фойдаланиш, қадимги тарихнинг муҳим масалаларининг ноҳолис талқинини сунъий равишда ҳақиқат даражасига кўтариш ва зўр бериб тарғиб қилиш каби уришларга эътибор қаратилди. Қўшни республикалардаги турли муаллифларнинг асосий вазифаси ҳар қандай йўл билан бўлса-да ўзлари мансуб бўлган халқнинг этник-маданий илдизлари ва давлатчилиқ тарихини қўшни халқларга нисбатан қадимий эканлигини исботлашдан иборат¹⁶⁶.

Ўрта Осиё халқларининг тарихини ҳаққоний ёритиш муҳим аҳамиятга эга, чунки минтақа халқлари кўп жиҳатдан умумий тарих ва маданиятга эга. А.С. Сагдуллаевнинг таъкидлашича, минтақавий бирлик билан боғлиқ умумий манфаатлар мавжудлигини уқтирувчи минтақавий ҳамжамият қонунини англаш биринчи даражали аҳамиятга эга. Яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қолишнинг энг муҳим шартларидан бири минтақа халқларининг умумий тарихига холис ёндашишдан иборат. Тарихни ноҳолис ёритиш интеграция-ҳамкорлик йўлидаги ров ҳисобланади¹⁶⁷.

Ҳозирги кунда минтақа тарих фанидаги аҳвол этник тарих ва қадимги давлатчилиқ муаммоси сингари масалаларни ўрганишда ҳамкорликнинг оқсаётганлигидан далолат бермоқда.

Ўрта Осиё тарихини “қайта кўриб чиқиш” жараёни, даставвал XX аср 90-йилларининг бошларида То-

¹⁶⁵ Сагдуллаев А.С. Псевдоистория Центральной Азии – барьер на пути к интеграции // Бизнес-вестник Востока. – 2006, 7 сентября.

¹⁶⁶ Ртвеладзе Э.В. Позитивные и негативные аспекты новейших исследований истории Центральной Азии ... – С. 127-132; Сагдуллаев А.С. Некоторые особенности современной интерпретации древней истории Центральной Азии ... – С. 39-47.

¹⁶⁷ Сагдуллаев А.С. Псевдоистория Центральной Азии – барьер на пути к интеграции ...

жикистон тарихчилари томонидан бошланиб, “янги” ёндашувлар ва хулосалар бир қатор турли адабиётларда ўз аксини топган¹⁰⁸.

Э.В. Ртвеладзе ва А.С. Сагдуллаевларнинг таъкидлашича, ушбу адабиётларда тарихни бўйаб кўрсатиш ҳолатлари, ўтмиш воқеаларни идеаллаштириш ҳамда ҳаддан ташқари сунъий қаҳрамонлаштириш ва айрим халқлар тарихини афсоналаштириш, шунингдек, қадимги тарихнинг мураккаб муаммоларини афсона ва ривоятлардаги маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиш мумкинлигини исботлашга уринишларни кўриш мумкин.

Баъзи “янги” концепцияларга танқидий баҳо бериб, А.А. Асқаров қуйидаги хулосаларни чиқарган: “Афсуски кейинги йилларда Ўрта Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихини ўрганишда яна илмий тафаккурга ёт “панэронизм” ғояси жонланиб, минтақада миллий низоларга олиб келувчи ҳаракатлар қилинмоқда”¹⁰⁹.

XX асрнинг 90-йилларида ва XXI асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги илк давлатчилик муаммоси фақатгина тарихчи-мутахассисларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ эмас. Э.В. Ртвеладзе ва А.С. Сагдуллаевларнинг фикрларига кўра, бир қатор республикаларда қадимги тарих журналистлар, ёзувчилар ва жамоат арбобларининг оммабоп машғулотига айланиб қолди¹¹⁰. Юқорида қайд қилинган ёндашувлар ва назарияларга фақат салбий баҳо бериш мумкин. Фандан йироқ бўлган хулосалар тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқаришга хизмат қилмайди¹¹¹.

Айрим муаллифлар, тарихшунослик қоидалари, фанда тўпланган тажриба ва илмий маълумотлар банки, фикр юритиш ва турли фаразларни ўртага ташлашга

¹⁰⁸ Масов Р. История топорного разделения. – Душанбе: Ирфон, 1991; Негматов Н.Н. Таджики. Исторический Таджикистан – Современный Таджикистан. – Гиссар: Би., 1992; Негматов Н. Таджикиский феномен: теория и история. – Душанбе: Би., 1997. – 355 с.

¹⁰⁹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – Б. 86.

¹¹⁰ Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы ... – С. 20.

¹¹¹ Ўша жойда. – С. 6-9.

монелик қилмайди, деган хулосага дуч келдилар¹¹². Турли муаллифларнинг ўз хоҳиши билан минтақа илк давлатчилиги тарихини эркин талқин қилиниши туфайли, мавзу ноҳолис ёритилмоқда. Бундай изланишларнинг аксар ҳолларда фундаментал илмий тадқиқотлар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Замонавий “янгича” қарашлар ва ғоялар пайдо бўлиши натижасида, тарихий далилларга субъектив ёндашилган ва минтақа халқларининг тарихи очикдан-очик сохталаштирилган ҳолда ноҳолис яратилмоқда. Тарихшунос олима Д.А. Алимованинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 90-йилларида “жамиятни ўтмишга бўлган қизиқишидан тарихий сенсациялар орқали фойдаланиш мумкинлигини англаган ва тарихшуносликдан йироқ бўлган кишилар ўзларининг ғайриоддий қобилиятларини намоён қилдилар”¹¹³. Шу билан бирга, турли республикаларда тарихий жараёнларга холис баҳо бериш ўз аҳамиятини йўқотмади, бундай ёндашув келажакда Марказий Осиёнинг қадимий тарихини ҳамкорликда ҳаққоний яратилишига пойдевор бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тарихшунослигида давлатчилик мавзусини янги асосларда ёритиш ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланди. Ушбу тадқиқотларнинг дастлабки натижалари мақолалар, монографиялар, илмий тўпламлар, ўқув кўлланмалар ва дарсликларда ўз аксини топди¹¹⁴.

¹¹² Ушба жойда. - С. 20.

¹¹³ Алимова Д. Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигида тарих фани // *O'zbekiston tarixi*. - 2006. - № 4. - Б. 30.

¹¹⁴ Аскарлов А.А., Ширинлов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. - Самарканд: Институт арх. АН РУз. - 1993. - 162 с.; Аскарлов А.А. Некоторые вопросы становления узбекской государственности // *Общественные науки в Узбекистане*. - 1997. - № 3-4. - С. 65-76; Сулейманов Р. Появление города на Еркургане в процессе урбанизация и сложения государственности на территории Узбекистана // *O'zbekiston tarixi*. - 1999. - № 2. - С. 14-22; Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.: Академия, 2000. - 271 б.; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. - Т.: Шарқ, 2001. - 207 б.; Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. - Т.: А. Кадыри, 2002. - 255 с.; Ўзбекистон тарихи. - Т.: Янги авлод, 2003. - 674 б.

Юқорида қайд қилинган далиллар асосида қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик тарихига замонавий ёндашувлар масаласи юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

— XX асрнинг 90-йилларида қадимги бошқарув ва илк давлатчилик мавзусини ўрганишда янгича концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги туфайли шўро давридан мерос қолган синфий назария ўз аҳамиятини йўқотмаган;

— мустақиллик йилларида олимларда Марказий Осиё халқларининг қадимги давлатчилик тарихини ҳолис яратиш учун янги умумлашма тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари пайдо бўлди;

— XXI аср бошларида айрим тадқиқотчилар давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллигига ўз эътиборларини қаратиб, бу масалани ўрганиш ва ечиш фақат синфий назария билан чегараланмайди, деб таъкидладилар;

— кўплаб назарияларнинг мазмун-моҳиятига танқидий баҳолар бериш билан бирга ушбу назариялардаги ижобий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш лозим деган хулоса вужудга келди;

— ибтидоий жамиятдаги ижтимоий бошқарувдан сиёсий ҳокимиятга ўтиш асослари, хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларининг тарихшунослиги маҳсус мавзу сифатида етарли даражада ёритилмаган;

— янгича ёндашувлар, давлатнинг вужудга келиши жараёнини, энг аввало, аҳоли ва жамиятнинг умумий манфаатларини амалга ошириш зарурияти билан боғланиши, бошқарувнинг турли мақсад, вазифалари ва функциялари билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши мустақиллик даври Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим ўрин тутди;

— ҳозирги кунда илк давлатчилик тарихига цивилизациявий ёндашув билан бирга синфий назарияга асосланган ёндашув ҳам қўлланилмоқда, бу ҳолат танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади;

— Марказий Осиё мамлакатларида давлатчилик тарихи соф илмий муаммоларни асл манбаларга таянган ҳолда ўрганиш доирасидан четга чиқа бошлади. Мавзудан сиёсий кўзбўямачилик мақсадларида фойдаланиш, уни сунъий равишда ҳақиқат даражасига кўтариш ноҳолис ёндашувнинг вужудга келишига олиб келди.

III БОЪ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ БОШҚАРУВНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ МУАММОЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

3.1. Иқтисодий муносабатлар ва ижтимоий бошқарувнинг пайдо бўлиши жараёнларининг ўрганилиши

XX асрда тадқиқотчилар, қадимий жамиятларнинг ривожланиши хусусиятларини англаш ва бошқарувнинг келиб чиқиши масаласини ўрганиш мақсадида ибтидоий уруғчилик жамияти тарихига мурожаат қилганлар.

Ибтидоий жамият тарихини тадқиқ этишда археологик манбаларнинг аҳамияти беқиёсдир. Тадқиқотларнинг натижалари XX асрнинг турли йилларида С.П. Толстов, М.Е. Массон, Б.А. Литвинский ва бошқа олимлар томонидан кўриб чиқилган¹. Шу асрнинг 60-80-йилларида бу борада алоҳида умумлаштирилган монографиялар нашр қилинган².

Маълумки, дастлаб уруғ жамоалари (сўнгги палеолит, мезолит даври) ўзлаштирувчи хўжаликларга, яъни термачилик, овчилик ва балиқчиликка асосланиб ривожланган³. Этнография маълумотлари билан солиштирил-

¹ Толстов С.П. Древнехорезмийская цивилизация в свете новейших археологических открытий (1937-1945) // Общесобрание АН СССР 1946 г. - М. - Л., 1947. - С. 239-255; Литвинский Б.А. Археологическое изучение Таджикистана советской наукой. - Душанбе: АН ТаджССР, 1954. - С. 3-80; Массон М.Е. Краткий очерк истории изучения Средней Азии в археологическом отношении. До первой послевоенной пятилетки // Тр. САГУ. - Т., 1956. Вып. 81. - С. 5-40.

² Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. - М. - Л.: Наука, 1966. - 288 с.; Энеолит Средней Азии. Археология СССР. - М.: Наука, 1982. - С. 9-92; Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. - М.: Наука, 1985. - С. 178-202.


³ Окладников А.П. Становление человека и общества // Проблемы развития в природе и обществе. - М. - Л., 1958. - С. 121-153; Файнберг Л.А. Возникновение и развитие родового строя // Первобытное общество. - М. - Л.: Наука, 1975. - С. 49-82.

ган ҳолда, шу нарса аниқланганки, бу даврларда маълум ҳудудларда истиқомат қилган уруғ жамоаларини умумий манфаатлар (баравар ишлаш, озиқ-овқат топиш ва жамоани ҳимоя қилиш зарурати) бирлаштирган.

Этнография ва археология маълумотларига таянган ҳолда, ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий (уруғчилик) жамият белгилари XX аср тарихий адабиётларида қуйидагича тасвирланган:

III.1.1-жадвал

Ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий (уруғчилик) жамият белгилари



Мил. авв. III-II минг йилликларда (сўнги энеолит ва бронза даври) ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг Ўрта Осиёнинг жанубий ўчоқларидан ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларига фаол тарқалиши бошланган.

Мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари жадал ривожланиб, ижтимоий жараёнларга таъсир қилган⁴.

Ушбу бобда учта муҳим масала — қадимги Ўрта Осиёда иқтисодий муносабатлар ва ижтимоий бошқарув пайдо бўлишининг ўрганилиши, ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий сиёсий омилларга асосланган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши масаласи, илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижалари таҳлил қилинади.

Маълумки, бошқарувнинг илк босқичлари ибтидоий жамият тарихига бориб тақалади. Унинг илк шакллари ижтимоий бошқарув сифатида вужудга келган.

XX асрда қадимшуносларнинг тадқиқотлари туфайли, неолит давридан бошлаб, Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси моддий маданият жиҳатдан нотекис ривожланганлиги маълум бўлди⁵. Тоғлар, даштлар, кўл ва денгиз бўйларида яшовчи аҳоли табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган. Уларнинг турмуш тарзи зироатчиларга нисбатан фарқли равишда ривож топган⁶.

В.М. Массоннинг ёзишича, “неолит инқилоби” натижасида ишлаб чиқаришнинг ўсиши кўшимча маҳсулотнинг вужудга келишига йўл очган. Кейинчалик мулкий табақаланиш эксплуатациянинг шаклланишида иқтисодий пойдевор бўлди. Янги иқтисодий муносабатлар уруғчилик тизимининг ташкилий функцияларини мураккаблаштириб, йўлбошчи раҳбарларнинг жамиятдаги аҳамиятини янада ошириб борган⁷.

Инсоният тарихининг қадимги даврларидан бошлаб, ҳар бир жамоанинг ҳаётида, ижтимоий-иқтисодий му-

⁴ Исаков А.И. Саразм — новый равнеземледельческий памятник Средней Азии // Советская археология. — 1986. — № 1. — С. 152-167.

⁵ Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. — М. — Л.: Наука, 1966. — С. 2, 133.

⁶ Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. — Т.: Ўқитувчи, 1990. — С. 69.

⁷ Массон В.М. Поселение Джейтун // Материалы исследования по археологии СССР. — М., 1971. — № 180. — С. 156.

носабатларида ташкиллаштириш, тартибга солиш ва амалга ошириш каби вазифалар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Айнан шу масалалар минтақа қадимшуносларининг асарларида махсус мавзу сифатида кўриб чиқилмаган. Этнографик манбаларга кўра, бошқарувнинг илқ шакли жамоа аъзоларининг умумий манфаатларини амалга ошириш мақсадидаги амалий жиҳатдан фойдали ижтимоий бошқарув бўлган (уруф ва қабила йўлбошчилари жамоа аъзолари билан биргаликда меҳнат жараёнларида иштирок этган). Ўзлаштирувчи хўжаликларга, ишлаб чиқарувчи иқтисодга асосланган бошқарувнинг мазмуни турлича бўлиб, мақсад ва вазифалари доирасида бир-биридан фарқ қилган⁸.

Бунга ёрқин мисол, XX аср илмий адабиётларида келтирилган жанубий Туркманистондаги неолит даврига оид Жойтун маконида бир хонали уйларнинг қолдиқлари топиб текширилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уларнинг ҳар бирида ўчоқлар ва супалар мавжуд бўлиб, ушбу уй-жойларда алоҳида оила аъзолари яшаган⁹. Хоразмдаги Калтаминор маданияти Ёнбошқалъа маконида бошқа турдаги уй-жойнинг қолдиғи ўрганилган. Неолит даврида у чайласимон шаклида бўлиб, ёғоч устун, синчлар билан кўтарилган. Турар жойда 100 га яқин майда ўчоқлар қолдиқлари мавжуд бўлиб, улар айрим оилаларга тегишли бўлган¹⁰. Ёнбошқалъа маконида уруф жамоаси вакиллари истиқомат қилган ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган ҳаёт тамойиллари билан белгиланган.

Қадимшуносларнинг тадқиқотларига кўра, овчилик ва балиқчилик хўжаликларини амалга ошириш ташкилий-бошқарув фаолиятига асосланган. Ўзлаштирилган тайёр маҳсулот жамоа аъзолари ўртасида истеъмол

⁸ Першиц А.И., Мюнгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. – М.: Высшая школа, 1968. – С. 98; Средняя Азия в эпоху камня и бронзы ... – С. 82, 133.

⁹ Средняя Азия в эпоху камня... – С. 84-87.

¹⁰ Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: МГУ, 1948. – С. 60-62.

қилинган. Жамоодаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш, жамоанинг ички муносабатларини назорат қилиш, тажриба ва амалий билимлари билан бошқалардан ажралиб турган уруғ оқсоқолларининг вазифасига айланган.

Ибтидоий жамиятда ҳуқуқий муносабатлар шаклланмаган ҳолда урф-одатлар, уруғчилик тизимининг анъаналари, обрў-эътибор, ахлоқий хислатлар, ибтидоий жамият талабларига асосланган ижтимоий ҳокимият муҳим аҳамиятга эга бўлган¹¹.

Зироатчилар жамиятида ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган жамоаларнинг иқтисодий муносабатларига нисбатан турлича ишлаб чиқариш фаолияти ривожланган. Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. III минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиёнинг жанубида аҳолиси 1000-2000 кишидан иборат ўтроқ қишлоқлар пайдо бўлган¹². Намозгоҳтепа, Олтинтепа каби шаҳар шаклидаги аҳоли пунктлари йирик хунармандчилик ва савдо-сотиқ марказларига айланган¹³. Шу давр зироатчилари алоҳида воҳаларда истиқомат қилиб, қабила ва қабила уюшмаларига бирлашган¹⁴.

Археологик далилларга кўра, Олтинтепа аҳолиси хунармандлар, зироатчи шаҳар аҳоли ва зодагонлар гуруҳларига бўлиниб, улар майдони 90-50-100 кв.м.дан иборат алоҳида уйларда яшаганлар¹⁵. Бу ерда турлича ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида ихтисослашган хунармандчилик (кулолчилик, металлчилик, тўқимачилик, заргарлик), бинокорлик ва сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик далолат беради¹⁶. Ўз навбатида, тур-

¹¹ Перниц А.И. ва бошқ. История первобытного общества... – С. 98-99.

¹² Энеолит Средней Азии... – С. 55.

¹³ Массон В.М. Алтын-Депе // Тр. Южно-Туркменистанской археологической комплексной экспедиции. – Ашхабад, 1981. – Т. XVIII. – С. 119-121.

¹⁴ Хлопин И.П. Геоксюрская группа поселений эпохи энеолита. Опыт исторического анализа. – М. – Л.: Наука, 1964. – С. 100.

¹⁵ Массон В.М. Алтын-Депе ... – С. 101-104.

¹⁶ Ўша асар ... – С. 98-100.

лича ишлаб чиқариш жараёни, турлича бошқарув принциплари ва вазифаларини амалга оширишни талаб этган. Мисол учун, бронза даврида Сурхон воҳасидаги зироатчиларнинг қишлоқлари атрофида ўртача 50-75 гектар майдонда ерларга ишлов берилган (асосан арпа билан буғдой экилган)¹⁷. Бошқарув зарурати деҳқончилик ишларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа хўжаликларида ер ва сувни тақсимлаш, ирригация ишларини амалга ошириш вазифалари билан боғланган¹⁸.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ижтимоий масалалар доирасида жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, урф-одатларни бажариш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар ҳам бошқарувни талаб қилган.

Деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари доирасида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши жамият ҳаётида сифатий ўзгаришларга асос бўлган. Ижтимоий меҳнат тақсимоти мол айирбошлаш ва савдо-сотик алоқаларига кенг имкониятлар яратган. Алоҳида уй-жойлар, томорқа, чорва, меҳнат қуроллари ва рўзгор буюмлари хусусий мулкка айланган¹⁹. Лекин, энеолит ва бронза давридаги хусусий мулкчилик, ортиқча маҳсулотнинг яратилиши, ривожланиш даражасини фақат археология маълумотлари орқали ўрганиш, аниқлаш ўта мушкул ҳисобланади.

Шу даврда жамиятнинг ижтимоий муносабатларида уруғчилик тузумига хос хусусиятларнинг мавжудлигини фараз қилиш мумкин. Катта оила аъзолари умумий уй-жойда ҳаёт кечирганлар, бундай уйлар қишлоқларда уруғга тегишли гузарларни ташкил этган. А.А. Асқаровнинг тадқиқотларига кўра, Жанубий Ўзбекистондаги бронза даврига оид Сополлитепада 8 та алоҳида гузарга тегишли уй-жой қолдиқлари текширилган. Уй-

¹⁷ Асқаров А. Сапаллитепа. — Т.: Фан, 1973. — С. 130-131.

¹⁸ Сағдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи ... — Б. 61.

¹⁹ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. — Л.: Наука, 1976. — С. 180.

лар турар жойлар, рўзгор ва хўжалик хоналаридан иборат бўлган²⁰. Уруғчилик тузуми хусусиятлари сақланиб қолган ҳолда, хўжалик ишларини катта оила аъзолари биргаликда амалга оширганлар, жамоа озиқ-овқат маҳсулотларини умумий мулкка айлантириб, улар ўртасида маҳсулотлар барабар тақсимланганлиги — ибтидоий тузумнинг асосий белгиларидир.

Тарихшуносликда аке эътирилган далилларга кўра, ижтимоий мансабларнинг вужудга келиши сабабларидан яна бири, — бу жамоадаги эътиқод, урф-одатларни бажариш билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Эътиқод, илк диний қарашлар тош даврида пайдо бўлиб, энеолит ва бронза даврларида ўтга, қуёшга, ерга, сувга, ҳосилдорликка сифиниш кенг тарқалган²¹. Барпо этилган махсус ибодатхоналар ижтимоий ҳаётнинг диний марказларига айланиб, коҳинлар, диний арбобларнинг фаолиятини юзага келтирган.

Адабиётлардаги мавжуд маълумотларга кўра, металлчилик соҳасида технологик янгиликларни татбиқ этилиши, меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш услублари ўзгариши билан одамлар хом ашё конларини (мис, қўرғошин, қалай конлари) излаб топишга мажбур бўлганлар. Табиий қазилма бойликлар, металл конларини қидириш, янги ҳосилдор ерлар ва сув манбаларини ўзлаштириш натижасида, зироатчи аҳолининг узок худудларга тарқалиши жараёни бошланади²². Ўтроқ қабилалар алоҳида воҳа-туманларда жойлашганлар.

Бронза даврида йирик марказий масканлар шаҳар кўринишига эга бўлиб, уларнинг қурилишида меъморий режалаштиришга амал қилинган (кўчалар, майдонлар, гузарлар ва катта жамоа бинолари)²³. Бинокорлик амалий билимлар ва ихтисосликни талаб этган. Бинокорлик

²⁰ Асқаров А. Древнесемледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. — Т.: Фан, 1977. — С. 16-27.

²¹ Энеолит Средней Азии ... — С. 58-60.

²² Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё ... — Б. 24-25.

²³ Массон В.М. Алтын-Деше ... — С. 35


ишларини режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш пайтида бошқарув муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Демак, ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг вужудга келиши турли омилларга асосланган. Дастлаб қадимги бошқарув тизимида иқтисодий ва ижтимоий омиллар муҳим аҳамият касб этган.

Таҳлил қилинган маълумотларга кўра, ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий жамиятнинг белгилари сўнгги энеолит ва илк бронза даврига келиб, қуйидагича изоҳланади:

Ш.1.2-жадвал

Ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий жамиятнинг белгилари



Тарихий адабиётларда келтирилган хулосаларга кўра, ижтимоий мансабларни эгаллаш жамоа ишлаб чиқариш ишлари ва ижтимоий меҳнат тақсимооти би-

лан боғланган. “Бошқарув фаолияти зарурати ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва жамоа маҳсулотини тақсимлаш каби ишлар билан махсус шуғулланувчи айрим шахсларни юзага чиқарган”²⁴. Дарҳақиқат, бошқарув фаолияти зарурати фақат иқтисодий омиллар билан чегараланмаган. Жамоанинг ички алоқалари билан биргача унинг ташқи муносабатларини ҳам бошқариб туриш зарурияти мавжуд бўлган.

Деҳқончилик, сунъий суғориш, бинокорлик ва хунармандчилик ишларини ташкиллаштириш билан банд бўлган шахслар айнаан ўзлари ишлаб чиқариш жараёнида иштирок қилмаганликлари тўғрисидаги тадқиқотларнинг хулосаларига қўшилиш мумкин. Ташкиллаштириш, тартибга солиш ва амалга ошириш вазифалари билан шуғулланган шахслар ўз фаолияти эвазига моддий жиҳатдан жамоа маҳсулотидан рағбатлантирилган²⁵. Худди шундай аҳолига меҳнат қурол-яроғлари, зебзийнат буюмлари, сопол идишларни ишлаб чиқарган хунармандлар ҳам дастлаб (мол айирбошлаш ва савдосотиқ ривожланишига қадар) жамоанинг қишлоқ хўжалик маҳсулотидан ўзларининг ўрни ва амалига боғлиқ ҳолда маълум даражада улуш олганлар. Чунки махсус хунармандчилик ишлари билан банд бўлган усталарнинг қишлоқ хўжалиги ишларида қатнашиш имкониятлари чегараланган эди.

Ушбу тарихий вазиятда, уруғ оқсоқолларининг амалий билимлари, нуфузлари ва обрў-эътиборига асосланган ибтидоий - ижтимоий бошқарув вужудга келган²⁶.

XX асрнинг 50-60-йилларида Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида неолит, энеолит ва бронза даври ёдгорликлари кенг ўрганилган. Уларни тадқиқ қилиш натижалари С.П. Толстов, В.М. Массон, Я.Ф. Гуломов, И.Н.

²⁴ Сағдуллаев А., Мавлонов Ҷ. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Т.: Akademiya, 2006. – Б. 25.

²⁵ Ўша жойда. – Б. 25-26.

²⁶ Ўша жойда. – Б. 25.

Хлопин, А.А. Асқаров, Ұ. Исломов, А.В. Виноградов, М.А. Итина, Ю.А. Заднепровский ва бошқа олимларнинг нашрларида ўз аксини топган²⁷. Тадқиқотчилар археология материалларига асосланиб, қадимги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, жумладан, манзилгоҳларнинг сони, аҳолининг ҳудудий жойлашуви, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, хўжалик, уй-жойларнинг турлари, қабрлар ва уларда топиб текширилган буюмларнинг сифат жиҳатига ўз эътиборини қаратганлар.

Бундай ёндашув муҳим аҳамиятга эга, чунки бу даврга келиб, тадқиқотлар натижасида, Ўрта Осиёнинг жанубида (Туркменистоннинг жанубий-ғарби) 8-7 минг йил аввал (неолит даври) ишлаб чиқарувчи хўжаликлар (деҳқончилик ва уй чорвачилиги), ўтроқ маконлар ва пахсадан қурилган уй-жойлар пайдо бўлганлиги аниқланди. Шу билан бирга, неолит даврида кулолчилик ва тўқимачиликнинг кашф этилиши, ўзаро буюм, ишлаб чиқарувчи хўжаликлар маҳсулотларининг алмашинуви ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотлар тарих фанига жорий этилди.

В.М. Массоннинг фикрига кўра, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янги асосларда ривожланиши натижасида, “неолит инқилоби” туфайли, жамиятдаги ижтимоий-

²⁷ Толстов С.П. Итоги двадцати лет работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции (1937- 1956 гг.) // Советская этнография. - 1957. - № 4. - С. 31-59; Массон В.М. Древневземледельческие племена Южного Туркменистана и их связи с Ираном и Индией // Вестник древней истории. - 1957. - № 1. - С. 34-47; Итина М.А. Степные племена среднеазиатского междуречья во второй половине II - начале I тысячелетия до н.э. // Советская этнография. - 1962. - № 3. - С. 109-120; Виноградов А.В. Новые материалы для изучения Кельтеминарской культуры // МХАЭЭ - М., 1963. Вып. 6. - С. 91-102; Хлопин И.П. Геокюрская группа поселений эпохи энеолита. Опыт исторического анализа. - М. - Л.: Наука, 1964. - 172 с.; Гулямов Я.Г., Исламов У., Асқаров А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана. - Т.: Фан, 1966. - 266 с.; Заднепровский Ю.А. Чустская культура в Ферганской долине // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. - М. - Л.: Наука, 1966. - С. 193-207 ва б.

иктисодий муносабатлар анча мураккаблашди. Ушбу ўзгаришлар ибтидоий – ижтимоий бошқарув шаклларига фаол таъсир этган²⁸.

Мазкур масала аввалги йиллар тарихшунослигида ҳам кўриб чиқилган бўлиб, турлича хулосаларга асос бўлган. Ишлаб чиқаришни назорат қилиш туфайли, жамоа маҳсулотларидан олинадиган улуш раҳбар-йўлбошчининг жамиятдаги ўрни, нуфузи ва амалини юқори даражага кўтарган²⁹. Бундай вазият ижтимоий мансабларни эгаллаган шахслар учун бошқа кишилар меҳнати билан ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўзиники қилиб олишга кенг имкониятлар яратган.

Аммо, Ўрта Осиёда энеолит ва бронза даври археологик манбаларига кўра, минтақада дастлаб мулкий ва ижтимоий табақаланиш жадал ривожланмаган. Бир-биридан анча фарқ қилмаган алоҳида оилаларнинг уй-жойлари, қуроллар, рўзгор буюмларининг сони ва сифати ушбу фикрни тасдиқлаши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш хўжаликлари ва мол айирбошлашнинг ривожланиши натижасида катта оила жамоаларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини ортиришлари учун қулай вазият яратилган. Этнография маълумотларига кўра, жамоа бойликлари дастлаб заргарлик буюмлари, металлдан ишланган идишлар ва қуроллар сифатида тўпланган³⁰. Ўрта Осиёда энеолит давридан бошлаб, заргарлик буюмлари олтин, кумуш, мисдан ишланган, турли кўринишдаги мунчоқлар, қимматбаҳо тошлар — феруза, лаъл (ложувард) ва бошқалардан ясалган. Бундай буюмлар қадимги қабрларда топилган. Уларни ўрганиш натижасида қўлга киритилган маълумотлардан, қадимги ижтимоий тизимни ўрга-

²⁸ Массон В.М. Экономика и социальный строй ... – С. 181.

²⁹ Першиц А.И. ва бошқ. История первобытного общества. – М.: Высшая школа, 1968. – С. 181.

³⁰ Ўша жойда. – С. 181-182.

нишда фойдаланилган³¹. Аммо, қабрларда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари турлича бўлиб, жумладан, Жанубий Ўзбекистондаги бронза даври қабрларидан сопол идишлардан ташқари, металл қуруллар, зеб-зийнат буюмлари топилган бўлса, бошқа қабрлардан фақат сопол идишлар топилган³². Фикримизча, ушбу буюмларнинг барчаси оила жамоасининг хусусий мулки бўлиши мумкин эди.

XX аср тарихий маълумотларининг ёритилишига кўра, хусусий мулкчиликнинг шаклланиши уруғчилик тизими анъаналари, жамоатчилик одатлари билан қарама-қаршиликда тарих саҳнасида вужудга келган. Этнографик манбаларга кўра, бой-бадавлат кишига айланган уруғ оқсоқоли ёки қабила йўлбошчиси, жамиятда ўз обрў-эътиборини сақлаб қолиш учун қабиладошларига маърака-тўйлар уюштириб, уларга турли буюмлардан иборат совгалар тақдим этган³³. Айрим элатларда, йўлбошчининг вафотидан сўнг, уни мулкчининг бир қисми жамоа вакилларига тарқатилган, бошқа қисми қабрига қўйилган³⁴.

Аммо, бундай одатлар хусусий мулкчиликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмаган. Ўз шахсий уй-жойига, ишлаб чиқариш қурулларига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорваларига эга бўлганлиги, ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган жамоаларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган.

³¹ Сарияниди В.И. Коллективные погребения и изучение общественно-го строя рашоземледельческих племен // Успехи среднеазиатской археологии. – Л., 1972. Вып.1. – С. 22-26; Алексин В.А. Социальный строй раннеземледельческих обществ по погребальным памятникам культур Средней Азии и Ближнего Востока.: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – М., 1977. – 25 с.; Ўша муаллиф. Некоторые аспекты социологической интерпретации погребений земледельцев энеолита Южной Туркмении // Советская археология. – 1976. – № 2. – С. 5-14.

³² Асқаров А. Древнеземледельческая культура... – С. 151-152; Асқаров А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. – Т.: Фан, 1983. – С. 54.

³³ Першиц А.И. ва бошқ. История первобытного общества... – С. 182.

³⁴ Ўша асар. – С.183.

С.П. Толстов, Ю.И. Семёнов, А.И. Першиц ибтидоий жамият бошқаруви тизимида қабила йўлбошчиси, оқсоқоллар кенгаши ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаганлар. Ушбу тизим сиёсий бошқарув мақоми даражасига етмаган. Бундай ташкилот уруғ-қабила анъаналарини (жамоа аъзолари манфаатлари бирламчи ва ижтимоий мавқеининг тенглигини) ўзида акс эттирган.

С.П. Толстов, Ю.И. Семёнов ва А.И. Першицнинг ёзишича, ибтидоий жамиятда махсус бошқарув органлар ташкил этилмасдан, ижтимоий бошқарув фойдали фаолият сифатида, жамоа манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, айрим шахсларнинг ҳаракатлари туфайли амалга оширилган³⁵.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, шўро даври адабиётларида ибтидоий жамият, унинг бошқарув тизими ва илк давлатчиликка ўтиш муаммоларини ўрганишда Л. Морганнинг “Қадимги жамият” асарининг концепциялари жуда катта таъсир қилган³⁶. Ушбу ғояларни тадқиқотчилар А.И. Першиц, Н.А. Бутинов, В.С. Титов, Ю.И. Семенов ва бошқалар ўз асарларида янги асосларда ривожлантирганлар³⁷.

Қадимги жамиятнинг ижтимоий ташкилотларини ўрганиш пайтида, унинг бошқарув тизими олий йўлбош-

³⁵ Толстов С.П. К вопросу о периодизации истории первобытного общества ... — С. 26; Семенов Ю.И. О периодизации первобытной истории // Советская этнография. — 1965. — № 5. — С. 79; Першиц А.И. Периодизация первобытной истории (состояние проблемы) // Вопросы истории. — 1980. — № 3. — С. 74-93.

³⁶ Морган Л. Древнее общество. — Л.: Институт народов Севера, 1934. — 350 с.

³⁷ Першиц А.И. Развитие форм собственности в первобытном обществе как основа периодизации его истории // Тр. Института этнографии. — М. — Л., 1960. Т. LIV. — С. 151-172; Бутинов Н.А. Разделение труда в первобытном обществе // Тр. Института этнографии. — М. — Л., 1960. Т. LIV. — С. 109-150; Титов В.С. Первое общественное разделение труда. Древнейшие земледельческие и скотоводческие племена. // Краткие сообщения института археологии. — М., 1962. Вып. 88. — С. 10-24; Семенов Ю.И. О некоторых теоретических проблемах истории первобытности // Советская этнография. — 1968. — № 5. — С. 75-86.

чи — оқсоқоллар кенгаши — халқ йиғини органларига бўлинганлиги қайд этилган. Бундай ташкилот ибтидоий жамиятнинг сўнгги босқичи ёки ибтидоий тизимдан давлатчиликка ўтиш даври сифатида С.П. Толстов, М.О. Косвен, Ю.И. Семёнов ва А.М. Хазановлар нашрларида “ҳарбий демократия” деб ном олган³⁸.

Аmmo, “ҳарбий демократия” назариясини барча жамиятлар (зироатчилар, чорвадорлар) ва ҳудудлар тарихи билан боғлаш ўта бахсли масалага айланди. Фикримизча, ушбу муаммони фақат археология ва этнография манбалари орқали ечиш ҳам мушкул. Маълумки, Л. Морган ўз хулосаларини, ирокезлар - сенека уруғ-қабила ташкилоти ва бошқарув тизимини ўрганиш асосида ривожлантирган. Шўро даври тарихшунослигида Л. Морганнинг ғояларидан қадимги қабилалар ва элатлар тарихини ўрганишда кенг фойдаланилган³⁹.

XX асрнинг 50-60-йилларида археологик тадқиқотлар туфайли, Ўрта Осиёнинг бронза ва илк темир даври чорвадор-кўчманчи аҳолиси тарихи тўғрисидаги маълумотлар янада кенгайди. Улардан чорвадорлар ўрта-сидаги иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тарихини ўрганишда фойдаланилди. Бу масалада С.П. Толстов, Я.Ф. Фуломов, А.М. Мандельштам, Б.А. Литвинский, А.А. Асқаров, М.А. Итина ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга⁴⁰.

³⁸ Толстов С.П. К вопросу о периодизации ... — С. 25-30; Косвен М.О. К вопросу о военной демократии // Труды института этнографии. — М. — Л., 1960. Т. 4. — С. 241-261; Семенов Ю.И. О периодизации первобытной истории... — С. 74-93; Хазанов А.М. “Военная демократия” и эпоха классовобразования // Вопросы истории. — 1968. — № 12. — С. 87-98.

³⁹ Першиц А.И. ва бошқалар. История первобытного общества... — С. 137-139.

⁴⁰ Толстов С.П. Приаральские скифы и Хорезм // Советская этнография. — 1961. — № 4. — С. 114-146; Итина М.А. Степные племена среднеазиатского междуречья во второй половине II-начала I тысячелетия до н.э. // Советская этнография. — 1962. — № 3. — С. 109-120; Мандельштам А.М. Кочевники на путях в Индию // МИА. — № 136. — М., 1966. — 250 с.; Литвинский Б.А. Оружие населения Памира и

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бронза даври ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксалиши билан изоҳланади. Металлчилик ва чорвачиликнинг ривожланиши натижасида патриархал оилаларнинг аҳамияти хўжаликда, ижтимоий ҳаётда ўсиб борган, даштларда аҳоли сонининг кўпайиши юз берган, чорвадорлар томонидан кенг яйловли худудлар эгалланган. Чорвадорлар жамоаси оила, уруғ ва қабиладан иборат бўлиб, қабилалар уюшмасига бирлашган. Бундай бирлашмалар Орололди, Туркменистоннинг шимолий-ғарби ва Жанубий Тожикистон худудларида мавжуд бўлган⁴¹.

Тадқиқотчилар иқтисодий муносабатларни таҳлил қилиш пайтида анъанавий мулкий табақаланиш ва ижтимоий тенгсизлик мавзуси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиққанлар. Қадимшуносларнинг фикрига кўра, чорва патриархал оилаларнинг хусусий мулкига айланиши ва айрим тўқ оилаларнинг бойликларни тўплаб бориши натижасида уруғ жамоаларида мулкий тенгсизлик жараёни бошланади⁴². Сирдарёнинг қуйи оқимида чорвадор йўлбошчиларнинг мақбаралари топиб текширилган⁴³.

Мустақиллик йилларида бошқарувнинг келиб чиқishi масаласи Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевларнинг 2000 йилда рус тилида ва 2001 йилда ўзбек тилида чоп этилган монографиясида ўз аксини топди.

Тадқиқотчилар “Ибтидоий жамиятда бошқарув ижтимоий ҳокимият институтлари мавжуд бўлиши билан изоҳланади, — деб ёзадилар. Улардан бири уруғ аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб, унда энг муҳим масалалар ҳал этилар эди. Ижтимоий ҳокимият институтларидан яна оқсоқоллар ва ҳарбий бошлиқларни

Ферганы в сакское время // Материальная культура Таджикистана. — Душанбе, 1968. Вып. 1. — С. 69-115; Аскарлов А. Раскопки могильника эпохи бронзы в Муминабаде // ИМКУ. — Т., 1969. Вып. 8. — С. 56-62.

⁴¹ Средняя Азия в эпоху камня ... — С. 233, 240.

⁴² Средняя Азия в эпоху камня ... — С. 229.

⁴³ Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // Советская археология. — 1966. — № 2. — С. 151-175.

айтиб ўтиш мумкин. Ибтидоий жамиятда муайян лавозимни эгаллаб турган ҳолда бошқарув функцияларини бажарган одамлар ва уларнинг махсус оммавий ҳокимияти йўқ эди”⁴⁴.

Тадқиқотчилар, “ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган бошқарув функцияларини (ички муносабатларни тартибга солиш, душманлардан ҳимояланиш) қайд этиб, жамиятда махсус бошқарув органларини ташкил этмасдан, бундай ишлар уруғ аъзоларининг жамоавий ҳаракатлари билан ҳам амалга оширилиши мумкин эди”, — деб хулоса чиқарганлар⁴⁵.

Мазкур монографияда “неолит инқилоби” оқибатида муҳим ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар масаласи кўриб чиқилган. Ушбу масала ортикча маҳсулот, хусусий мулк, ҳарбий ташкилотнинг ўсиши муносабати билан қабилалар ўртасидаги урушлар доимий бойиш воситасига айланганлиги тўғрисидаги хулосалар билан боғланди⁴⁶.

XX аср тарихшунослигида Ўрта Осиёда ижтимоий бошқарув пайдо бўлишининг ўрганилиши юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

— тарихий адабиётларда этнография ва археология маълумотларига таянган ҳолда ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган ибтидоий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ўрганилиши натижалари кенг таҳлил қилинган;

— тадқиқотчилар, ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ривожланиши натижасида жамиятдаги ташкилий функцияларни мураккаблаштирувчи ва йўлбошчи-раҳбарларнинг жамоадаги аҳамиятининг ўсиб боришини қайд қилган;

— ишлаб чиқариш жараёнининг хилма-хиллиги турлича бошқарувни амалга оширишни талаб этган, Ўрта

⁴⁴ Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т.: Адолат, 2001. — Б. 19.

⁴⁵ Ўша жойда. — Б. 20.

⁴⁶ Ўша жойда. — Б. 24-25.

Осиёнинг қадимги тарихига тегишли ижтимоий бошқарувнинг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларининг тарихшунослиги етарли даражада таҳлил қилинмаган;

— шўро даври тарихшунослигида ижтимоий бошқарувнинг вужудга келиши мавзусини ўрганиш жараёнида этнография маълумотлари муҳим аҳамият касб этган, улардан Ўрта Осиё қадимги тарихини ёритишда ҳам фойдаланилган, ammo минтақа тарихининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилган маълумотларнинг нисбийлиги аниқланди;

— XX асрнинг 90-йилларида муаммони янгича асосларда ўрганиш имкониятлари пайдо бўлди, олдинги йилларда қўлланилган ёндашувлар ва илмий қарашлар танқидий кўриб чиқила бошланди, шу билан бирга, тадқиқотчилар мавзуга тегишли ижобий натижаларни қиёсий таҳлил қилиш заруриятини қайд этдилар.

Умуман олганда, муаммо бўйича илмий баҳс-мунозаралар мавжуд бўлиб, ханузгача бошқарувнинг келиб чиқиши масаласи ва унинг ўрганилиши тарихи махсус умумлашма тадқиқот объектига айланмаган. Бу борада Ўрта Осиё тарихига тегишли очиқ саҳифалар ва муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш, таҳлил этиш долзарб аҳамиятга эга.

3.2. Ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омилларга асосланган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши масаласи

Шўро даври тарихшунослигида касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши сабаблари жамиятда мулккий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланишнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Ушбу мавзу мазмуни этнографлар, шарқшунослар ва қадимшунослар томонидан таҳлил қилинган⁴⁷.

⁴⁷ "Касбий бошқарув" тушунчаси, илк давлатчилик тизимига ўтиш даврида ишлаб чиқаришдаги режалаштирилиш, танкиллаштирилиш.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ижтимоий мансабларни эгаллаш айрим шахсларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, жамоа маҳсулотидан олинадиган улушни ўзлаштиришга интилиши билан боғланган. Жамиятда эгалланган баланд ижтимоий ўрин моддий фаровонликка пойдевор бўлган⁴⁸.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқаришдан ташкилий бошқарув фаолияти ажралиб чиқиб, ишлаб чиқариш билан доимий шуғулланмайдиган ижтимоий ва хўжалик ҳаётини бошқарадиган шахслар учун жамоа маҳсулотини тақсимлаш пайтида, унинг йирик қисмини ўзлаштиришга асос бўлган⁴⁹.

Бундай ёндашув мулккий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилиш мақсади билан боғланган. Замонавий тарихшуносликдаги хулосаларга кўра, бошқарадиган шахсларнинг сараланишига, уларнинг шахсий ахлоқий хислатлари, билим ва нуфузлари сабаб бўлган⁵⁰. Демак, дастлаб ижтимоий мансабни жамоадаги тажрибали киши (овчи, темирчи, жангчи) эгаллаши мумкин бўлган. Аммо, бошқарувчининг дастлабки ижтимоий фойдали фаолияти,

назорат қилиш ва бошқариб туриш каби вазифалар билан банд бўлган шахсларнинг сараланиши ва улар томонидан бошқарув мансабларини эгаллаш яъни жамиятдаги бошқарувнинг касбий фаолиятга айланиши билан боғланади. Мансаб ва лавозимларни эгаллаган шахслар айнап ўзлари ишлаб чиқариш жараёнида иштирок қилмаганлар. Қаранг: Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке... – С. 85-86; Сайко Э.В. Предпосылки и условия формирования древнего города // Древние города. – Л.: Наука, 1977. – С. 15; Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи... – Б. 61-66.

⁴⁸ Массон В.М. Становление раннеклассового общества на Древнем Востоке ... – С. 85; Дьяконов И.М. Община на Древнем Востоке в работах советских исследователей // Вестник древней истории. – 1963. – № 1. – С. 28. Ушбу мавзуга тегишли, қаранг: Разложевице родового строя и формирование классового общества. – М., 1968. – С. 246.

⁴⁹ Хазанов А.М. Разложение первобытно-общинного строя и возникновение классового общества // Первобытное общество. – М.: Наука, 1975. – С. 111.

⁵⁰ Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи ... – Б. 61.

касбий бошқарувчиликка айланиши хусусиятлари ва қонуниятлари шўро даври тарихшунослигида етарли даражада ўрганилмаган.

Шу давр тарихшунослигида касбий бошқарувнинг вужудга келиши масаласи, “уруғ-қабилла зодагонлари”, “ҳарбий демократия” ва “босқинчилик” урушларининг ривожланиши мавзуси билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Бундай ёндашув, умумий назария сифатида турли ҳудудлар аҳолисининг қадимги тарихини ўрганишда устунлик қилиб келган.

Ушбу назарияга кўра “уруғ зодагонлари”, “уруғ-қабилла йўлбошчилари жамияти” вужудга келиши алоҳида бадавлат оилаларнинг пайдо бўлишига олиб келиб, бошқарув ва ижтимоий мансабларни эгаллаш мерос тариқасида отадан ўғилга ўта бошлаган⁵¹. Бу мақсадни амалга ошириш зарурати ижтимоий ва иқтисодий сабаблар билан белгиланган, чунки мансабдор шахслар ўз лавозими эвазига моддий рағбатлантирилганлар.

Ҳарбий сиёсий омилларга асосланган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши масаласини ўрганиш пайтида XX асрнинг 90-йиллари бошларига қадар Ф. Энгельснинг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асари манба сифатида хизмат қилган. Адабиётларда доимий ҳарбий тўқнашувлар шароитида, урушлар жангчилар ва ҳарбий йўлбошчиларнинг касб-хунарига ёки доимий касбий фаолиятига айланган деган хулоса ўз аксини топган⁵².

И.М. Дьяконов, Э.А. Грантовский ва бошқа олимлар “Авесто”да тилга олинган “ижтимоий-касбий” гуруҳларга ўз эътиборини қаратганлар. Булар коҳин, жангчи, зиротчи-чорвадор ва ҳунарманддир⁵³. Манбада қабилалар

⁵¹ Косвен М.О. К вопросу о военной демократии // Труды института этнографии АН СССР, 1960. Т. 4. – С. 241-261.

⁵² Хазанов А.М. Разложение первобытно-общинного строя и возникновение классового общества // Первобытное общество. – М.: Наука, 1975. – С. 123.

⁵³ Дьяконов И.М. История Мидии ... – С. 154; Грантовский Э.А. Индоиранские касты у скифов // XXV Международный конгресс востоковедов. – М., 1960. С. 3.

Ўртасидаги тинимсиз босқинлар ва талон-тарожлар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу шароитда жангчи ва ҳарбий-йўлбошчиларнинг нуфузи юқори бўлган⁵⁴.

В.М. Массон, А.А. Асқаров, В.И. Сарияниди, И.С. Масимов, Т.Ш. Ширинов ва бошқа олимлар Ўрта Осиёдаги бронза даври ёдгорликларини ўрганиб, бу даврда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланганлигини қайд этганлар. Бронза даврида ихтисослашган хунармандчилик вужудга келган⁵⁵. Жанубий Туркманистондаги Олтинтепада 2,5 гектар майдонда жойлашган қадимги кулолларнинг гузари қолдиқлари топиб текширилган. В.М. Массоннинг таъкидлашича, “кулоллар маркази”нинг ижтимоий-иқтисодий ўрни ва аҳамиятини аниқлаш муҳим аҳамият касб этган⁵⁶.

Тадқиқотчи, кулолчиликда ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ва бошқариш жараёнларини ўрганиш мақсадида Қадимги Шарқ ёзма манбаларига ўз эътиборини қаратган. Уларнинг гувоҳлигига кўра, хунармандчиликнинг турли соҳаларида касбий бошқарув, яъни “темирчилар бошлиғи”, “тўқимачилар бошлиғи” каби мансаблар мавжуд бўлган⁵⁷.

Бронза металлургияси, кулолчилик, заргарлик ва тўқимачиликнинг махсус касб-хунарга айланиши натижасида турли маҳсулотлар айирбошлаш ва савдо-сотик учун ишлаб чиқарилган. В.М. Массоннинг ёзишича, мазкур даврда ишлаб чиқариш муносабатлари тез ривож-

⁵⁴ Дьяконов И.М. Ҷша асар. – В. 386.

⁵⁵ Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // Советская археология. – 1967. – № 3. – С. 165-190; Асқаров А.А. Сапаллитена. – Т.: Фан, 1973. – С. 139; Сарияниди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // Советская археология. – 1974. – № 4. – С. 49-71; Масимов И.С. Изучение памятников эпохи бронзы в низовьях Мургаба // Советская археология. – 1979. – № 1. – С. 111-131; Ширинов Т. Джаркутан - ранний город эпохи бронзы юга Узбекистана // Зоны и этапы урбанизации. – Т.: Фан, 1989. – С. 43-44.

⁵⁶ Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии ... – С. 167; Масимов И. Раскопки ремесленного квартала эпохи бронзы на Алтын-Депе // Каракумские древности. – 1970. Вып. III. – С. 51-63.

⁵⁷ Массон В.М. Экономика и социальный строй ... – С. 69.

ланиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир қилган ва моддий ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви жамиятнинг иқтисодий тизимига таъсир қилиб, ишлаб чиқаришда бошқарувнинг янги шакллари татбиқ қилишни талаб этган⁵⁸. Тадқиқотчи В.М. Массон илгари сурган ёндашувларга қўшилса бўлади, чунки бронза металлургияси ривожланиши натижасида меҳнат қуролларининг хилма-хиллиги кўпайди, бу эса меҳнат унумдорлигини оширди, кўптармоқли ҳунармандчилик соҳалари вужудга келди, ортиқча маҳсулотлар иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий мавқеига эга бўлган коҳин ёки ҳарбий оқсоқол қўлида тўпланди.

В.И. Сарияниди ўз тадқиқотларида Шимолий Афғонистонда жойлашган бронза даври ёдгорликларини ўрганиши натижасида, Қадимги Бактриядаги оила ва жамият, яъни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнларини таҳлил қилган⁵⁹.

Даштли-3 ёдгорлигида ибодатхона комплекси ва сарой қолдиқлари топиб текширилган⁶⁰. В.И. Сариянидининг ёзишича, мил. авв. II минг йилликда деҳқончилик маҳаллий қабилалар хўжалигининг асосий соҳаси бўлиб, ибодатхона комплексида тахминан 150-200 киши истиқомат қилган. Улар, асосан, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар⁶¹.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, бронза даврида хусусий ва ибодатхоналарга тегишли зироатчилик шакллари ривож топган, йўлбошчи-коҳин ва унинг маъмурий аппарати Даштли воҳаси аҳолисининг кундалик ҳаётини, ўзаро алоқаларини назорат қилиб, уларни

⁵⁸ Массон В.М. Экономика и социальный строй ... - С. 70-71.

⁵⁹ Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. - М.: Наука, 1977. - С. 132-139.

⁶⁰ Сарияниди В.И. Бактрия в эпоху бронзы // Советская археология. - 1974. - № 4. - С. 49-71; Ўша муаллиф. Исследование памятников Дашлиевского оазиса // Древняя Бактрия. - М.: Наука, 1976. - С. 21-86; Ўша муаллиф. Месопотамия и Бактрия во II тыс. до н.э. // Советская археология. - 1986. - № 2. - С. 34-46.

⁶¹ Сарияниди В.И. Древние земледельцы ... - С. 138.

мувофиқлаштирган. Олимнинг ёзишича, ноҳа хўжалик ларида ер ва сувни тақсимлаш, ички тартибни сақлаш, диний урф-одатларни бажариш натижасида, бошқарув касбий фаолиятга айланган⁶³. Б.А. Колчин, Э.В. Сайконинг фикрларига кўра, касбий бошқарувнинг вужудга келиши ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш зарурати ва иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви жараёни билан боғлиқ бўлган⁶³.

В.И. Сарияниди бронза даврида махсус хунармандчилик ишлаб чиқариши вужудга келиши, мутахассис кулоллар ва темирчилар пайдо бўлишига ўз эътиборини қаратган. Олимнинг таъкидлашича “у пайтда Бахтрияда синфлар шаклланиши жараёни бошланиб, диний-мафкуравий функцияларни амалга ошириш айрим шахсларнинг касбий фаолиятига айланди: жамоа зодагонлари ва ҳарбий зодагонлар пайдо бўлди”⁶⁴.

А.А. Асқаров юқорида қайд этилган В.И. Сариянидининг хулосаларини танқидий таҳлил этиб, Даштли-3 ёдгорлигида қазиб очилган сарой ва ибодатхона аслида оддий деҳқончилик манзилгоҳлари бўлганлигини таъкидлаб,⁶⁵ уларни Сурхон воҳасидаги бронза даврига оид Сополлитепа билан қиёслаган. Маълумки, Сополлитепада уй-жойлар, рўзгор ва хўжалик хоналари ҳамда хунармандчилик устахоналарининг қолдиқлари топилган. А.А. Асқаров бронза даври Бахтрия аҳолисининг ижтимоий ҳаётида В.И. Сарияниди тасвирлаган даражадаги катта ўзгаришлар содир бўлмаганлигини қайд этган⁶⁶.

А.А. Асқаровнинг В.И. Сарияниди фикрларига нисбатан билдирган хулосалари кейинчалик ўзгарди. Бундай ёндашувга, ҳозирги Шеробод яқинида жойлашган бронза даврига оид шаҳар кўринишига эга бўлган Жар-

⁶³ Сарияниди В.И. Древние земледельцы ... – С. 138.

⁶⁴ Колчин Б.А., Сайко Э.В. Особенности развития и организации производства // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. – М.: Наука, 1977. – С. 9-34.

⁶⁵ Сарияниди В.И. Древние земледельцы... – С. 152.

⁶⁶ Асқаров А. Древнеземледельческая культура ... – С. 132-134.

⁶⁷ Асқаров А. Ўша асар ... – С. 135.

кўтонда олиб борган археологик тадқиқотлари натижалари асос бўлган. Жаркўтонда сарой ва оловга сифиниш билан боғлиқ ибодатхона қолдиқлари топилган⁶⁷.

Худди шундай ибодатхона қолдиқлари Жанубий Туркманистондаги Мурғоб дарёсининг қуйи оқимида Тоголок-21 ёдгорлиги ўрнида топиб текширилган⁶⁸.

В.И. Сариянидининг хулосасига кўра, Тоголок-21 бронза даврида Марғиёна деҳқончилик воҳаларининг марказий ибодатхонаси вазифасини бажарган бўлиб, унда асосий диний маросимлар амалга оширилган. Ушбу ёдгорликнинг ўрганилиши натижасида В.И. Сарияниди Зардушт ва зардуштийлик ватани тўғрисидаги муаммони таҳлил қилишга ҳаракат қилган⁶⁹.

XX аср адабиётларида келтирилган маълумотларга кўра, бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида эътиқод, диний маросимлар аҳолининг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, махсус коҳинлар гуруҳи пайдо бўлган. Натижада ушбу йўналишда ҳам касбий бошқарув фаолияти вужудга келган.

А.С. Сагдуллаев ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг вужудга келиши масаласини таҳлил қилар экан, бошқарувнинг пайдо бўлиши асослари ишлаб чиқариш, ижтимоий меҳнат тақсимооти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш заруриятидан келиб чиққанлигини таъкидлади⁷⁰. Буларнинг барчаси режалаштириш, ташкил қилиш, тартиб-

⁶⁷ Ширинов Т. Джаркутан – ранний город эпохи бронзы юга Узбекистана // Зоны и этапы урбанизации. – Т.: Фан, 1989. – С. 43-44; Уша муаллиф. Средняя Азия во II тысячелетии до н.э. и протозороастризм // ИМКУ. – Самарканд, 2000. Вып. 30. – С. 35-48; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура... – С. 54-56.

⁶⁸ Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш. – Анхбад: Ёлтам, 1990. – С. 102.

⁶⁹ Уша жойда. – С. 151.

⁷⁰ Сагдуллаев А.С. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари // Жамият ва бошқарув. 2004. – № 1. – Б. 9-10; Сагдуллаев А., Мавлонов У. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи ... – Б. 35.

га солиш, назорат қилиш вазифаларини юзага чиқариб, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туришни талаб этган. Бошқарув тизимида функцияларнинг кенгайиши натижасида дастлабки ижтимоий фойдали бошқарув касбий фаолиятга айланган⁷¹.

А.С. Сағдуллаев ушбу функцияларнинг мазмун-моҳиятини ҳам очиб берди. Тадқиқотчининг ёзишича, иқтисодий функциялар тизимида деҳқончилик ишларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа хўжаликларида ер ва сувни тақсимлаш, қурилиш, сугориш-ирригация ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик, хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш, савдо-сотиқ алоқалари муҳим ўрин тутган⁷². Бошқарувнинг иқтисодий функциялари билан боғлиқ ташкилий ҳамда ишлаб чиқариш элементлари ва тамойиллари мавжуд бўлганлиги қуйидагича қайд этилган:

— ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги иқтисодий муносабатларни бошқариш ва назорат қилиш;

— технологик янгиликларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

— маҳсулот ишлаб чиқаришни зарурий ашё ва ускуналар билан таъминлаш;

— иқтисодиётнинг ташкилий соҳаларига янгиликларни татбиқ этиш⁷³.

Шу билан бирга, бошқарувнинг ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функцияларига махсус изоҳ берилган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, “ижтимоий функциялар жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш” каби вазифалар билан боғланган. “Ҳарбий-сиёсий функциялар ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояла-

⁷¹ Сағдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи ... – Б. 35.

⁷² Сағдуллаев А. Менежментнинг шаклланиши тарихи. Инновацион менежмент асосларининг шаклланиши тарихида // Инновацион менежмент (дарслик). – Т.: Akademiya, 2005. – Б. 5.

⁷³ Сағдуллаев А. Менежментнинг шаклланиши тарихи ... – Б. 5, 22.

ниш, ҳарбий куролларни ишлаб чиқариш, куролланган қўшинларни ташкил этиш, макон ва туманлар ҳудудида мудофаа ишларини амалга ошириш, туман ва вилоятлар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида ривож топган”⁷⁴.

Адабиётларда ўз аксини топган маълумотларга кўра, Ўрта Осиёда касбий бошқарув фаолиятига ўтиш жараёни бронза даврида бошланган. Иқтисодий соҳаларида бунга ихтисослашган хунармандчиликнинг вужудга келиши сабаб бўлган. Янгича иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши, металлчилик, кулолчилик, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини талаб этарди. Бу борада режалаштириш ва ташкиллаштириш вазифалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодийнинг ташкилий-бошқарув тизимининг ривожига таъсир кўрсатган.

XX аср тарихшунослигида касбий бошқарувнинг вужудга келиши Ўрта Осиёда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғланган. Маълумки, илк шаҳарлар турли ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ҳамда маданий функцияларни (шаҳар-ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ҳарбий марказ, бош ибодатхоналар жойлашган маскан, йирик иншоотлар - сарой ва қалъалар мавжуд марказ) бажарган⁷⁵. Ушбу функцияларни амалга ошириш касбий бошқарув фаолиятини талаб қилган.

Э.В. Сайко касбий бошқарувнинг келиб чиқиши масаласини меҳнат тақсимотининг ажралиши ва ижтимо-

⁷⁴ Сағдуллаев А. Менежментнинг шаклланиши тарихи ... - Б. 5-6.

⁷⁵ Ушбу масалага тегишли қаранг: Литвинский Б.А. Древний Среднеазиатский город (местные традиции и иноземные модели) // Древний Восток. Города и торговля. - Ереван, 1973. - С. 99-125; Массон В.М. Городские центры раннеклассовых обществ // История и археология Средней Азии. - Ашхабад: Ёлтым, 1978. - С. 20-29; Ширинов Т.П. Теоретические проблемы урбанизации в среднеазиатской археологии // Марказий Осиёда урбанизация жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари. - Самарқанд, 1995. - С. 114-116; Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. - Т., 2004. - Б. 38-54.

ий табақаланишининг вужудга келиши билан болаган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, ушбу тарихий вазият турли кўринишдаги бошқарув вазифаларини амалга оширишни талаб этарди⁷⁶.

В.М. Массон Жанубий Туркменистондаги Олтинтепа мисолида илк шаҳарларда юқори табақа яшайдиган уй-жойлар (“йўлбошчи уйи”, “қоҳин уйи”) ва ҳунармандлар гузарлари мавжудлигига ўз эътиборини қаратган⁷⁷. Шаҳарларнинг турли функцияларини (иқтисодий, ижтимоий, маъмурий, ҳарбий) амалга ошириш пайтида бошқарув муҳим аҳамият касб этган. Бундай вазият илк давлатларнинг шаклланиши даврида пайдо бўлган.

Мустақиллик йилларида ушбу мавзуга мурожаат этган Э.В. Ртвеладзе ёзма манбаларга таянган ҳолда бошқарувни ҳарбий-сиёсий жиҳатдан аҳамонийлар давригача Ўрта Осиёда мавжуд ҳукмдорларнинг фахрий унвонлари билан болади. Ушбу унвонлар “Авесто”да – “қави” (ҳукмдор, подшо), “дахиюпати” (вилоят ҳокими), “састар” (ҳарбий йўлбошчи ҳамда вилоят ҳокими), “дахиюсасти” (барча вилоятлар ҳудудий бирлашувининг ҳукмдори), юнон тарихчилари асарларида — “басилевс”, яъни подшо (сакларнинг подшоси Аморг, Бақтрия ҳукмдори Оксиарт) шаклларида келтирилган⁷⁸.

Э.В. Ртвеладзенинг фикрига кўра, “қави” унвонининг келиб чиқиши маҳаллий бўлиб, милодий VI-VII асрларга оид Бухоро ҳукмдорлари –бухорхудотлар таъна пулларида ҳам учрайди. Демак, ушбу унвон “Авесто” давридан бошлаб ҳатто илк ўрта асрларда ҳам дастлабки аҳамиятини сақлаб келган⁷⁹.

Мавзу юзасидан билдирилган фикрлар шундан далолат берадики, касбий бошқарувнинг шаклланиши

⁷⁶ Сайко Э.В. Предпосылки и условия формирования древнего города // Древние города. – Л., 1977. – С. 15.

⁷⁷ Массон В.М. Экономика и социальный строй ... – С. 145-147.

⁷⁸ Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Т., 2005. – С. 58-61.

⁷⁹ Уша жойда. – С. 61.

билан маъмурий — ҳудудий бошқарув тарихи бошла-
нади, яъни туман бошлиғи, вилоят ҳокимлари ва дав-
лат ҳукмдорлари пайдо бўлади. Ибтидоий-ижтимоий
бошқарув ўрнига сиёсий ҳокимият вужудга келади.

Юқорида келтирилган далиллардан келиб чиқиб, ху-
лоса сифатида қуйидаги фикрларни билдириш мумкин:

— шўро даври тарихшунослигида қадимги касбий
бошқарув фаолияти тарихи ёзма манбалар, этнография
ва археология манбаларига таянган ҳолда ўрганилган
бўлиб, шу давр мафкураси талабига кўра, мавзу мул-
кий, ижтимоий табақаланиш масаласи билан боғланиб,
илмий-услубий жиҳатдан чегараланган ҳолда ёритилган;

— тадқиқотчиларнинг илмий ишларида муаммога
тегишли айрим фикр-хулосалар билдирилган бўлса-да,
бирок масала тарихшунослик нуқтаи назаридан яхлит
тарзда ишланмаган;

— XX аср тарихшунослигида, Ўрта Осиёда ижти-
моий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омилларга асослан-
ган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши бронза дав-
рида, яъни мил. авв. II минг йилликда содир бўлган;

— касбий бошқарув фаолиятининг вужудга келиши
сабаблари ва омиллари тарихий адабиётларда зироат-
чилик, ихтисослашган хунармандчиликнинг пайдо бўли-
ши, диний-мафкуравий функцияларни амалга ошириш
зарурати билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинган;

— умуман олганда шўро тарихшунослигида муаммо
таҳлили жуда кам адабиётларда ёритилган ва айрим
масалалар ўз ечимини топмаган;

— мустақиллик даврида ушбу йўналиш бўйича ай-
рим янги тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам,
мавзунинг тарихшунослиги ханузгача тўлиқ ўрганил-
маган, чоп этилган мақолаларнинг миқдори кам. Шу-
нинг учун мавжуд илмий муаммоларни янги асосларда
ўрганиш ва таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга. Қадимги
бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш
қонуниятларини етарли даражада билмай туриб, илк
давлатчилик тарихини ҳар томонлама кенг ёритиш
мураккаб вазифадир.

3.3. Илк давлатчилик муаммоси ўрганилишининг асосий натижалари

Ўрта Осиёда илк давлатчилик муаммосининг тарихшунослиги натижаларига кўра, дастлаб ушбу масаланинг ўрганилиши минтақадаги илк давлатларнинг вужудга келишининг тарихий санаси—хронологияси ва худудий жойлашуви ҳамда худудий чегараларини аниқлаш билан боғланган бўлиб, бу йўналишда қуйидаги масалалар муҳим аҳамият касб этган:

1. Қадимги Хоразм ёки “Қатта Хоразм” давлатининг тарихий географияси ва худудий жойлашишини аниқлаш.

2. “Авесто”да тилга олинган вилоятлар сиёсий бирлашмаси Арёшайёнанинг худудий таркибини таҳлил қилиш.

3. Қадимги Бақтрия подшолиги мавжудлигини исботлаб бериш ва унинг тарихий санасини таҳлил этиш.

Илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижаларини умумлаштириш шўро тарихшунослигида XX асрнинг 30-йилларида бошланган. С.П. Толстовнинг 1938 йилда чоп этилган “Ўрта Осиё қадимги тарихининг асосий саволлари” деган мақоласида илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижалари таҳлил қилинган эди⁶⁰. Шу давргача мазкур масала шўро тарихшунослигида деярли ўрганилмаган. Бу борада тадқиқотчилар Фарб адабиётларида мавжуд назарияларни умумлаштириб, муаммо юзасидан ўз фикрларини билдирганлар.

XX асрнинг 50-йилларида Фарб олимлари В.Б. Хеннинг ва И. Гершевичлар 30-йилларда фанга жорий этилган И. Марквартнинг Хоразм давлати тўғрисидаги ғоясини янги асосларда ривожлантириб, ушбу давлат Аҳамонийлар босқинига қадар Герируд-Тажан дарёси воҳасида Марв ва Хирот атрофларидаги худудларни бирлаштирган, деб ёзганлар. Ушбу хулосага кўра, “Қатта Хоразм” давлати таркибига Маргиёна, Ария ва Пар-

⁶⁰ Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // Вопросы древней истории. - 1938. - №1. - С. 176-203.

фия вилоятлари кирган⁸¹. Бундай ёндашув илмий адабиётларда бир қатор шубҳаларга олиб келди.

Ўтган аср 60-йилларининг бошларида “Қатта Хоразм” масаласи тарихшунослиги ва муаммога ёндашув В.А. Лившиц томонидан таҳлил қилинган⁸². 70-йилларга келиб, мавзу қизгин мунозарага айланиб, И.М. Дьяконов, Р. Фрай, И.В. Пьянков, М.Г. Воробьева тадқиқотларида ўз аксини топган⁸³.

1867 йилда Лейпцигда чоп этилган “Қадимги тарих” асарининг муаллифи М. Дункер Қадимги Бақтрия давлати мил. авв. IX асрда пайдо бўлганлигини таъкидлаган⁸⁴. Кейинчалик ушбу мавзуга бошқа шарқшунослар ҳам мурожаат қила бошладилар. Улар, асосан, Ктесийнинг “Персика” асарида тилга олинган Оссурия подшоси Нин ва Бақтрия подшоси Оксиарт урушлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланганлар. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, Оссурия подшолари Ўрта Осиё худудларига юришлар қилмаганлар, бошқа тадқиқотчилар, Бақтрия давлатининг мавжудлигини исботлаш учун Геродотнинг маълумотларидан фойдаланганлар⁸⁵.

Бақтрия қудратли ҳарбий қўшинларга эга бўлиб, ҳатто Оссурияга ҳам бир пайтлари рақиб бўлиши мумкин эди, деган фараз юзага келди. С.П. Толстовнинг ёзишича, Аҳамонийлар давлати таркибига Бақтрия иттифоқдош сифатида кирган⁸⁶. Бақтрия муҳим ҳарбий ва иқтисодий

⁸¹Henning W.B. Zoroaster: Politican or Witch... – P. 43; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. – P. 14.

⁸²История таджикского народа. – М., 1963. Т. 1. – С. 151-154.

⁸³Дьяконов И.М., Восточный Иран до Кира ... – С. 122-154; Фрай Р. Наследие Ирана ... – С. 468; Пьянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского // Вестник древней истории. – 1972. – № 2. – С. 3-21; Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 38-42.

⁸⁴Duncker M. Geschichte des Alterthums. – Bd IV. – Leipzig, 1867. – S. 15.

⁸⁵Геродот. История. В девяти книгах / Пер. Г.А. Стратановского. – Л.: Наука, 1972. – Кн. I. 153.

⁸⁶Толстов С.П. Основные вопросы ... – С. 184.

аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳокимлари вазифасини Аҳамонийлар сулоласининг вакиллари бажарганлар⁸⁷.

Ўрта Осиё қадимги давлатчилиги тўғрисида ёзган Фарб тадқиқотчиларининг ўзлари ҳеч қачон Ўрта Осиёда бўлмаганлар. Шунинг учун ҳам, улар минтақанинг тарихий географияси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб фикр билдирганлар, фақат тарқоқ ёзма маълумотлардан фойдаланиб, масалани аниқ ёритиш мураккаб масала бўлиб, муаммо илмий баҳсларга олиб келган.

XX аср ўрталарида мавзу М.М. Дьяконов томонидан таҳлил қилинган. Қадимшунос олимнинг ёзишича, Аҳамонийлар давригача Ўрта Осиёда йирик давлат уюшмалари ривожланмаган бўлиб, илк давлатлар кичик воҳаларда ташкил топган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, “Авесто” кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвириллаб, бу жамият уруғ-қабил муносабатлари анъаналарини ўзида сақлаган⁸⁸.

XX асрнинг ўрталарига қадар Фарб ва шўро тарихшунослигида қадимги юнон муаллифлари (Гекатей, Геродот, Ктесий) маълумотларининг таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлиб келди. Ушбу манбалар Ўрта Осиё элатларининг урф-одатлари, турмуш тарзи, диний эътиқоди, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ва сиёсий тарихи тўғрисида айрим маълумотлардан иборат, холос.

Аммо илк юнон тарихчилари Ўрта Осиёдаги қабилла-элатларнинг жойлашуви ва тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари ҳақида аниқ тасаввурлардан беҳабар бўлган. Ушбу манбаларга таянган ҳолда қадимги давлатларнинг (Бақтрия, Хоразм) ҳудудий таркиби ва жойлашувини аниқлаш мураккаб вазифага айланган.

М.М. Дьяконов, дастлаб, “Шимолий Бақтрия” ту-

⁸⁷ Мавзуга тегишли маълумотлар, қаранг: Мончадская Е.А. О правителях Бактрии и Согдианы VI-IV вв. до н.э. // Тр. Гос. Эрмитажа. – Л., 1961. Т.V. – С. 110-116.

⁸⁸ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии ... – С. 121-135; Ўша муаллиф. Древняя Бактрия // По следам древних культур. От Волги до Тихого океана. – М.: Культпросиздат, 1954. – С. 305-334.

шунчасини тарих фанига жорий этган (Шимолий Бақтрия — Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ерларидир). Шу пайтларга қадар Бақтрия асосан Шимолий Афғонистон ҳудудлари билан боғланган эди. Ўрта Осиё қадимги вилоятларининг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар кейинчалик фаоллашиб, бу масалани ҳал қилиш махсус тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилган⁸⁹.

1959 йилда чоп этилган В.М. Массоннинг монографиясидаги “Ўрта Осиёда Ахамонийларга қадар давлат уюшмаларининг муаммоси ва янги археологик материаллари”⁹⁰ деб номланган бобида шу давргача тарихшунослиқда мавжуд маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган.

Тадқиқотчи А.В. Арциховский ва А. Маруценколарнинг хулосаларига, яъни Жанубий Туркменистонда мил. авв. II минг йилликда “синфий илк қулдорлик жамиятининг” ривожланганлиги қайд этилганлигига ўз эътиборини қаратган⁹¹. А.А. Росляков ҳам Жанубий Туркменистонда қулдорлик ва содда, примитив давлат ташкилотлари таркиб топганлиги тўғрисидаги фикрни билдирган⁹².

В.М. Массон ушбу фикрларга эътироз билдириб, бронза даврида Копедтоғ олдида яшаган қабилалар зироатчилик ва сунъий суғориш учун кичик дарё ва булоқлар сувидан фойдаланганлар, шунинг учун ҳам ушбу воҳаларда йирик суғориш иншоотлар барпо этиш талаб этилмаган, деҳқончилик ва суғориш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш айрим жамоалар учун мураккаб вазифа бўлмаган, деб ёзган⁹³. Ушбу вазиятда Жанубий Туркменистоннинг бронза даври аҳолиси ибтидоий жамият тизими доирасида ҳаёт кечириб, ҳеч қандай давлат ташкилотлари юзага келмаган.

⁸⁹ Пьянков И.В. Бақтрия в античной традиции (общие данные о стране: название и территория). — Душанбе: Дониш, 1982. — С. 3-62.

⁹⁰ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. — № 73. — М. — Л., 1959. — С. 123-135.

⁹¹ Ўша жойда. — С. 123.

⁹² Росляков А.А. Краткий очерк истории Туркмении. — Ашхабад: Туркменгосиздат, 1956. — С. 19.

⁹³ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... — С. 125.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб шўро тарихшунослигида Ўрта Осиёда илк давлатларнинг ташкил топиши Қадимги Шарқ ҳудудлари сингари йирик суғориш иншоотларининг барпо этилиши масаласи билан боғланган ҳолда талқин қилинган.

С.П. Толстов мил. авв. VIII-VII асрларда Хоразмда йирик каналларнинг мавжудлигини қудратли марказий давлат сиёсати билан боғлаб, Хоразмда давлат ташкилоти бўлмаганда, бундай йирик ва узун каналларни қазиб ва сақлаб бўлмас эди, деган хулосага келган⁹⁴.

В.М. Массон “Хоразмда йирик суғориш иншоотлари мил. авв. VI-V асрларда барпо этилган деб, мил. авв. IX-VIII асрларда Хоразмда содда деҳқончилик-чорвачилик маданияти (Амиробод маданияти) ривож топган ва маҳаллий бронза даври маданияти хусусиятларини сақлаб, Хоразм тупроғида ўша даврга оид пахса ёки хом гиштдан қурилган уй-жойлар, мудофаа деворлари топилмаган, турар жойлар ярим ертўлалардан иборат бўлиб, сопол идишлар қўлда ясалган”, — деб таъкидлаган⁹⁵. Бундай хулосалар Хоразм ҳудудларида давлатнинг жуда эрта вужудга келганлигини инкор этган.

Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия ва Арияни қамраб олган “Қатта Хоразм” давлати тўғрисидаги назария ҳам рад этилган бўлиб, В.М. Массоннинг айтишича, Сўғдиёна ва Марғиёна тарихий-маданий жиҳатдан қадимги даврлардан бошлаб, Бақтрияга анча яқин бўлган⁹⁶.

Ушбу назарияга кўра, шу давр тарихшунослигида хоразмликлар дастлаб Ўрта Осиёнинг жанубида истиқомат қилганлар, қадимги форсларнинг ҳарбий юришлари натижасида, хоразмликлар жанубдан Қуйи Амударё ерларига сиқиб чиқарилган деб, фараз қилинган.

Кейинги йилларда М.Г. Воробьёва мазкур назарияни таҳлил қилиб, Хоразм давлати Қуйи Амударё ҳудудла-

⁹⁴ Толстов С.П. Древний Хорезм ... — С. 341; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации ... — С. 103.

⁹⁵ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... — С. 126.

⁹⁶ Ўша жойда.

рида қадимги замонлардаёқ вужудга келган, деб хулоса чиқарди⁹⁷. А.С. Сағдуллаев ушбу масалага ўз эътиборини қаратиб, бошқачароқ хулосага келган. Унга кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Марғиёна ва Бақтрия аҳолисининг вакиллари Ўрта Амударё ва Қашқадарё воҳасига кўчиб борган. Мазкур жанубий элатларнинг гуруҳлари Хоразмда ҳам жойлашган. Улар бу ерларда маҳаллий аҳолига қўшилиб, ушбу жараён этник жиҳатдан ёзма манбаларда тилга олинган “хорасмийлар” элатига асос солган. Демак, тадқиқотчининг фикрига кўра, Ахамонийлар даврига қадар Ўрта Осиёнинг жанубида хоразмликлар истиқомат қилмаганлар, улар Марғиёна — Бақтрия ва маҳаллий аҳолининг этномаданий синтези асосида айнан Хоразмда пайдо бўлганлар⁹⁸.

В.М. Массон Қадимги Бақтрия давлати тўғрисидаги назарияни юнон тарихчиси Ктесийнинг хабарлари асосида таҳлил қилган⁹⁹. Ктесий Оссурия подшоси Нин томонидан Бақтрияга уюштирилган ҳарбий юришни қуйидагича тасвирлайди: “Нин Бақтриянинг қалъалари, аҳолисининг кўплиги ва жасурлиги ҳақида хабардор бўлиб, ўзига бўйсундирган халқлардан кўп сонли қўшинларни йиғиб олган. Шу қўшинларга йўлбошчи бўлиб, Нин Бақтрия юртига бостириб кирган, аммо вилоят чегараларидаги хилма-хил тоғ даралари ва тор йўллари қўшинларни бир неча қисмларга бўлишга мажбур қилган. Бақтриядаги кўпдан-кўп йирик шаҳарлар орасида мамлакатнинг маркази Бақтра шаҳри машҳур бўлиб, баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган, унда подшо қалъаси алоҳида жойлашган”¹⁰⁰.

В.М. Массон Ктесийнинг асарида Бақтриянинг тарихий географияси ҳақиқий тасвирланган деган фикрга

⁹⁷ Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” и археология // Этнография и археология Средней Азии. — М.: Наука, 1979. — С. 41.

⁹⁸ Сағдуллаев А.С. Марғиёна ва Бақтрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху // Древний Мерв. — Ашхабад: Ўлим, 1989. — С. 17.

⁹⁹ Массон В.М. Древнеземледельческая культура ... — С. 131-132.

¹⁰⁰ Ўзбек тилига таржима, қаранг: Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. — Т.: Ўқитувчи, 1996. — Б. 40.

келган (Бақтриянинг жанубий чегараларидаги Ҳиндикуш тоғлари дараларида тор йўлларнинг мавжудлиги, Бақтра шахрининг мудофаа тизими ва подшо қароргоҳи тўғрисида маълумотлар ва бошқалар)¹⁰¹.

Булардан келиб чиқиб, В.М. Массон “Хуллас, Кир II нинг босқинига қадар Ўрта Осиёдаги сиёсий вазият қуйидагича бўлган. Бақтрияда йирик сиёсий уюшма мавжуд бўлиб, у ўз таъсирини Марғиёна ва Сўғдга ўтказган. Ўрта Осиёдаги иккинчи йирик сиёсий куч — кўчманчи қабилаларнинг уюшмаларидир”, — деган хулосага келган¹⁰².

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб “Ўрта Осиёда қулдорлик давлатларнинг шаклланиши”, “Ўрта Осиёдаги қулдорлик давлатлар” деган мавзулар дарсликлар ва умумлаштирилган монографияларда кенг ўрин олган¹⁰³. Тарихий адабиётларда мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг зироатчилик вилоятларида йирик суғориш иншоотларининг барпо этилиши, қалъа ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши давлатчиликнинг асосий омиллари сифатида ёритилган.

А.В. Арциховскийнинг 1955 йилда чоп этилган ва 1970 йилда ўзбек тилига таржима қилинган “Археология асослари” дарслигида қуйидаги маълумотлар мавжуд: “Амударёдан олинган катта суғориш каналлари қазилганлиги синфий тузум ва қулдорлик давлати пайдо бўлганлигидан аниқ далолат беради. Одамлар яшайдиган деворлардан иборат шаҳар харобалари тарқалганлиги шу каналларга боғлиқдир. Чорвачилик билан бирга деҳқончилик хўжаликнинг негизини ташкил этган, каналлар шунча-

¹⁰¹ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... — С. 132.

¹⁰² Ўша жойда.

¹⁰³ Очерки истории СССР. Первобытно-общинный строй и древнейшие государства на территории СССР. — М., 1956. — С. 241 и сл.; Мартынов А.И. Археология СССР. Гл. XI. 1. Земледельческие народы Средней Азии в эпоху рабовладельческого строя. — М.: Высшая школа. 1973. — С. 198-207; История СССР. — М.: Высшая школа. 1983. — С. 16-24; Андусин Д.А. Археология СССР. Раздел III. Гл. XV. Рабовладельческие и феодальные государства Средней Азии и Сибири. — М.: Высшая школа. 1977. — С. 187-190.


лик кўп қазилганки, бу ишни ибтидоий жамоа тузуми даврида амалга ошириш мумкин эмас эди”¹⁰⁴.

Демак, асосий хулосалар шундан иборатки, бундай ишлар давлатчилик шароитида амалга оширилган, каналларни фақат қуллар қазishi мумкин бўлган, “ҳеч қанақа давлат эркин жамоатчиларни бундай гоят катта ер ишларини бажаришга мажбур этолмас эди”¹⁰⁵. Минтақа ижтимоий-иқтисодий тарихида ирригация муҳим аҳамиятга эга бўлган, ирригация ишларини амалга оширишга жамоатчилар кенг жалб қилинган, деб хулоса чиқарилган¹⁰⁶.

XX асрнинг 70-йилларида В.М. Массон археология маълумотлари асосида, “Илк синфий жамиятнинг шаклланиши” археологик жадвалини қуйидагича ёритишга ҳаракат қилди:

Ш.3.1-жадвал

Қадимги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси



¹⁰⁴ Арциховский А.В. Археология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 176.

¹⁰⁵ Очерки истории СССР ... – С. 214; Арциховский А.В. Ушга асар... – Б. 176.

¹⁰⁶ Андрианов Б.В., Мухамеджанов А.Р. Ирригация и ее роль в социально-экономической истории древней и средневековой истории Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане. – 1980. – № 11. – С. 35-42.

¹⁰⁷ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ ... – С. 185, рис. 23.

Келтирилган жадвалдаги белгилар “илк синфий жамиятнинг” социологик схемасини асослаб бериш мақсадида тасвирланган. Масалан, жангчилар қабрлари, ҳарбий йўлбошчиларнинг мақбаралари ва ҳарбий қуролларнинг мавжудлиги, урушлар ва ҳарбий йўлбошчиларнинг турли функциялари тўғрисида далолат бериши мумкин. Турли уй-жойлар ва қабрларда топиб текширилган буюмлар ҳамда хазиналар жамиятдаги мулкий тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш (ҳарбий зодагонлар, жамоа зодагонлари, оддий жамоатчилар, қарам кишилар, асирлар-қуллар) жараёнларининг кўрсаткичи бўлиб, В.М. Массоннинг фикрига кўра, жамиятда қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлганлиги, яъни илк синфий жамиятнинг шаклланганлигини тасдиқлайди¹⁰⁸.

XX аср 80-йилларининг ўрталарида Ўрта Осиёдаги илк давлатлар масаласини М.А. Дандамаев, В.И. Сарияниди ва Г.А. Кошелевлар таҳлил қилганлар.

М.А. Дандамаев юнон тарихчиси Ктесийнинг хабарларидаги Бактрия ҳукмдорининг Осурия подшоҳи Нин билан сиёсий муносабатларига, ушбу манбалар таҳлилидан келиб чиққан шарқшунослар М. Дункер ва Ю. Прашекнинг ғоялари, Арёнам Вайжо (қадимги Хоразм) тўғрисидаги И. Маркварт, қадимшунослар С.П. Толстов ва М.М. Дьяконовларнинг хулосалари ҳамда “Қатта Хоразм” ҳақидаги В.Б. Хеннинг ва И. Гершевичларнинг назарияларига ўз эътиборини қаратган¹⁰⁹.

М.А. Дандамаевнинг маълумотларига кўра, Қадимги Бактрия давлатининг мавжудлиги ўта баҳсли масала бўлиб, ўз ечимини аниқ топмаган. Тадқиқотчи мил. авв. IX-VII асрларда Ўрта Осиёда йирик сиёсий уюшмалар таркиб топганлиги тўғрисидаги хулосаларни рад этган¹¹⁰. М.А. Дандамаев мил. авв. VIII-VI асрларда Хоразмда йи-

¹⁰⁸ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ ... С. 184, рис. 22; Ўша муаллиф. Эпоха первых цивилизаций // Вопросы истории. – 1986. № 3. – С. 49-63.

¹⁰⁹ Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – С. 28-31.

¹¹⁰ Ўша жойда. – С. 30.

рик кулдорлик давлатининг ривожланганлиги ҳақидаги фикрларга ҳам қарши чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқарган: “Аҳамонийлар давригача Ўрта Осиёда жадал ривожланган шаҳар ҳаёти ва мустақкам давлат уюшмалари номаълум бўлиб, ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралмаган эди. Илк шаҳарлар Ўрта Осиёда мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида шакллана бошлаган. Улар Сўғдиёна, Бақтрия ва Маргиёна марказлари бўлган. Мил. авв. VII асрда ушбу вилоятларнинг ҳудудларида сунъий суғоришга асосланган нисбатан юксак деҳқончилик маданияти шаклланган, аммо йирик давлат уюшмалари вужудга келмаган эди”¹¹¹.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, М.А. Дандамаев Ўрта Осиёда тўпланган археологик маълумотларни етарли даражада таҳлил қилмаган. Минтақада бронза давридан бошлаб қадимги деҳқончилик маданияти кенг ёйилади. В.М. Массон, А.А. Асқаров, В.И. Сариниди, И. Масимов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларига кўра, бронза даврида махсус ҳунармандчилик ишлаб чиқариши вужудга келган, яъни ҳунармандчилик ихтисослашган ёки касбий бўлиб, деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Ушбу мавзу китобимизнинг III боби 1-2-параграфларида таҳлил қилинган. Умуман олганда, бронза даврида Ўрта Осиёнинг зироатчи аҳолиси хўжалиқ, ҳунармандчилик, бинокорлик ва меъморчилик соҳаларида катта муваффақиятларга эришган. Ушбу анъаналар илк темир даврида — мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида янги асосларда ривожлантирилган.

М.А. Дандамаевнинг асари билан бирга 1985 йилда “Кавказ ва Ўрта Осиёнинг энг қадимги давлатлари” деган умумлаштирилган монография нашр этилган эди. Китобда асосан археология масалалари кўриб чиқилган. Ўрта Осиё археологиясига тегишли хулоса қисмининг муаллифлари В.И. Сариниди ва Г.А. Кошеленко давлат-

¹¹¹ Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. — С. 32.

чилик тарихига оид айрим фикрларни билдирганлар. Уларнинг ёзишича, мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий тизимнинг босқичма-босқич мураккаблашуви жараёни кузатилади. Ўтроқ аҳолининг деҳқончилик воҳаларда жойлашуви ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш зарурати бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солган. Турли-туман воҳаларда содда давлатчилик уюшмалари таркиб топган.

Бақтрия давлати шундай майда давлат ташкилотларнинг бирлашуви бўлган, деб хулоса чиқарилган¹¹².

И.М. Дьяконовнинг ёзишича, Қадимги Бақтрия давлати мил. авв. 650-540-йилларда ривожланган бўлиб, унинг шаклланиши кўчманчи қабилаларнинг ҳарбий юришлари билан боғлиқ бўлган¹¹³.

И.М. Дьяконов ва И.В. Пьянковларнинг хулосаларини солиштирган ҳолда, манбашунослар "Авесто"да ўз аксини топган сиёсий воқеаларни ҳақиқий тарих сифатида талқин қилганлар.

XX асрнинг 80-йиллари охирларида илк давлатчилик масаласи бўйича тарихшуносликда мавжуд маълумотлар ва илмий-услубий ёндашувлар (асосан, Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд мисолида) А.С. Сагдуллаевнинг диссертациясида ўз таҳлилини топган¹¹⁴.

Қадимшунос олим, И.М. Дьяконов хулосаларига нисбатан, Бақтрия давлатининг ташкил топиши санасини мил. авв. 700-йилгача қадимийлаштириш мумкин, деган фикрни билдирган. Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. VII-VI асрларда айнан Бақтрия худудида йirik вилоятлар мавжуд бўлиб, улар айрим деҳқончилик туман-воҳалардан иборат бўлган¹¹⁵. Археологик тадқиқотлар натижасида ҳарбий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қалъалар ва шаҳарларнинг вужудга

¹¹² Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии ... С. 203.

¹¹³ Дьяконов И.М. Восточный Иран ... - С. 135, прим. 52, - С. 143.

¹¹⁴ Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика: Автореф. дисс... докт. ист. наук. - М., 1989. - 45 с.

келиши ва мустақкам мудофаа тизимининг пайдо бўлиши тадқиқотчи томонидан қайд қилинган.

Шу билан бирга, ҳимояланиш ва ҳужум қуроллари (найзалар, ўқлар, ханжарлар, жанговар болталар ва ўқ сифатида ишлатилган тош ядролар) нинг пайдо бўлишига эътибор қаратилган. Олимнинг фикрига кўра, бу маълумотлар доимий ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий қарама-қаршилиқлардан далолат беради¹¹⁶.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, айнан шу даврда мураккаб ижтимоий ривожланиш жараёни кузатилиб, бу қуйидаги далилларда ўз аксини топган: алоҳида деҳқончилик туман-воҳаларида аҳолининг жойлашуви, ушбу туманларнинг дарё ҳавзаларидаги вилоятларга бирлашуви (турли уй-қўрғонлар, қалъа ва шаҳарларнинг мавжудлиги), туман ва вилоятлар марказлари сифатида ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамиятга эга бўлган шаҳарларнинг ривожланиши ва бошқалар¹¹⁷.

А.С. Сағдуллаевнинг тадқиқотлари қадимги оила ва жамият мавзусини ўрганишга бағишланган. Олимнинг таъкидлашича, “Мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Осиё жамиятининг асоси кичик оиладан иборат бўлиб, ҳар бир кичик оила 5-6 кишини ташкил қилган. Улар катта патриархал оила аъзолари бўлган. Катта оила (20-25 киши) умумий уй-жойда яшаган. Бу уйларда айрим кичик оилаларга махсус турар жойлар тегишли бўлсада, лекин уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти—“умумий том остида” “катта оила” (уй эгаси “нманопати”) раҳбарлигида ўтганлиги билан изоҳланади”¹¹⁸. Натижада олим зироатчилик туман-воҳа доирасидаги қадимги бошқарув масаласини таҳлил қилган. Унинг маълумотларига кўра, илк темир даврида туман-воҳаларида “уй-эгаси”, “қишлоқ оқсоқоли”, “оқсоқоллар кенгаши”, “туман ҳокими” каби мансаблар мавжуд бўлиб, бу ижти-

¹¹⁵ Сағдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа ... - С. 38.

¹¹⁶ Ўша жойда. - Б. 39.

¹¹⁷ Ўша жойда

¹¹⁸ Сағдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии ... - С. 61.

мой тузум давлатчиликнинг ривожланганлигидан далолат беради, деб қайд этган¹¹⁹.

Хуллас, XX асрнинг 80-йиллари охирларига қадар тўпланган маълумотларнинг таҳлилига таянган ҳолда, А.С. Сагдуллаев Ўрта Осиё жанубида илк давлатларнинг шаклланиши ва ривожланганлиги жараёнини қуйидаги даврлар билан белгилаган:

1. Бронза даври (мил. авв. II минг йиллик). Марғиёна ва Бақтрия воҳаларида илк давлатчилик тизимига ўтиш босқичи.

2. Бронза давридан темир асрига ўтиш даври (мил. авв. X-VIII асрлар). “Авесто”да тилга олинган “Арешайёна” каби вақтинча ҳарбий-сиёсий бирлашманинг таркиб топиши.

3. Илк темир даври (мил. авв. VII-VI асрлар). Қадимги Бақтрия давлатининг ташкил топиши (айнан Бақтрия, Сўғд, Марғиёна ва Ария). Қадимги Бақтрия давлатининг ташкил топишига, ички ижтимоий-иқтисодий сабаблардан ташқари, кўчманчилар томонидан мавжуд ҳарбий таҳдид асос бўлган, деб фараз қилинган¹²⁰.

Мил. авв. VII асрда Ўрта Осиёнинг тоғлик ва дашт худудларидаги кўчманчилар ҳарбий соҳаларда ютуқларга эришиб, ўтроқ зироатчи аҳоли учун ҳавфли рақибларга айланганлар¹²¹. Юнон тарихчиси Ктесий саклар маликаси Зарина ва мидияликлар ўртасидаги уруш тўғрисида ҳикоя қилган. Бу давр Мидия давлатининг ҳарбий юришлари билан изоҳланади¹²².

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, XX асрнинг турли нашрларида Хоразм ва Бақтрия мисолида давлат-

¹¹⁹ Ўша жойда. С. 61-62, 75-76.

¹²⁰ Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа ... - С. 40-41.

¹²¹ Литвинский Б.А. Оружие населения Памира и Ферганы в сакское время // Материальная культура Таджикистана. - Душанбе: Дониш, 1968. - Вып.1. - С. 69-115; Вишневская О.А. Культура сакских племен низовой Сырдарьи // Тр. Хорезмской археологической экспедиции. - 1973. - Т. VIII. - 160 с.

¹²² Пьянков И.В. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия ... - С. 70-73.

чиликнинг мавжудлиги тан олинган бўлиб, шу билан бирга ўтган асрнинг 70-80-йилларида баъзи бир тадқиқотчилар (М.А. Дандамаев, И.Н. Хлопин, Е.В. Зеймаль) минтақанинг жанубида йирик қадимги давлатларнинг таркиб топганлиги тўғрисидаги далилларни инкор этганлар ҳамда қадимги Хоразм давлати ҳақидаги савол баҳсли масалага айланган¹²³. Аммо Ўрта Осиё ўзига хос ва бетакрор цивилизация диёри бўлганлиги кўпчилик олимлар томонидан тан олинган.

Минтақа ҳудудларига тегишли “қадим Хоразм цивилизацияси” тушунчасини дастлаб С.П. Толстов фанга татбиқ қилган. 70-80-йилларда “Марғиёна цивилизацияси”, “Бақтрия цивилизацияси” каби атамалар ҳам тарихий адабиётларда қўлланилган. Мустақиллик йилларида собиқ Иттифоқ даврида Ўрта Осиё ҳудудларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари инкор этилмади ва ижобий баҳоланди, мисол учун, Хоразмдаги кашфиётлар тўғрисида қуйидаги хулосалар мавжуд: “Олимларнинг эллик йилдан зиёд олиб борган қахрамонона меҳнат маҳсулотлари “Труды Хорезмской экспедиции”нинг 16 та жилдида, “Материалы Хорезмской экспедиции”нинг 9 та жузида, “Низовья Сырдарьи в древности”нинг 5 та жузида, шунингдек юзлаб илмий мақолаларда, монографиялар ва тўпламларда ёритилди”¹²⁴.

Ана шу олимларнинг изланишлари туфайли Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихи XX асрнинг 90-йилларида янги асосларда тадқиқ қилинди.

¹²³ Дандамаев М.А. Политическая история... – С. 30; Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии (античность и раннее средневековье). – Ашхабад: Ёшлар, 1982. – 212 с.; Зеймаль Е.В. К периодизации древней истории Средней Азии // Новые памятники письменности и искусства. – М., 1986. – С. 154-156.

¹²⁴ Қадим Хоразм цивилизацияси // Фан ва турмуш. – 2006. – № 1-3. – Б. 5.; Қадимги Хоразм давлати мавзусига бағишланган янги адабиётлардан, қарапг: Ягодина В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (1 цикл) // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. – 2007. – № 1. – С. 75-79.

Замонавий тарихшуносликда Ўрта Осиёдаги илк давлатчилик муаммосини И.В. Пьянков тожик халқининг қадимги давлатчилиги тарихи билан боғлиқ ҳолда талқин қилди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, Ўрта Осиёда қадимги давлатлар “авесто халқи” доирасида вужудга келган¹²⁵. Муаллиф ушбу этносни “марказий эроний этник бирлик” деб номлашни таклиф қилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, ушбу бирлик тўғридан-тўғри тожик халқининг аجدоди бўлмаса ҳам, лекин тожик халқи шаклланган ҳудудларда жойлашган эди¹²⁶.

И.В. Пьянков “Қатта Хоразм” давлати масаласини кўриб чиқиб, бу борада И. Маркварт, В. Хеннинг, И. Гершевич, С.П. Толстов, И.М. Дьяконов, М.Г. Воробьева, И.Н. Хлопин ва бошқа тадқиқотчиларнинг хулосаларини таҳлил қилган. Юнон тарихчиси Гекатейнинг хабарларига асосланиб, олим хоразмликларнинг ҳудудий жойлашишини Туркман-Хуросон тоғ олди ерлари билан боғлаб, хоразмликлар Аҳамонийлар даврида жанубдан қуйи Амударё ҳудудларига кўчирилди деган хулосага келиб, В.М. Массон ва М.А. Дандамаевлар сингари қадимги Хоразм давлатининг қуйи Амударё ерларида мавжудлигини рад этган¹²⁷.

А.А. Асқаровнинг фикрига кўра, “хоразмийларнинг дастлабки ватани Бақтриядан жанубда, Ареядан шарқда Ҳерируд ва Ҳилменд дарёларининг юқори хавзасида, ҳозирги Ҳирот водийсида бўлган”¹²⁸.

Тадқиқотчи С.Б. Болелов, Ўрта Амударё ва Хоразм ҳудудларига Бақтрия аҳолиси вакиллариининг кўчиб

¹²⁵ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Т. 1. Древнейшая и древняя история. – Душанбе: Б.и., 1998. – С. 238.

¹²⁶ Пьянков И.В. Некоторые вопросы этнической предистории таджикского народа // Проблемы этнической истории народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1988. – С. 102.

¹²⁷ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... – С. 239-241; Уша муаллиф. Ктесий о Зороастре ... – С. 64. Уша муаллиф. Хорасмий Гекатей Милетского ... – С. 16-18.

¹²⁸ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – В. 113.

келганлиги тўғрисидаги хулосага¹²⁹ қўшилиб, ушбу воқеа милoddан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида содир бўлган, деб ёзган¹³⁰. В.Н. Ягодиннинг таъкидлашича, Шимолий Бактрия аҳолисининг Хоразмга миграцияси ҳақида Хумбузтепада топиб текширилган археологик маълумотлар далолат беради¹³¹.

Бизнинг фикримизча, Хоразм воҳасида хўжалик юритган қабилалар дарё irmoқлари ва ундан чиқарилган сунъий иншоотлар соҳили яқинларида, шаҳарлар қуриб майда деҳқончилик воҳаларида истиқомат қилганлар. Хоразм воҳаси аҳолиси Аҳамонийлар келгунга қадар, харбий-сиёсий вазият тақозоси билан Кўзалиқир каби шаҳар-давлатларни бунёд этган бўлишлари ҳам мумкин. Аммо бу фикримиз анча баҳсли масала бўлиб, чуқур археологик тадқиқотларни талаб этади, холос. Зеро, худди шу даврда ташкил топган сиёсий бирлашма Чармония, Даудон, Дарёлик, Қалтаминор, Полвоняп, Амиробод ва Хазорасп каби сугориш иншоотларини қурдирганки, уларнинг умумий узунлиги 70 км. ни ташкил қилган. Бундай катта ҳажмдаги сугориш иншоотларини қуриш, унинг соҳилидаги ҳудудларда катта ва ўрта даражали шаҳарларни қуриш ишлари, марказлашган давлат фаолияти билан боғлиқлигини яққол тасвирлайди. Сўнги йилларда chop этилган адабиётларда Хоразмда илк давлатчилик ва қадимги бошқарув масалаларига янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Бундай ёндашувлар Ю.А. Рапопорт, Л.Т. Яблонский, С.Б. Болелов, С. Матрасулов, С.Р. Баратов, Б.И. Вайнберг ва В.Н. Ягодин тадқиқотларида ўз аксини топган¹³².

¹²⁹ Сағдуллаев А.С. Маргиана и Бактрия... - С. 17.

¹³⁰ Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбуз-тепе. // Общественные науки в Узбекистане. - 1999. № 9-10. С. 90.

¹³¹ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема "Большого Хорезма" (2 цикл) // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. - 2007. - № 2. - С. 71.

¹³² Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. М.: Наука, 1998. - 31 с.; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антрополо-

Хоразм шаҳар харобаларида амалга оширилган янги археологик тадқиқотлар натижасида, Қуйи Амударё ҳудудларида илк шаҳарсозлик маданиятидан далolat берувчи янги маълумотлар топиб текширилди¹³³. XX аср тарихшунослигида ушбу маданиятнинг шаклланиши илмий фараз сифатида Бақтрия ва Марғиёна аҳолисининг Хоразм ҳудудларига кириб келиши (миграцияси) билан боғланган. Янги археологик кашфиётлар Хоразмда Аҳамонийлар давригача давлатчиликнинг пайдо бўлганлигини тасдиқлайди. Ю.А. Рапопортнинг фикрига кўра, қадимги Хоразм давлати мил. авв. VII-VI асрлар чегарасида вужудга келган¹³⁴. В.Н. Ягодиннинг таъкидлашича, Хоразмдаги илк давлатчилик ўчоқлари Қўзалиқир ва Хазорасп шаҳарлари атрофларида шаклланган¹³⁵.

Қадимги Бақтрия подшолиги масаласи И.В. Пьянков томонидан “қадимий кавийлар подшоликлари” сифатида талқин қилинган. Тадқиқотчи ушбу подшоликларнинг тарихини икки даврга (илк ва сўнги) ажратиб, Кави Хаосрав (Хусрав) даврида унинг давлати кичик мулкларга парчаланганлиги тўғрисида хулоса чиқарган¹³⁶. Кавийлардан бири Бақтриянинг подшоси Виштасп бўлиб, у Заратуштра (Зардушт) таълимотини қабул

гия могиљьников). – М.: Вост. лит. РАН, 1991. – 328 с.; Болелов С.В. Некоторые итоги археологических работ на Хумбуз-тепе // Общественные науки в Узбекистане. – 1999. № 9-10. – С. 85-90; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: Вост. лит. РАН, 1999. – 287 с.; Баратов С., Матрасулов Ш., Мадаминов М.Р. Археологические исследования в Узбекистане. – 2002 год. Вып. – 3. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане. – Т., 2003. – С. 38-45; Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (1 цикл)... – С. 75-79; (2 цикл)... – С. 70-78.

¹³³ Бегтс А.В., Ягодин В.Н., Ходжаиязов Г.Х. Археологические изыскания в древнем Ташкырманском оазисе // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. – Т.: Фан, 2006. – С. 55-64.

¹³⁴ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998. – С. 29-30.

¹³⁵ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (2 цикл)... – С. 75-76.

¹³⁶ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования... – С. 240.

қилган. Зардуштийликни кенг ёйиш мақсадида Кави Виштасп “диний” урушлар бошлаган. И.В. Пьянковнинг айтишича, Кави Виштасп мил. авв. VII асрнинг иккинчи ярмида, илк кавийлар эса мил. авв. IX-VII асрларда хукмдорлик қилганлар¹³⁷.

“Авесто”да келтирилган маълумотларга таянган ҳолда И.В. Пьянков мил. авв. IX-VIII асрларга оид сиёсий тарих масалаларини ёритган¹³⁸.

Манбашунос олим кавийлар подшолари рўйхатини таҳлил қилган. Олимнинг ёзишича, кавийларнинг энг қудратли вакиллари Кави Усан ва Кави Хаосрав арийларнинг барча мамлакатларини бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг доимий рақиблари ва ҳавфли душманлари дашт кўчманчилари — туронликлар бўлган. Кави Хаосравга қарши тур қабилаларининг йўлбошчиси Франграсён (Афросиёб) кураш олиб борган¹³⁹.

И.В. Пьянковнинг фикрига кўра, Бақтрия географик жиҳатдан “Авесто” дунёсида марказий ҳудудларда жойлашган. “Авесто” дунёси ёки вилоятлар бирлашмаси дастлаб Арёшайёна (Арёнам Вайчах), асосан Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шарқий Эрон ҳудудларида жойлашиб, Канға, Гава Суғда, Моуру, Хапта Хенду, Нисайя, Харайва, Гандхара, Харахвати, Хайтумант, Хнанта каби вилоятлардан иборат бўлган¹⁴⁰.

Олдинги йилларда И.М. Дьяконов ҳам “Авесто”нинг тарихий географиясини таҳлил қилиб, Арёшайёна — Кави Виштаспнинг подшолиги бўлган, кейинчалик Арёшайёна Бақтриянинг тарихий қисмига айлангандан сўнг, Кави Виштасп ёзма анъаналарда Бақтрия подшоси сифатида қабул қилинган, деб таъкидлаган¹⁴¹.

¹³⁷ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования Средней Азии — С. 241.

¹³⁸ Ўша жойда. — С. 242-247.

¹³⁹ Ўша жойда. — С. 243-244.

¹⁴⁰ Ўша жойда. — С. 247.

¹⁴¹ Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира ... — С. 136-144.

¹⁴² Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи ... — Б. 45.

“Авесто”да ўз аксини топган тарихий география тўғрисидаги маълумотларни А.С. Сагдуллаев ҳам таҳлил қилган. Тадқиқотчининг маълумотига кўра, “Авесто”нинг мамлакатлар рўйхатида биринчи навбатда тилга олинаётган Арешайёна, Арёнам Вайжони — бу кенг ҳудудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин. Видевдат китобининг махсус бобида Арёнам Вайжо Ванхви Даити дарёси атрофида жойлашган, деб эълон қилинган.

Ванхви Даити дарёси бизга номаълум бўлиб, уни йирик серсув дарё, деб фараз қилиш мумкин. Арёнам Вайжо иқлими баланд тоғли вилоятлар табиатиغا яқин бўлиб кўринади. Аммо Арёнам Вайжонинг географик чегаралари тўғрисида “Авесто”да аниқ маълумотлар йўқ¹⁴², деб хулоса чиқарилган.

И.В. Пьянковнинг ёзишича, Ванхви Даити (Вахви Датъя) — бу Амударё бўлиб, “Авесто”даги Хара, яъни Помир тоғларидан бошланган. Тадқиқотчи “Авесто” географиясида Хоразм чекка ўлка сифатида тасвирланган, деб таъкидлаган¹⁴³.

XX аср 90-йилларининг айрим нашрларида олдинги йиллар тарихшунослигининг камчиликлари сифатида Ўрта Осиёнинг илк давлатчилиги тарихига оид ижтимоий муносабатлар масаласи кўрилмаган, “мавжуд фикрларда асосан қулдорлик муносабатлари бўлганлиги таъкидланган”, деб хулоса чиқарилган¹⁴⁴. Бундай хулосага тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки бир қатор монографиялар ва мақолаларда бронза ва илк темир даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, жумладан, масалага тегишли “Авесто” маълумотлари ўз таҳлилини топган.

Шу давр тарихшунослигининг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихини ёритишда (масалан, мазкур китобда тилга олинган ва иқтибослар берилган И.В. Пьянков, В.И. Саррианиди, С.С. Қудратов ва бошқа олимларнинг асарла-

¹⁴² Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... — С. 247.

¹⁴³ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... — Б. 42.

¹⁴⁴ Дьяконов И.М., Якобсон В.А. “Номовые государства”, “территори-

ри), аввалги йилларда минтақа тарихшунослигида давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши натижалари махсус кўриб чиқилмаган. Аммо, бу йўналишда турли қарашлар ва ёндашувларнинг мавжудлиги маълум. Илк давлатларни даврлаштириш масаласи ҳозиргача муаммоли бўлиб, ўз ечимини топмаган.

XX асрнинг 90-йилларида, тадқиқотчилар илк давлатларнинг шакллари, бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлари каби мавзуларни таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар.

Илк давлатларнинг ривожланиш босқичлари ва турларини ўрганиш мақсадида И.М. Дьяконов ва В.А. Якобсонлар назариясидан кенг фойдаланилди, унга кўра, давлатнинг қадимги шакллари қуйидагича таъкидланган: шаҳар-давлат (“ном”), подшолик (ўртамиёна ҳудудий давлат), империя (йирик ҳудудий давлат)¹⁴⁵.

Иккидарё оралиги (Месопотамия) мисолида шаҳар-давлатлар мудофаа деворлари билан ўралган бўлиб, уларнинг ҳудудларида бош ибодатхона, маъмурият бинолари, ҳунармандчилик устахоналари, озиқ-овқат омборлари жойлашган.

В.М. Массон, В.И. Сарияниди, А.А. Асқаров, Т.Ш. Ширинов ва бошқа тадқиқотчилар ушбу назариянинг тарафдорлари бўлиб, бронза даврида Ўрта Осиё жанубида ва Шимолий Афғонистонда (Олгинтепа, Гонур, Тоголок, Даштли ҳамда Жарқўтон мисолида) шаҳар-давлатлар, “номлар” вужудга келганлигини таъкидлаганлар¹⁴⁶. В.И. Сарияниди Мурғоб воҳасидаги бронза даври ёдгорликла-

альные царства”, “полисы” и империи”. Проблемы типологии // Вестник древней истории. – 1982. – № 2. – С. 3-16.

¹⁴⁶ Массон В.М. Эпоха первых цивилизаций // Вопросы истории. – 1986. – № 3. – С. 49-63; Сарияниди В.И. Древности страны Маргуш – Ашгабад: Ёллим, 1990. – С. 300-304; Асқаров А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки в Узбекистане. – 1997. – № 3. – С. 65-76; Ширинов Т. Средняя Азия во II тысячелетии до н.э. и протозороастризм // История материальной культуры Узбекистана. Самарканд, 2000. – Вып. 3. – С. 35-48.

¹⁴⁷ Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте

ри мисолида “Қадимги Шарқ подшолиги” деган саволни рўёбга чиқарди¹⁴⁷. Бизнингча, бу тарихий атама нотўғри номланган, чунки “Шарқ” тушунчаси жуда кенг.

Археологик маълумотларга кўра, Даштли, Гонур ва Жарқўтондаги топиб текширилган сарой, ибодатхона, хунармандчилик устахоналари мудрофаа деворлари билан ўраб олинмаган.

Илк давлатларнинг археологик белгилари ва шакллари муаммоси С.С. Қудратов ва Ш. Шайдуллаев наشرларида кўриб чиқилган¹⁴⁸. С.С. Қудратовнинг рисола-сида шаҳар-давлатлар ва подшоликларнинг пайдо бўлиши санаси, “Катта Хоразм”, Қадимги Бактрия давлати, илк давлатларнинг турлари каби масалалар таҳлил қилинган¹⁴⁹. Фикримизча, ушбу рисола-нинг бир кичик камчилиги шундан иборатки, XX аср тарихшунослигида мавжуд хулосалар ва назариялар етарли даражада танқидий ёритилмаган.

Ш.Б. Шайдуллаев Шимолий Бактрияда Ахамонийлар босқинига қадар дастлаб бешта давлат ёки конфедерациялар ривожланганлиги тўғрисида ёзиб, уларнинг марказлари эса Жондавлаттепа, Қизилтепа, Хайтободтепа, Қалъаи Мир ва Бойтудашт ҳудудларида жойлашганлигини таъкидлади¹⁵⁰. Тадқиқотчи Бойтудашт, Қизилтепа ва бошқа қадимги шаҳарлар туман-воҳа, вилоят марказлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги аввалги йилларда эълон қилинган фикрларни ҳисобга олмаган, иккинчидан, шаҳар “худудий давлат маркази” деган тушунча ўта мураккабдир. Шунинг учун ҳам А. Анорбоевнинг фикрига кўра, “Сурхондарё вилоятидаги Қизилтепа, Жондавлаттепа ва Хайтободтепалар ху-

реки Мурғаб. – Ашгабат: Ылим, 2002. – 272 с.

¹⁴⁸ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши...; Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари ... Б. 5.

¹⁴⁹ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... – Б. 21-34.

¹⁵⁰ Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Т.: А.Кадыри, 2000. – С. 118.

¹⁵¹ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унияг ўрғанилиши тари-

дий давлатларни марказлари қилиб кўрсатилиши ҳам ҳақиқатга яқин эмас”¹⁵¹.

Сўнгги йилларда Э.В. Ртвеладзе тарихий цивилизациялар, давлатлар ва қадимги шаҳарлар каби муаммоларни таҳлил қилди. Тадқиқотчи минтақада давлатчилик шаклланиши ва ривожланиши жараёнини икки давр билан боғлаган:

– мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми, Жаркўтон мисолида, “ном” шаклидаги давлатга ўхшаш тузилманинг пайдо бўлиши;

– мил. авв. I минг йилликнинг бошлари — мил. авв. 539 йил Бақтрия, “Катта Хоразм” ва кўчманчиларнинг сиёсий конфедерацияларининг ташкил топиши¹⁵².

Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевлар монографиясида Ўрта Осиёда қадимги ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши, зардуштийлик ҳуқуқи ва “Авесто”да ҳуқуқий ғоялар каби масалалар ёритилган¹⁵³. Тадқиқотчилар “Авесто”да тилга олинган жазо (ўлим жазоси, қамоқхонага маҳкум этиш, жисмоний жазо, гуноҳни ювиш, қондошлик ўчи) ва динга қарши, шахсга қарши, ҳайвонларга қарши, ахлоққа қарши, табиат кучларига қарши жиноятларни атрофлича таҳлил қилганлар¹⁵⁴.

Қадимги давлатчилик масаласи А.А. Асқаровнинг янги тадқиқотларида ҳам ўз аксини топиб, илк давлатларнинг пайдо бўлиши санаси, шарт - шароитлари, омиллари ва ривожланиш хусусиятлари таҳлил қилинган¹⁵⁵.

Кўчманчи-чорвадорлар жамиятида давлатчиликнинг вужудга келиши бу алоҳида мавзу. Юнон тарихчилари

ҳидаги баъзи бир муаммолар // *O'zbekiston tarixi*. – 2004. – № 4. – Б. 6.

¹⁵² Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси – Б. 48-49; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии ... – С. 50-51.

¹⁵³ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Кўрсатилган асар. – Б. 216-239.

¹⁵⁴ Ўша асар. – Б. 234-235.

¹⁵⁵ Асқаров А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности ... – С. 65-76.

¹⁵⁶ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-

асарларида Зарина, Тўмарис каби маънавий буюмларнинг тарихидаги кўчманчи қабилалар конфедерациялари тарихидаги ҳикояларнинг мавжудлиги маълум. XX асрнинг 60-70-йилларидаги археологик тадқиқотларнинг натижасида тарихшунослигида мил. авв. VII-VI асрларда кўчманчи қабилаларнинг сиёсий бирлашмалари таркиб топганлиги ҳақида кўп бора фараз қилинган (С.П. Толстов, А.Н. Бернштам, М.П. Грязнов, О.А. Вишневская ва бошқалар)¹⁵⁶. А.А. Асқаров ва Т.Ш. Шириновларнинг ёзишича, чорвадорлар орасида дастлабки давлат уюшмалари мил. авв. I минг йилликнинг бошларида пайдо бўлган¹⁵⁷.

Бизнинг фикримизча, кўчманчи чорвадор қабилалар яйлов худудларини кенгайтириш мақсадида ҳарбий жиҳатдан бирлашганлар.

Шўро даври тарихшунослигида Бақтрия ва Хоразм сингари Чоч, Фарғона ва Сўғддаги илк давлатчилик масаласи кўриб чиқилмаган эди. Айрим илк ёзма манбаларда ("Авесто", Геродот) сўғдийлар ва Сўғд тилга олинган бўлиб, ушбу вилоят алоҳида қадимги давлат (подшолик) сифатида эслатилмаган. Бу ҳол, тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, Сўғд Бақтрия давлати таркибига кирганлиги тўғрисида далилат беради (В.М. Массон, А.С. Сагдуллаев)¹⁵⁸.

Сўнгги йилларда Р.Х. Сулаймонов, М.Х. Исомиддинов, О.Н. Лушпенко ва Б. Эшовлар Сўғдиёнада шаҳар-

Шаня и Памиро-Алая // Материалы и исследования по археологии. - 1952. - № 26. - 342 с.; Грязнов М.П. Восточное Приаралье // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. - М. - Л.: Наука, 1966. - С. 234; Вишневская О.А. Культура сакских племен низовий Сырдарьи // Тр. Хорезмской археологической экспедиции. - 1973. - Т. VII. - С. 160; Толстов С.П., Итина М.А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // Советская археология. - 1966. - № 2. - С. 151-175.

¹⁵⁷ Асқаров А. Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... - С. 189.

¹⁵⁸ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // Материалы и исследования по археологии. - 1959. - № 73. - С. 123-132; Сагдуллаев А.С. Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика: Автореф. дисс... докт. ист. наук. - М., 1989. - С. 41.

¹⁵⁹ Сулейманов Р. Появление города на Еркургане в процессе урбани-

созлик маданияти ва давлатчилиқнинг шаклланиши масаласини таҳлил қилдилар¹⁵⁹.

М.Х. Исомиддиновнинг таъкидлашича, Сўғдда давлатчилиқнинг шаклланиши мил. авв. VIII-VII асрларда бошланиб, вилоят ҳудудларида Афросиёб, Кўктепа, Узунқир ва Ерқўрғон каби йирик шаҳарлар барпо этилди. Улар сарой-қароргоҳларга эга бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. М.Х. Исомиддиновнинг ёзишича, улкан мудофаа тизимини барпо этиш вазифаси гоят катта куч талаб этган. Бу борада ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлган¹⁶⁰.

Б. Эшовнинг таъкидлашича, мил. авв. VII-VI асрларда Сўғд ва Бактрия этник-маданий бирликни ташкил этарди. “Сўғд давлатчилиғи тарихида нафақат четдан бўлган ташқи таъсир, балки, ички омиллар ва имкониётларнинг ҳам аҳамияти катта бўлди”, - шу фикр билан бирга, тадқиқотчи Сўғд ва Бактрия ташқи босқинлардан ҳимояланиш мақсадида сиёсий бирликни ҳам ташкил қилиши мумкин эди, деб фараз қилди¹⁶¹.

Р.Х. Сулаймонов, Сўғд ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида давлатчилиқнинг вужудга келиши омилларини деҳқончилик хўжалиғи, темир металлургияси, ихтисослашган ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг жадал ривожланганлиғи билан боғлаган¹⁶².

зации и сложение государственности на территории Узбекистана / / O'zbekiston tarixi. - 1999. № 2. - С. 14-22; Ўша муаллиф. Древний Нахшаб... - 342 с.; Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда.: Автореф. дис. ... докт. истор. наук. - Самарканд, 2000. - 42 с.; Эшов В. Сўғдиёна тарихида лавҳалар. - Т.: Уливерситет, 2002. - 114 б.

¹⁶⁰ Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандского Согда ... - С. 36; Ўша муаллиф. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. - Т.: А. Кадыри, 2002. - С. 206.

¹⁶¹ Эшов В. Сўғдиёна... - В. 95; Ўша муаллиф. История и культура Согдианы VII - IV вв. до нашей эры.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Т., 1999. - С. 15.

¹⁶² Сулейманов Р.Х. Появление города на Еркургане ... - С. 14.

¹⁶³ Заднепровский Ю.А. Типология и динамика развития городских

Шундай қилиб, янги маълумотларнинг таҳлили умумлаштирилган ҳолда, Сўғднинг илк давлатчилиги тўғрисида янги ёндашувни вужудга келтирди.

Қадимги Фарғона тарихини ўрганишда Ю.А. Задиспоровский катта ҳисса қўшган. Тадқиқотчи қадимги Фарғонада илк шаҳарларнинг таркиб топиши масаласини кўриб чиққан, кейинчалик муаммо Б. Матбобоев ва А. Анорбоев мақолаларида ўз таҳлилинини топган¹⁶³.

Б. Матбобоев қадимги “воҳа давлатчилиги” ғоясига асосланиб, мил. авв. VIII-VII асрларда Фарғонада воҳа давлатчилиги бўлган, деган фикрни илгари сурди¹⁶⁴. А. Анорбоев бундай ёндашувга қарши бўлиб, қуйидаги далилларни келтирди: “Фарғона водийси табиий географик ва геоморфологик нуқтаи назардан тоғликлар, адирликлар ва текисликлар каби районларга бўлинади. Бу ерда шуни айтиш жоизки, биринчидан, баъзи бир ирригацион районда икки, баъзида уч воҳа мавжудлигини кузатиш мумкин. Агар Б. Матбобоев илгари сурган Фарғонанинг 15 та географик районида мил. авв. VIII-VII асрларда воҳа давлатчилиги бўлган, деган фикрни таҳлил қилсак, унда илк темир даврида Фарғонада 15 та воҳа давлати бўлиши керак. Бу, албатта, илмий нуқтаи назардан ҳеч қандай асосга эга эмас, яъни нотўғридир¹⁶⁵.”

А. Анорбоевнинг фикрига кўра, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Фарғонада “бошланғич давлатчалар” ёки давлат типидagi сиёсий уюшмалар вужудга келган бўлса керак. “Милоддан аввалги бир мингинчи йилларнинг бошида юқоридаги тилга олинган бошланғич давлатчалар асосида Фарғонада илк давлат уюш-

поселений древней Ферганы // Древний город Средней Азии. — Л., 1973. — С. 17-20; Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // O'zbekiston tarixi. — 2002. — № 1. — Б. 3-11; Анарбаев А. О раннем городе Ферганы // Ош и Фергана в исторической перспективе. — Бишкек, 2000. Вып. 3. — С. 70-71.

¹⁶³ Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари ... — Б. 10.

¹⁶⁵ Анорбоев А. Ўзбекистонда илк давлатчилик ... — Б. 10.

¹⁶⁶ Ўша жойда. — Б. 11.

маси пайдо бўлган, деган фикрни ўртага ташласак бўлади”, — деб хулоса чиқаради қадимшунос олим¹⁶⁶.

А. Анорбоевнинг ёзишича, худди шундай мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида “ном” типидagi кичик-кичик давлатлар Сўғда пайдо бўлади. Ушбу сиёсий ташкилотлар асосида мил. авв. X-VIII асрларда Сўғд ҳудудида ҳам илк давлат уюшмаси вужудга келган, деган фикр таъкидланади¹⁶⁷.

Давлатчилик масаласига турли ёндашувлар, Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатларнинг қачон пайдо бўлганлиги ва уларнинг шакллари масаласида олимлар ўртасида турли фикрлар мавжудлигини кўрсатади. Бу табиий бир ҳол, фикримизча, замонавий тадқиқотларда бу масалани ечиш мақсадида XX аср тарихшунослигидаги қўлга киритилган илмий тажриба, умумлаштирилган маълумотлар, ёндашувлар ва хулосаларга доимий равишда етарли даражада эътибор берилмайди. Масалан, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида Бақтрия, Сўғд ва Фарғонада “ном” типидa давлатлар вужудга келган деб фараз қилиш мумкин. Лекин бундай ёндашув шу даврдаги Бақтрия, Сўғд ва Фарғона аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан умумий даражада ривожланганлигини исботлаб беришни талаб этади.

Тадқиқотчилар тарихий адабиётларда бу ривожланишнинг турлича бўлганлигини инкор этмаганлар. Масалан, Сўғд ва Фарғона ҳудудларида бронза даврига оид айнан Тоголок, Даштли ва Жарқўтон туридаги ёдгорликлар қанузгача топиб текширилмаган. Шунинг учун ҳам бронза даврида Бақтрия, Сўғд ва Фарғонада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари, хусусиятлари ва имкониятлари бир-биридан фарқ қилган. Ушбу вилоятларда давлатчиликнинг шаклланиши ҳам умумий схема бўйича эмас, балки ўз шарт-шароитлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда вужудга келган.

¹⁶⁷ Ўша жойда. — Б. 12.

¹⁶⁸ Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма (этапы и пути само-

Ўрта Осиёда илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижалари юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

– XX асрнинг 30-йилларига қадар Фарб тарихшунослигида асосан Бақтрия ва Хоразм давлати масаласи таҳлил топиб, баҳс-мунозараларга асос солган;

– шўро даври тарихшунослигида ушбу масала ёзма ва археология маълумотларининг қиёсий таҳлили асосида ўрганилган бўлиб, бир гуруҳ олимлар томонидан Аҳамонийлар даврига қадар Ўрта Осиёнинг жанубида “Қатта Хоразм” давлатининг мавжудлиги ва Қадимги Бақтрия давлатининг ривожланганлиги тан олинган. Қуйи Амударё худудларида пайдо бўлган Хоразм давлати тўғрисидаги ғоя маълум қаршиликларга дуч келган бўлиб, ҳатто ХХІ аср бўсағасида чоп этилган мақолаларда Хоразм цивилизациясининг шаклланиши мил. авв. VI- IV асрлар билан боғланди¹⁶⁸;

– XX асрнинг 60-80-йилларида нашр этилган турли адабиётларда “Авесто”да тилга олинган қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси Арёшайёна тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган, аммо бу масала ҳозирги кунга қадар баҳсли бўлиб, ўз ечимини топмаган;

– шўро даври тарихшунослигида Ўрта Осиё худудларидаги илк давлатлар Қадимги Шарқ цивилизациялари таъсирида пайдо бўлган деган фикрни билдириб, уларнинг шаклланишида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг аҳамияти, суғориш иншоотларининг қурилиши (кўпчилик аҳолини мажбурий равишда жалб этиш) бошқарув ва давлатнинг вужудга келишини тақозо қилганлиги қайд этилган. Аммо, Қадимги Шарқда содир бўлган тарихий жараёнларни қиёслаш, тўғридан-тўғри Ўрта Осиё шароитига кўчириш тарихий нуқтаи назардан баҳсли масала ҳисобланади;

— ушбу ғоя асосида Ўрта Осиёда дастлабки сиёсий ташкилотлар қулдорлик муносабатлари мазмунида,

идентификации) // ИМКУ. – Самарқанд, 1999. – Вып. 30. – С. 89-90.

кулдорлик давлатлари сифатида тарихий сахнада пайдо бўлган, деган бундай ёндашув замонавий тарихшунослик талабларига мос келмайди;

— XX асрнинг 80-йиллари охирларига келиб, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида давлатчиликнинг шаклланиши жараёни минтақанинг шимолий ва шарқий вилоятларига нисбатан бронза даврида бошланди, деб таъкидланди ва илк давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши янги маълумотлар асосида кўриб чиқилди;

— мустақиллик йиллари тарихшунослигида илк давлатчилик турлари “ном”, “бошланғич давлат”, “шаҳар-давлат”, “қадимий шарқ подшолиги”, “воҳа-давлатлар” каби тушунчалар билан боғланди, давлатчилик муаммоси нафақат Хоразм; Бақтрия, Марғиёна тарихига тегишли, шунингдек, Сўғд ва Фарғона мисолида ҳам таҳлил қилинди.

Умуман олганда, минтақа, жумладан, Ўзбекистоннинг замонавий тарихшунослигида қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик муаммолари билан махсус шуғулланаётган мутахассис олимларнинг миқдори етарли эмас. Аввалги йилларда ҳам бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши масаласининг ўрганилиши кам сонли адабиётларда ёритилганлиги маълум. Юқорида таҳлил қилинган муаммолар долзарб аҳамиятга эга бўлиб, янги тадқиқотларни талаб этади.

ХУЛОСА

Мазкур китобда Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик муаммосига оид илмий билимлар, услубий ёндашувлар ва назарияларнинг ривожланиши, уларни қиёсий — тарихий, хронологик даврлаштириш нуқтаи назаридан ўрганилиши тарихи таҳлил этилиб, турли маълумотлар умумлаштирилди.

Хронологик жиҳатдан XIX асрнинг иккинчи ярмидан — XXI аср бошларигача бўлган даврда чоп этилган илмий адабиётлар уч гуруҳга бўлиниб (собиқ шўро даври тарихшунослиги, мустақиллик даври тарихшунослиги, хорижий тадқиқотлар) таҳлил қилинди.

XX асрнинг 30-йилларига қадар илк давлатлар тарихи фақат ёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганилган эди. Шу аср 30-40-йилларининг охирларида Ўрта Осиёда илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши тарихи, адабиётлардаги мавзуга оид ёндашувлар дастлаб таҳлил қилинган.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, айниқса, 50-80-йиллар давомида Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида кенг археологик тадқиқотлар амалга оширилиб, бронза, илк темир даври, яъни илк давлатчилик босқичлари тарихига оид маълумотлар тўпланган ва фанга жорий этилган. Айнан шу йилларда илмий ахборот доирасининг кенгайиши туфайли илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг археологик белгиларини ишлаб чиқишга асос солинган. Бундан аввал Фарб ва шўро тарихшунослигида мавзу фақат ёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганилган эди.

Археологик тадқиқотлар натижасида одинган маълумотлар ёзма манбалар билан таққосланган. Манбашунос ва қадимшунос олимларнинг нашрларида қадимги оила ва унинг таркиби, уруғ ва ҳудудий қўшничилик жамоаси, қабила ва қабилалар бирлашмаси, бошқарув тартиби каби масалалар ёритилган.

XX аср тарихшунослигида бронза ва илк темир даври ижтимоий-иқтисодий ва бошқарув тизимига оид

“Авесто”да мавжуд маълумотлар кенг ўрганилган. Бошқарувга оид “нманопати”, “виспати”, “зантупати”, “дахиюпати”, сиёсий институтлар ва давлатчилик тизимига тегишли — “састар”, “кави”, “дахиюсасти”, “хшатра”, ҳокимият рамзи ва ҳукмдорнинг шон-шухрати ва улугворлигини акс эттирувчи — “фарра” ёки “хварно” каби атамалар, шулар жумласидандир.

Собиқ шўро даври тарихчи олимлари илк давлатчилик муаммоларини ўрганиш пайтида шу давр ҳукмрон мафкураси талабларини амалга оширишга мажбур эдилар. Марксча услубий ёндашув ва назария доирасидан чиқиб, давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллигига асосланган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш шўро даврида мушкул бўлиб, мавзуни ёритишда тўсиқлар яратган. Кулдорлик давлати — давлатчиликнинг биринчи шакли деб эътироф этилган эди.

Ғарб тарихшунослигида ҳам минтақадаги илк давлатчилик масаласига доир тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо, XX асрнинг 90-йилларига қадар хорижий тадқиқотчиларга ёзма манбалардан ташқари Ўрта Осиё археологияси маълумотларидан беистисно фойдаланиш имкониятлари чегараланган бўлиб, уларнинг асарларида мавзу бўйича муаммоли ёки нотўғри ёритилган масалалар кўрсатиб берилмаган. Бундан ташқари, Ғарб адабиётларида Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи асосан Шарқий Эрон тарихи сифатида ёритилган. Масалага ана шундай ёндашув айрим нотўғри қарашларнинг шаклланишига олиб келди.

XX асрнинг 90-йилларида мазкур мавзуни ўрганишда янгича концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги туфайли шўро даври тарихшунослигидан мерос қолган синфий назария янги тадқиқотларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу билан бирга, айрим манбашунос ва қадимшунос олимларнинг нашрларида давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллигига ўз эътиборини қаратиш зарурати, бу муам-

мони ўрганиш ва ечиш фақат синфий назария билан чегараланмаганлиги таъкидланди.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё мамлакатларида илк давлатчилик тарихини қайта кўриб чиқиш ва янги асосларда ёритиш жараёни бир-бирларидан ажралган ҳолда бошланди.

Марказий Осиё минтақаси тарихшунослиги доирасида илк давлатчилик тарихи асл манбаларга таянган ҳолда, фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилиши керак бўлган мавзуга ноҳолис ёндашув пайдо бўлди. Айрим қўшни давлатларда ўз халқининг давлатчилик тарихи минтақадаги энг қадимги воқеа сифатидаги назарияларни ва этник танланганлик ғоясини кенг тарғиб қилиш, сунъий равишда ҳақиқат даражасига кўтариш услублари вужудга келди. Бу йўналишдаги мақола ва монографияларда, тарихнинг илмий жихатдан мураккаб воқеа-ҳодисаларни тарихшунослик талабларига, қиёсий таҳлил услубига асосланиши лозимлиги ва ҳаққоний тарихни ёритиш усулидаги ёндашув четлаб ўтилди.

Ҳозирги кунга келиб муаммонинг ўрганилишида қуйидаги мунозарали масалалар мавжуд:

— Ўрта Осиёда давлатчиликнинг шаклланиш омиллари ва тарихий тараққиёт қонуниятлари мавзуси, бу борада давлатларнинг таркиб топишида сиёсий ва ҳуқуқий омилларнинг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган;

— қадимги бошқарув ва илк давлатчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва бошқарувнинг ривожланиб бориши, ўзаро бир-бирига боғлиқлиги масаласи;

— давлат вужудга келишидан аввал минтақадаги қадимги жамоаларнинг ижтимоий бошқаруви хусусиятлари;

— ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омилларга асосланган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши муаммоси;

— Ўрта Осиёда “илк давлатчилик” тушунчаси, уни ривожланишининг тарихий даврлаштирилиши, қадим-

ги давлатлар турлари ва бошқарув шакли, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар.

Ўрта Осиёдаги бронза ва илк темир даври бошқарув тизими қандай шакллардан иборат бўлганлиги масаласи тарихда ҳанузгача аниқ ечимига эга эмас. Айрим замонавий тадқиқотларда, Қадимги Шарқда давлатларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари сингари Ўрта Осиёда ҳам яқин тарихий шароитда давлатлар таркиб топганлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан минтақадаги илк давлатлар “ном” туридаги ёки “шаҳар-давлатлар” ҳамда “воҳа-давлатлар” тушунчалари билан боғланади. Лекин ушбу тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва изоҳи борасида қадимшунослар ўртасида илмий баҳслар мавжуд.

Қадимги Шарқ ҳудудларига нисбатан Ўрта Осиёда давлатлар биров кеч вужудга келган. Минтақанинг бронза даври тарихига тегишли ёзма манбалар мавжуд эмас. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори, унинг ишлаб чиқарилиш даражаси археология маълумотларига асосланиб ўрганилади. Лекин ушбу маълумотлар тўлиқ эмас, шунинг учун ҳам қадимги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи юзасидан маълум ҳолатларда нисбий хулосалар чиқарилган.

Фикримизча, Қадимги Шарқда илк давлатчилик вужудга келиши муаммосига тегишли концепциянинг муҳим жиҳатларидан Ўрта Осиёнинг қадимги тарихини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Бу борада минтақада давлатчилик шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини, мазмун-моҳиятини инобатга олиш лозим.

Бошқа долзарб муаммо — Ўрта Осиёда илк темир даври (мил. авв. VIII-VI асрлар) “воҳа-давлатлар” тўғрисидаги фоя бўлиб, яъни минтақанинг кичик воҳаларини эгаллаб турган шаҳарлар атрофларидаги давлатлар ҳақидаги хулосадир. Бронза даврига нисбатан илк темир асрининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларида анча ўзгаришлар содир бўлганлигини инобатга

олган ҳолда, юқорида келтирилган хулоса баҳслидир. XX аср тарихшунослигининг маълумотларига кўра, мил. авв. VIII-VI асрларда Ўрта Осиёда нисбатан ҳудудий жиҳатдан йирик давлатлар (Бақтрия, Хоразм ҳамда янги далилларга кўра — Сўғд) пайдо бўлган.

Бақтрия ва Хоразм давлатлари XX асрнинг 80-йилларига қадар минтақадаги энг қадимги давлатлар деб келинган. Кейинчалик, улар Ўрта Осиё давлатчилиги тарихининг даврлаштирилишидаги учинчи босқичга тегишли давлатлар сифатида талқин қилинди.

Илк давлатлардан ҳисобланадиган Хоразм давлати дастлаб қайси ҳудудда (жанубда “Қатта Хоразм” ёки қуйи Амударёдаги Хоразм) пайдо бўлганлиги муаммоси баҳсларга сабаб бўлиб, ҳанузгача аниқ ечимини топмаган. Айрим тадқиқотчилардан ташқари, қадимги Хоразм давлатининг ривожланганлиги кўпчилик тарихчиларда шубҳа уйғотмайди.

Яна бир муаммо махсус муҳокама ва аниқлик кириштишни талаб қиладики, бу Ўрта Осиёдаги илк давлатларнинг ижтимоий мазмун-моҳияти масаласидир. XX асрнинг 90-йиллари адабиётларида “қулдорлик давлатлар”, “қулдорлик жамияти”, “қулдорлик тузум” каби тушунчалар камдан-кам ишлатила бошлади. Лекин “эксплуатация муносабатлари”, “ижтимоий синфлар”, “жамиятда қарама-қаршилик”, “синфий тузум” ва бошқа тушунчалар турли адабиётларда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихини янги илмий қарашлар ва ёндашувлар асосида ёритилиши, замонавий услубий-концептуал талаблар ушбу тушунчалардан тўлиқ воз кечиш заруратини юзага чиқармоқда. Тадқиқотчиларнинг минтақада илк давлатлар қулдорлик давлатлар шаклида вужудга келмаган деган фикрларига қўшилиш мумкин.

Умуман олганда, XIX асрнинг иккинчи ярми, XX-XXI аср бошлари тарихшунослигидаги кўплаб назариялар ва ёндашувларнинг изоҳида унга танқидий баҳолар бериш, айниқса, “синфий” назариядан воз кечиш билан бирга,

айрим ёндашувлар ва тадқиқотларнинг ижобий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш лозим. Мисол учун, XX аср адабиётларида асл манбалар асосида фанга татбиқ этилган илк давлатларнинг археологик белгиларининг ишлаб чиқиши, илк ёзма манбалар ва тарихий география масалаларининг таҳлиliga ва ўрганилиши тарихига ёндашув, илк давлатлар ва илк шаҳарлар тарихини бири бири билан ўзаро боғланган жараён сифатида талқин қилиш тамойиллари, шулар жумласидандир.

Тарихшуносликда мавжуд бўлган маълумотларни ва илмий қарашларни умумлаштирилган ҳолда, Ўрта Осиёдаги илк давлатчилик тарихини тадқиқотчилар томонидан қуйидаги даврлар ва шаклларга ажратиб ёритилиши, тарихий ҳақиқатга анча яқин:

— бронза даври, “воҳа-давлатлар” (марказий ибодатхона ва мудофаа деворлар билан ўралган сарой атрофидаги зироатчиларнинг уй-жойлари, ишлаб чиқариш иншоотлари ва қишлоқ хўжалиги учун фойдаланилган ерлар);

— мил. авв. I минг йилликнинг бошлари, “воҳа-давлатлар” ва дастлабки сиёсий уюшмалар;

— илк темир даври, ҳудудий жиҳатдан ўртамиёна давлатлар (Бақтрия, Хоразм, Сўғд).

Натижада қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин:

— Ўрта Осиёда илк давлатлар муаммосининг ўрганилиши тарихи XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган. XX асрнинг 30-40-йиллари охирлари ва 50-60-йилларда муаммонинг ўрганилиш натижалари алоҳида монографияларнинг тарихшуносликка оид бобларида ва турли мақолаларда ўз аксини топган. Бу вақтга келиб, Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихшунослиги тўғрисида бошланғич назарияга асос солинган;

— XX асрнинг 70-80-йилларида, кенг археологик тадқиқотлар туфайли илк давлатчилик хронологияси ва типологияси борасида фанда мавжуд илмий қарашлар ва ёндашувлар ўзгариб, Ўрта Осиёда давлатчилик-

нинг вужудга келиши хронологик жиҳатдан қадимий-лаштирилиб, бронза даври билан боғланган;

— тарих фанида синфий назария устунлик қилганлиги туфайли, давлатчилик вужудга келишининг объектив омиллари, хусусиятлари ва тарихий тараққиёт қонуниятлари етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, илк давлатчиликнинг синфий моҳияти асосий кўрсаткич сифатида белгиланган;

— Ўрта Осиё ҳудудларида сиёсий институтлар ва ҳокимият вужудга келишидан аввалги ибтидоий даврларда ўзлаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган жамоалардаги бошқарув хусусиятларини ўрганилиши тарихи махсус умумлаштирувчи тадқиқотга айланмаган;

— шўро даври тарихшунослигида ибтидоий-ижтимоий бошқарувнинг касбий ва маъмурий-худудий бошқарувга айланиши сабаблари ва омиллари масаласи яхлит тарзда ишланмаган бўлиб, адабиётларда кам ёритилган;

— XX аср тадқиқотларида Арёшайёна каби сиёсий бирлашма, Қадимги Хоразм ёки “Қатта Хоразм” давлати, Қадимги Бақтрия подшолиги тарихини ўрганилиши натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этган, аммо Фарғона, Чоч ва Сўғддаги илк давлатчилик масаласининг ўрганилиши тарихи ёритилмаган;

— янгича ёндашувлар, давлатнинг вужудга келиши жараёнлари, энг аввало, аҳоли ва жамиятнинг умумий манфаатларини амалга ошириш зарурияти билан боғланиши ва талқин қилиниши мустақиллик даври Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим ўрин тутган, лекин шу билан бирга айрим тадқиқотларда синфий назарияга асосланган ёндашув ҳам қўлланилади, мавзунини ўрганишда бирёқлама ёндашувдан воз кечиш лозим;

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Марказий Осиёнинг айрим мамлакатларида давлатчилик тарихи соф илмий муаммоларни асл манбаларга таянган ҳолда ўрганиш доирасидан четга чиқа бошлади ва мавзуга ноҳолис ёндашувнинг вужудга келишига олиб келди.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

АН — Академия наук

ИМКУ — История материальной культуры Узбекистана

Л — Ленинград

М — Москва

МГУ — Московский государственный университет им.

М.В. Ломоносова

МИА — Материалы и исследования по археологии СССР.

Москва; Ленинград

МХАЭ — Материалы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции

РАН — Российская Академия наук

САГУ — Среднеазиатский государственный университет

Т. — Ташкент

ЎЗРФА — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси

ЮТАКЭ — Южно-Туркменистанская археологическая комплексная экспедиция

МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

I боб. Минтақадаги қадимги бошқарув ва илк давлатчилик масаласига оид маъбаларнинг ўрганилиши тарихи

- 1.1. Илк ёзма маъбалардаги жамият ва бошқарувга оид маълумотларнинг ўрганилиши 13
- 1.2. Ёзма ва археологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили натижалари 33

II боб. Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги ёндашувлар ва назариялар


- 2.1. Шўро даври тарихшунослигида муаммога ёндашув 43
- 2.2. Мустақиллик даврида мавзунинг ёритилиши 61

III боб. Ижтимоий-иқтисодий бошқарувнинг келиб чиқиши ва давлатчиликнинг шаклланиши муаммолари тарихшунослиги

- 3.1. Иқтисодий муносабатлар ва ижтимоий бошқарувнинг пайдо бўлиши жараёсларининг ўрганилиши 82
- 3.2. Ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омилларга асосланган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши масаласи 98
- 3.3. Илк давлатчилик муаммоси ўрганилишининг асосий натижалари 109
- Хулоса 137
- Шартли қисқартмалар рўйхати 144

Ўткир Исмоилович АБДУЛЛАЕВ

**ЎРТА ОСИЁДА ҚАДИМГИ БОШҚАРУВ
ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК
ТАРИХШУНОСЛИГИ**



Мухаррир Ш. Жабборов
Мусаҳҳия Т. Соатова
Дизайн Б. Разоқов
Техник муҳаррир Н. Қурбонова
Нашр учун масъуллар Б. Умаров, Д. Қобулова

Теришга берилди 2.12.08. Босишга рухсат этилди 18.01.09. Бичими 84x108^{1/2} /... Оффсет босма. Шартли босма табоғи 9.3. Нашриёт ҳисоб табоғи 9.0. Адади 300. Баҳоси шартнома асосида.

МСҲJ "ISHQUVVAT" босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Сўғалли ота 5.